

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА
СУРИШТИРУВ

Маърузалар курси

Тошкент–2017

Муаллифлар жамоаси:

юридик фанлар номзоди, доцент Б. Н. Рашидов – сўзбоши, I, III боблар;
юридик фанлар доктори А. Р. Акилов – VI боб;
юридик фанлар номзоди, доцент Б. Б. Муродов – II боб;
юридик фанлар номзоди Б. А. Ражабов – IV боб;
юридик фанлар номзоди Ш. А. Қулматов – V боб;
Н. Тоштемиров, Д. И. Раимов – VII боб

Тақризчилар:

Тошкент Давлат юридик университети криминалистика кафедраси
мудири, юридик фанлар доктори, доцент **Г. З. Тўлаганова**;
юридик фанлар номзоди, доцент **А. А. Матчанов**

Рашидов Б. Н.

И-94 **Ички ишлар органларида суриштирув:** Маърузалар курси /
Рашидов Б.Н., Акилов А.Р., Муродов Б.Б. ва бошқ.; Масъул
муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор М.А.Ражабова. –
Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 138 б.

Маърузалар курсида «Ички ишлар органларида суриштирув» курсининг предмети ва асосий тушунчалари, ички ишлар органларининг суриштирув органи сифатидаги мақоми, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби, терговга қадар текширув ўтказиш ва суриштирувчининг тергов-тезкор гуруҳи таркибида фаолият юритиши, жиноят ишини қўзғатиш ва суриштирувнинг бошланиши, суриштирув жараёнида кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш, суриштирувни тамомлаш, суриштирувчи томонидан терговчининг топшириқлари бажарилиши ёритилган.

ИИВ Академияси тингловчи ва курсантлари, юридик олий ўқув юртлари талабалари ва шу соҳа билан қизиқувчи катта илмий ходим-изланувчилар ҳамда амалиёт ходимларига мўлжалланган.

КБК 67.99 (5У) 93я73

СЎЗ БОШИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат ҳокимияти органлари тизими, фаолияти янгидан шакллантирилди ва уларнинг олдидаги вазифаларга мос равишда ўзгартирилди. Шу жумладан ички ишлар органлари фаолиятида ҳам тўб ўзгаришлар амалга оширилди. Ушбу ислохотлар ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган шахс, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ғайриҳуқуқий тажовузлардан ҳимоя қилиш, жамоат тартибини ва жамият хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, айниқса жиноятларнинг олдини олиш, жамиятдаги турли шакллардаги мулкчиликни қўриқлаш ва дахлсизлигини таъминлаш вазифаларининг сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш механизмини такомиллаштиришга хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури» мамлакатимиз таълим тизимининг тубдан ислох қилиниши билан бирга замон талабларига мос келувчи янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлашни ёки уларни вақт ўтишини ҳисобга олган ҳолда янгилаш ва қайта ишлаб чиқишни талаб қилади. Таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассисларнинг ҳуқуқий тайёргарлиги даражаси доимий равишда юқори даражадаги аҳамият касб этган масалалар қаторида бўлиб, тезлик билан ўзгараётган замонда ички ишлар органлари ходимларининг етук, юксак касбий тайёргарликка эга, ҳуқуқий маданият соҳиби, маънавиятли ва бошқаларга ўрнак бўла оладиган мутахассис бўлиб шаклланишларини талаб этмоқда. Албатта, ҳуқуқшунос мутахассис ҳуқуқни қўлловчи органлар, уларнинг фаолият йўналишлари, асосий вазифалари ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида етарли дара-

жада маълумотларга эга бўлиши, шунингдек ушбу вазифаларни самарали адо эта олиш кўникмаларига эга бўлишлари зарур.

Мазкур «Ички ишлар органларида суриштирув» маърузалар курси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг бир гуруҳ тажрибали педагог-олимлари томонидан тайёрланган. Унда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг суриштирув фаолиятига тааллуқли барча асосий тушунчалар ва институтлар мазмуни очиб берилган. «Ички ишлар органларида суриштирув» курсининг предмети ва асосий тушунчалари, ички ишлар органларининг суриштирув органи сифатида мақоми, жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби, терговга қадар текширув ўтказиш ва суриштирувчининг тергов-тезкор гуруҳи таркибида фаолият юритиши, жиноят ишини қўзғатиш ва суриштирувнинг бошланиши, суриштирув жараёнида кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш, суриштирувни тамомлаш, суриштирувчи томонидан терговчининг топшириқлари бажарилиши хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган.

I боб. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ СУРИШТИРУВ ОРГАНИ СИФАТИДА МАҚОМИ

Суриштирув фаолияти мазмуни ва вазифалари

Жамият тараққиётининг муайян ривожланиш даражасига эришишда давлатнинг ўрни беқиёсдир. Ижтимоий тузилма сифатида давлат зиммасидаги энг муҳим вазифа бу жамиятни янада тараққий эттириш, Ватан озодлиги ва ободлиги, эркин ва фаровон ҳаётни таъминлаш ҳисобланади. Мазкур вазифаларни адо этишда давлат ҳуқуқий меъёрлар жорий этади ва унинг амал қилишини таъминлаш учун мажбурлов кучидан фойдаланади. Мажбурлаш фаолияти давлат номидан амалга оширилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш мазмунига эга бўлади ва жамиятда қонунийлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш, шунингдек ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қаратилади. Қонунийликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, қонунбузилишининг олдини олиш ва унга чек қўйиш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноят учун жавобгарликни ҳал этиш механизми орқали амалда ошади. Қонунни амалиётда бекаму-кўст қўллаш тартиби процессуал қонун ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Суд-ҳуқуқ тизимида ўта муҳим ва улкан масъулият талаб этадиган фаолият жиноят-процесси (суриштирув, дастлабки тергов)да мужассамлашган. Жиноят-процесси амалдаги қонунга хилоф равишда содир этган жинояти орқали фуқаро, жамият ва давлат ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига зарар етказган шахсларга нисбатан давлат томонидан белгиланадиган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини тайинлаш ва уни ижро этишга қаратиш билан боғлиқ тегишли давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини белгилаш баробарида ушбу фаолиятнинг мажбурий тарзда амалга оширилишига хизмат қилади. Соддароқ қилиб айтганда, жиноят содир этган шахсни жавобгарликка тортишга қаратилган фаолият жиноят-процессуал фаолият бўлиб, жиноят ишларини юритишга ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади. Жиноят-процессуал фаолият уни амалга оширувчи субъектларнинг ҳуқуқий мақоми ва вазифаларининг хусусиятларига кўра терговга қадар текширув, суриштирув, тергов, назорат, судлов, ижро этиш каби ҳамкорликдаги фаолиятдан ташкил топади.

«Ички ишлар органларида суриштирув» махсус курси жиноят-процессуал фаолиятнинг бир қисми сифатида суриштирув фаолиятини ўрганади. Ушбу курснинг предмети жиноят-процесси фанининг таркибига кирувчи ички ишлар тизимидаги суриштирув органларининг жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, текшириш, ҳал этиш, жиноятларини тез ва тўла очиш, ҳақиқатни аниқлаш мақсадида ишнинг синчковлик билан тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона тергов қилинишига ҳамда жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг бошқа вазифаларини адо этишга шароит яратишга қаратилган кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш фаолияти – суриштирувнинг тартиби ва хусусиятларига оид билимлар мажмуидан иборат. «Ички ишлар органларида суриштирув» махсус курсининг асосий тушунчаларига ички ишлар органлари, суриштирув органлари, суриштирув органлари тизими, суриштирув, суриштирувнинг вазифалари, терговга қадар текширув, жиноят ишини кўзғатиш сабаб ва асослари, жиноят иши кўзғатишни рад этиш асослари, жиноят иши кўзғатиш ёки кўзғатишни рад этиш тартиби, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари, тергов ҳаракатларининг тартиби, терговчининг топшириқлари кабилар кирази.

Суриштирув деганда, жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини бажаришга қаратилган, Жиноят-процессуал кодекс билан тартибга солинган, суриштирув органлари томонидан жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зарар қопланишини таъминлаш учун жиноят иши бўйича кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш фаолиятдан иборат дастлабки тергов босқичининг алоҳида шакли тушунилади.

Суриштирув фаолияти содир этилган жиноятни аниқлаш, кўзғатилган иш бўйича жиноят содир этган шахсни топиш ва уни жиноий жавобгарликка тортиш учун суриштирув органлари томонидан амалга ошириладиган жиноят-процессуал фаолият бўлиб, кўзғатилган жиноят ишини тез ва тўлиқ, холисона ва ҳар томонлама тергов қилиниши ва адолатли ҳукм чиқарилиши учун зарур шароит яратишга йўналтирилган.

Суриштирувни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 38-моддасида кўрсатилган органлар амалга оширадilar ва ушбу фаолият жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг

мақсадига эришиш, яъни одил судловни таъминлашга хизмат қиладиган қуйидаги вазифаларга эга:

1) жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш;

2) далилларни тўплаш ва сақлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш;

3) жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш;

4) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш.

Жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш деганда жиноят содир этилаётганлиги аниқланганда тезкорлик билан муайян тадбир ёки тергов ҳаракатини ўтказиш орқали ушбу жиноятнинг салбий оқибатлари келиб чиқишидан аввал қилмиш содир этилишини тўхтатиш тушунилади.

Далилларни тўплаш ва сақлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш деганда эса содир этилган жиноятни, айниқса унга дахлдор бўлган изларни ва иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган маълумотлар, нарсалар ва ҳужжатлар йўқолиб кетиши ёки яроқсиз ҳолга келишига йўл қўймаслик учун ушбу маълумотлар, нарсалар ва ҳужжатларни қонунда белгиланган тартибда олиш йўли билан тўплаш, расмийлаштириш, ишончли тарзда сақланиши учун ваколатли шахсларга топшириш ёки далилларни тўплаш ва сақлаш учун шароит яратиш тушунилади.

Жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш вазифаси икки йўналишда ташкил этилади. Биринчиси жиноят содир этишда гумон қилинганларни *ушлаш*, яъни жиноят содир этилаётган пайтда ёки жиноят содир этгандан кейин дарҳол ёхуд иш қўзғатилганидан сўнг жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсни ҳаракатланишини чеклаб, уни шахсий тинтув қилиш, ички ишлар органига олиб келиш ва вақтинча сақлаш ҳибсхонасига жойлаштириш, унинг шахсини ва жиноятга алоқадорлигини текшириш. Иккинчиси яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни *қидириб топиш*, яъни ишга жалб этилган гумон қилинувчи

ёки айбланувчи тергов ёхуд суддан яширинганда унинг қаердалигини аниқлаш, уни яширинган жойида ушлаб, тергов ёки судга мажбурий тарзда келтиришдан иборатдир.

Жиноят туфайли етказилган моддий зарар қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини юритиш, бунда жиноят натижасида етказилган моддий зарар миқдорини аниқлаш, моддий зарар миқдоридан кам бўлмаган миқдорда айбланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкни ёки жинойий йўл билан топилган мол-мулкни аниқлаш ва уни хатлаш чоралари кўрилади. Суриштирув органлари зиммасидаги санаб ўтилган вазифаларни бажаришда маълум бир тезкор-қилирув тадбирлари ёки тергов ҳаракатларини, мисол учун мол-мулкни хатлашни ўтказадилар.

Суриштирув органлари жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, Жиноят-процессуал кодекснинг талабларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш ва тўплаш мақсадида илмий-техник воситаларини қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш ваколатига ҳам эга. Ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари бу мақсадда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ҳам ҳақлидирлар.

Шу билан бирга, қонунда жиноят иши қўзғатилгандан сўнг суриштирув органи томонидан содир этилган жиноятнинг ҳолатларини аниқлашга ёрдам берадиган тергов ҳаракатлари (сўроқ қилиш, кўздан кечириш, тинтув ўтказиш, гувоҳлантириш, экспертиза тайинлаш, эксперимент ва ҳ.к.) ўтказиш назарда тутилган. Суриштирув органлари (суриштирувчилар) жиноятни очиш ва айбдорларни фош этиш, етказилган зарарнинг қопланишини таъминлаш, жиноят сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида муайян изчилликда амалга ошириладиган тергов ва процессуал ҳаракатлар мажмуи, шунингдек улар қабул қиладиган процессуал қарорлар суриштирув фаолиятининг мазмунини ташкил қилади. Кўп ҳолларда суриштирув органлари кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказадилар. Таъкидлаш жоизки, қонунда «кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари» тушунчаси ҳам, уларнинг рўйхати ҳам акс эттирилмаган. Фикримизча иш ҳолатларига кўра ҳар қандай тергов ҳаракати муайян вазиятда кечиктириб бўлмас аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Умуман олганда, суриштирув органларининг фаолияти ўзига хос хусусият касб этган. Суриштирув фаолияти юклатилган вазифаларни ижро этишда жиноят-процессуал қонунчилик талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши, шу билан бирга тезкор-қидирув фаолияти билан бирга ва терговчилар билан ҳамкорликда бўлиши мазкур фаолиятнинг янада самарали бўлишига хизмат қилади.

Суриштирув органлари фаолиятининг мазмуни ва тизими

Суриштирув органлари – ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан шуғулланувчи ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида қонун ҳужжатларида белгиланган хизмат вазифаларини амалга ошириш билан боғлиқ, содир этилган жиноят ҳақидаги ариза ёки хабар келиб тушганлиги муносабати билан процессуал фаолиятни, яъни терговга қадар текширув ва суриштирувни амалга оширишга ваколатли бўлган давлат органларидир.

Суриштирув органлари фаолияти деганда ушбу органларнинг қонун ҳужжатларига кўра белгиланган вазифаларни бажариш билан боғлиқ муайян йўналишларда амалга ошириладиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти тушунилади. Суриштирув органлари фаолияти инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш, жамият ва давлат манфаатларини ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилиш, миллий, иқтисодий хавфсизликни кўриқлаш, тинчликни, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек қонунийлик, ҳуқуқий тарғибот ва қонун ижодкорлиги каби йўналишларда амалга оширилади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга оширишнинг бир шакли бу суриштирув бўлиб, суриштирувни фақат жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ваколатли органлар амалга оширади.

Суриштирув органларининг фаолияти нафақат жиноят-процессуал, шунингдек тезкор қидирув функцияларини бажаришга қаратилганлиги билан ўзига хос хусусиятга эга. Ўз навбатида, суриштирув органларининг жиноят-процессуал фаолияти қуйидагиларни ўз ичига олади: жиноятлар ҳақидаги ариза (хабар)ларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш; жиноят ишини кўзғатиш учун бошқа сабаблар мавжуд бўлганда терговга қадар текширув ёки суриштирув ўтказиш; терговчиларнинг топшириғи бўйича тезкор қидирув тадбирлари ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш; терговчилар томонидан амалга оширилаётган айрим тергов ҳаракатларини ўтказишда кўмаклашиш.

Суриштирувчи терговчининг тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш шартлари, тартиби ва муддатлари хусусидаги кўрсатмаларига мувофиқ бажариши шарт. Топшириқни белгиланган муддатда бажариш имконияти бўлмаса, суриштирувчи бу ҳақда терговчини хабардор қилади ва бажариш муддатини узайтиришни ёки ижро этиш шартлари ва усуллари-ни ўзгартиришни илтимос қилади. Терговчининг талабига асосан суриштирувчи тергов ҳаракатларини юритишда унга ёрдам бериши, шунингдек жиноят иши учун далилий аҳамиятга эга бўлиши эҳтимол тутилган ҳужжатлар ва бошқа материалларни танишиб чиқиш ёки ишга қўшиб қўйиш учун тақдим қилиши шарт. Терговчи ўзининг барча топшириқлари, кўрсатма ва талабларини суриштирувчига суриштирув органининг бошлиғи орқали юборади (ЖПКнинг 343-м.)

Ўзбекистон Республикасида қуйидагилар суриштирув органлари ҳисобланади:

- 1) милиция;
- 2) ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари;
- 3) миллий хавфсизлик хизмати органлари;
- 4) Ўзбекистон Республикаси ИИВ жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамоқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари;
- 5) давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари;
- 6) чегарани кўриқлаш органлари;
- 7) олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари;
- 8) давлат божхона хизмати органлари;
- 9) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари;
- 10) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари;
- 11) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари.

Ички ишлар органлари тизимига кирувчи суриштирув органларига милиция, давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари, жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қамок тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари (тезкор хизматлари) киради.

Милиция ички ишлар органларининг асосини ташкил этувчи хизматлар, яъни асосан жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, турли шакллардаги мулкни кўриқлаш ва жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ вазифаларни бажарувчи бўлимларни ўзига қамраб олади. Буларга ИИБнинг жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, кўриқлаш, шахсий таркиб бўйича махсус инспекция, тергов, эксперт-криминалистика ва бошқа ёрдамчи хизматларни киритиш мумкин. Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси ва унинг қуйи тизимидаги органлар асосий суриштирувни амалга оширувчилар бўлиб, Жиноят-процессуал кодекснинг 345-моддасида белгиланган прокуратура (Жиноят кодексининг 97–103, 141–149, 175, 184¹, 192¹–192¹¹, 205—212, 215, 218–221, 230–236, 241¹, 242, 265-моддаларида назарда тутилган, шунингдек айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятлари) ва ички ишлар органларининг (Жиноят кодексининг 104–140, 164–166, 168–173, 183, 186–186², 193–204, 213, 214, 216–217, 222, 224–229², 243, 244, 245, 247–264, 266–278⁶-моддаларида назарда тутилган, шунингдек вояга етмаганлар содир этган барча жиноятлар) терговига тегишли ва бошқа суриштирув органларига юклатилмаган барча жиноятларга оид ишлар бўйича суриштирувни тўлиқ амалга оширадилар. Бунда улар тўлиқ тезкор-қидирув тадбирларини ҳам ўтказишга ҳақли.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва унинг қуйи тизимига кирувчи хизматлар асосан профилактика инспекторлари уларга бириктирилган маъмурий ҳудудда ҳар қандай жиноят турлари содир этилишининг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш учун суриштирувни амалга оширадилар.

Патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш тизимига кирувчи хизматлар жамоат жойларида, кўчаларда содир этиладиган барча жиноятларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик, далилларни

тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш борасида суриштирувни амалга оширадилар.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати автомобиль йўлларида содир этиладиган йўлларда ҳаракатланиш қоидаларига амал қилиш, автомобиль транспортдан фойдаланиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни аниқлаш ва қопланишини таъминлаш борасида суриштирувни амалга оширадилар.

Шахсий таркиб бўйича махсус инспекция ички ишлар органлари тизимида ходимлар томонидан содир этиладиган ёки уларга нисбатан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинаётганларни ушлаш, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни аниқлаш ва қопланишини таъминлаш борасида суриштирувни амалга оширадилар. Ушбу хизматлар ҳам тўлиқ тезкор-қидирув тадбирларини ўзқизишлари мумкин.

Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари паспорт тизими, хорижга чиқиш-келиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш борасида қисман суриштирувни амалга оширадилар.

Қўриқлаш хизмати давлат ва халқ хўжалигининг турли объекларида, шунингдек фуқароларнинг мол-мулкига тажовуз қилиш, уни нобуд қилиш ёки талон-торож қилиниши билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш шароитларини яратиш борасида қисман суриштирувни амалга оширадилар.

Милицияга кирувчи тергов, эксперт-криминалистика ва бошқа хизматлар суриштирув органи ҳисобланмайди.

Ҳарбий қисмлар, қўшилмаларнинг командирлари, ҳарбий муассасалар ва ҳарбий ўқув юртларининг бошлиқлари ўзларига бўйсунувчи ҳарбий хизматчилар, шунингдек ўқув машқлари ўтказилаётган вақтда ҳарбий хизматга мажбурлар томонидан содир этилган жиноятлар, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ходимларининг хизмат мажбуриятини бажариш билан боғлиқ жиноятлар ёки қисм, қўшилма, муассаса ё ўқув юрти жойлашган ерда содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш шароитларини яратиш борасида қисман суриштирувни амалга оширадилар.

Миллий хавфсизлик хизмати органлари Жиноят-процессуал кодекснинг 345-моддасида белгиланган миллий хавфсизлик хизмати (Жиноят кодексининг 150–163, 182, 223, 246-моддаларида назарда тутилган, шунингдек айрим тоифадаги мансабдор шахсларнинг жиноятлари) терговига тегишли жиноятларга оид ишлар бўйича суриштирувни тўлиқ амалга оширадilar. Бунда улар тўлиқ тезкор-қидирув тадбирларини ҳам ўтказишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ жазони ижро этиш тизимини бошқариш органларининг бошлиқлари, қamoқ тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларининг, жазони ижро этиш колониялари, тарбия колониялари, тергов ҳибсхоналари ҳамда турмаларнинг бошлиқлари (тезкор хизматлари) шу муассасалар ходимлари томонидан хизматни ўташнинг белгиланган тартибига қарши қилган жиноятлар, мазкур муассасалар ҳудудида содир этилган бошқа жиноятларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинаётганларни ушлаш, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни аниқлаш ва қопланишини таъминлаш борасида суриштирувни амалга оширадilar. Бунда улар тезкор-қидирув тадбирларини ҳам ўтказишга ҳақли.

Давлат ёнғиндан назорат қилиш органлари ёнғинларга доир ва ёнғинга қарши қоидаларни бузиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни аниқлаш ва қопланишини таъминлаш учун шароит яратиш борасида суриштирувни амалга оширадilar.

Чегарани қўриқлаш органлари давлат чегарасини бузиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинаётганларни ушлаш, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни аниқлаш ва қопланишини таъминлаш борасида суриштирувни амалга оширадilar ва тезкор-қидирув тадбирларини ҳам ўтказишга ҳақлидирлар.

Олис сафарда бўлган денгиз кемаларининг капитанлари кемада содир этилган жиноятлар бўйича суриштирувни амалга оширадilar.

Давлат божхона хизмати органлари божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинаётганларни ушлаш, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни аниқлаш ва қопланишини таъминлаш

борасида суриштирувни амалга оширадилар ва тезкор-қидирув тадбирларини ҳам ўтказишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинаётганларни ушлаш, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни аниқлаш ва қопланишини таъминлаш борасида суриштирувни амалга оширадилар ва тезкор-қидирув тадбирларини ҳам ўтказишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни, ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, суд қарорини бажармаслик, шунингдек банд солинган мол-мулкни қонунга хилоф равишда тасарруф этиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни аниқлаш ва қопланишини таъминлаш борасида суриштирувни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларига оид жиноятларнинг олдини олиш ёки уларга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни аниқлаш ва қопланишини таъминлаш борасида суриштирувни амалга оширадилар.

Ички ишлар органларининг суриштирув органи сифатидаги вазифалари ва ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси *Ички ишлар вазирлиги* ва унинг тузилмалари мураккаб тузилишга эга. Ички ишлар вазирлиги, унинг бошқарма ва бўлимларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя

қилишдан, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасидан иборат.

Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ўз ваколатлари доирасидаги ишлар бўйича суриштирув ва дастлабки терговни ўтказиш, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар, Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятлар ҳамда миллий хавфсизликни сақлаш бўйича бошқа тадбирларнинг ўтказилишига кўмаклашадилар.

Ички ишлар органлари ишининг муҳимлиги ҳуқуқий давлатни шакллантириш, Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш зарурияти, коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича қатъий тадбирлар кўриш муносабати билан ошиб бормоқда.

ИИОлари ўз ҳуқуқи доирасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жамият ва давлат манфаатларини жинорий ва бошқа гайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилади, жамоат тартибини сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини амалга оширади.

Ички ишлар органлари тизими:

1. Ички ишлар вазирлиги;
2. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;
3. Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, транспортдаги ички ишлар бошқармаси, Жазони ижро этиш бош бошқармаси;
4. Алоҳида бош бошқармалар ва бошқармалар (Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси, Тергов бош бошқармаси, Пост-патруль хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси, Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси, Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси, Республика «Куриқлаш» бирлашмаси ва бошқа бошқармалар, марказлар ва бўлимлар);
5. Туманлар, шаҳарлар, тармоқ ички ишлар бошқарма ва бўлимлари, уларга тенглаштирилган махсус ички ишлар бўлимлари, марказлар, жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлинмалари, ички ишлар органларининг шаҳарча бўлимлари, бўлинмалари ва таянч пунктлари;

6. ИИВга қарашли таълим, спорт ва тиббиёт муассасалари;

7. Ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинмалар ва ташкилотлар.

Ички ишлар органларининг асосий вазифалари:

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

– жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани ҳимоя қилиш;

– конституциявий тузумни ҳимоя қилиш;

– қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш;

– ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш.

Шунингдек, ички ишлар органларининг вазифаларига қонунийликни муҳофаза қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш; жамият ва давлат манфаатларини жиной ва бошқа ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш; жамоат тартибини сақлаш; жамоат хавфсизлигини таъминлаш; жиноятчиликка қарши кураш; жиноятларни тўла ва ўз вақтида фош қилиш; аҳолига ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда қатнашиш; маъмурий, жиной жавобгарликка тортиш, жазоларни ижро этиш ва бошқа вазифаларни бажарадилар.

Ички ишлар вазирлигининг вазифалари:

ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, кадрлар билан ишлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасидаги ишларига умумий раҳбарлик қилади ва бу ишларни мувофиқлаштиради, методик жиҳатдан таъминлайди;

жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш республика дастурини тайёрлайди ва амалга оширади, мазкур йўналишлар бўйича республика дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

ҳуқуқ-тартибот масалалари юзасидан республика қонунчилигини ишлаб чиқишда таклифлар киритади ва қатнашади;

ўз ҳуқуқи доирасида ички ишлар органлари фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди;

жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича республика тадбирларини ўтказишни кучлар ва воситалар билан бошқаради;

ички ишлар органларида режалаштириш, назорат қилиш ва ахборот-аналитик фаолиятнинг ягона тизимини белгилайди, ташкил этади ва таъминлайди;

республика маълумотнома-ахборот фондларини, оператив-қидирув ва кадрларни ҳисобга олишни шакллантиради, республика криминалистик ҳисобот-ахборот тизимини тузади, ички ишлар органлари фаолияти масалалари юзасидан давлат статистика ҳисоботини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган транспорт ички ишлар органларига, ички ишлар органлари ўқув юртларига раҳбарликни амалга оширади;

жиноятлар ҳамда жамиятга қарши бошқа хатти-ҳаракатларнинг ўз вақтида олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади, вазирлик, идоралар, муассасалар ва ташкилотларга жиноятчиликни келтириб чиқарувчи ва бошқа ҳуқуқ-тартиботни бузиш ҳолларининг сабабларини ҳамда ана шу хатти-ҳаракатларни содир қилишга сабаб бўлувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади;

фуқаролар, давлат, жамоат, коллектив, кўшма, кооператив ҳамда бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг иқтисодий манфаатларини ғаразли жиноий хуружлардан ҳимоя қилишни ҳамда улар туфайли етказилган зарарнинг ўрни қопланишини, жиноий жазо бериладиган чайқовчиликка, порахўрликка, сохта пул ясашга ва валюта операциялари қоидаларининг бузилишига қарши курашни таъминлайди;

оператив-қидирув ишларини ташкил этади ва амалга оширади;

қонунчилик томонидан ички ишлар органлари зиммасига юклатилган жиноятлар ҳақидаги дастлабки сўроқ ва терговни таъминлайди;

тергов ва суддан яшириниб юрган айбланувчи, ҳукмни ижро этиш ва жазони ўташдан бўйин товлаб юрган жазога тортилган шахсларни, бедарак йўқолган ва қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларни қидириш ишларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қидирув эълон қилинган жиноятчиларни ва бошқа шахсларни қидиришда иштирок этади;

Ички ишлар вазирлигининг ҳарбий ва махсус темир йўл юк ташишларини, ҳукм қилинганларни ҳаво, темир йўл тармоқлари орқали ташишда соқчилик қилишни ва этапдан этапга етказишни ташкил этишни амалга оширади.

бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда болаларнинг назоратсиз қолишининг олдини олиш ҳамда балоғатга етмаганлар томонидан ҳуқуқ бузишларга қарши кураш ишларини олиб боради;

судларнинг ажримлари, прокурорларнинг қарорлари ва терговчилар ва дастлабки терговни олиб борган шахслар қарорларининг, шунингдек, қонунчилик томонидан ички ишлар органлари зиммасига ижро этиш юклатилган мажбур этишнинг бошқа чораларини қўлланиши ҳақидаги бошқа қарорларнинг ижросини таъминлайди;

ҳибсга олинганлар ва ушланганларни қўриқлаб ва кузатиб боришни ташкил этишни таъминлайди;

озодликдан маҳрум этишга, ҳамда қонунчилик томонидан ички ишлар органларининг зиммасига ижро этиш юклатилган жазонинг бошқа турлари бўйича ҳукм қилинган шахсларга нисбатан суд ҳукмларининг ижро этилишини ташкил этишни таъминлайди;

жазога ҳукм этилганлар ахлоқини тузатиш ва уларни қайта тарбиялаш ишларини белгиланган тартибда ташкил этади, қонун томонидан белгиланган жазони ўташ режимига қатъий риоя қилинишини, жазога ҳукм этилганларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, улар билан сиёсий-тарбиявий ишлар олиб боришни ташкил этади, манфаатдор вазирликлар ва муассасалар билан биргаликда жазога ҳукм этилганларга умумий таълим ва ҳунар-техника таълими беришни ташкил этади ва амалга оширади, содир этилган жиноятнинг характери ва ижтимоий хавфлилигини, жазога ҳукм этилганнинг шахсияти, шунингдек, унинг хулқ-атвори ва меҳнатга муносабатини ҳисобга олган ҳолда жазога ҳукм этилганлар ахлоқини тузатиш ва уларни қайта тарбиялаш воситаларини танлашда яқка тартибда иш олиб боришни таъминлайди, бунда педагогика, психология ва бошқа фанлар соҳасида эришилган ютуқлардан кенг фойдаланади;

озодликдан маҳрум этилган жойлардан бўшатишган шахсларнинг ишга жойлашишига ва турмушда ўз ўрнини топишига кўмаклашади;

озодликдан маҳрум этилган жойлардан бўшатишган шахсларни қонунчиликка мувофиқ маъмурий назорат қилиб туради, шунингдек, қонун томонидан белгиланган ҳолларда шартли равишда жазога ҳукм этилган ва шартли равишда жазони ўташдан озод этилган шахсларни назорат қилиб боради;

республика ҳудудида паспорт тизими талабларининг бажарилишини таъминлайди, чегара кўшинлари билан биргаликда фуқароларнинг чегара режими қоидаларига риоя қилишларини назорат қилади, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда чет элга чиқиш ва Ўзбекистонга келиш учун рухсатнома беради, чет эллик ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида улар учун белгиланган яшаш ва кўчиш қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиб боради;

қонунчиликка мувофиқ ўт очиш ва совуқ қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, кучли таъсир этувчи захарли, наркотик ва радиоактив моддаларни сотиб олиш, сақлаш ва ташишни, ўқ отиш тирлари ва отишма жойларини, қурол-яроғларни тузатиш ва пиротехника корхоналари, ов ва спорт қуроллари билан савдо қилувчи магазинларни очишни ва уларнинг ишлашини назорат қилиб боради;

белгиланган тартибда полиграфия ҳамда штемпель-гравюра корхоналарини очиш ва уларнинг ишини, шунингдек, полиграфия асбоб-ускуналарини сотиб олиш, сақлаш ҳамда муҳр ва штампларни тайёрлашни назорат қилиб боради;

республикада давлат ёнғин назоратини амалга оширади, аҳоли яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларини ёнғиндан сақлашни таъминлайди, бошқа вазирликлар ва идораларнинг ёнғиндан сақлаш бўлинмалари ишини назорат қилади ва бошқаради, республика ёнғиндан сақлаш ташкилотларининг биргаликда иш олиб бориш тартибини белгилайди;

табiiй офатлар ва бошқа фавқулодда ҳолатлар рўй берганда одамларни ва мол-мулкни қутқаришда қатнашади, бунда жамоат тартиби сақланишини таъминлайди, мол-мулкни муҳофаза қилишни ташкил этади, бундай ишларга аҳолини, шунингдек, транспорт ҳамда корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга тегишли воситаларни қутқарув ишларини ва кечиктириб бўлмайдиган авария – қайта тиклаш ишларини ўтказишга жалб қилишга кўмаклашади;

ҳуқуқбузарликдан ва бахтсиз ҳодисалардан зарар кўрган ҳамда жамоат жойларида оғир аҳволда қолган шахсларга шошилиш ёрдам кўрсатишни ташкил этади;

шаҳарларда ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларда йўл ҳаракатини ва автомобиль йўлларида қатновни бошқаришни ташкил этади, вазирликлар, идоралар ва транспорт ташкилотларининг автотранспорт ҳамда шаҳар электр транспорти аварияларининг олдини олиш чора-тадбирларини ўтказишларини назорат қилади;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга тегишли автотранспорт воситаларини рўйхатга олади ва ҳисобга олиб боради, шунингдек, ана шу транспорт воситаларининг техника аҳволини назорат қилиб туради;

кўчалар, автомобиль йўллари ва улардаги йўл иншоотларининг беҳатар ҳаракат қилишни таъминлайдиган аҳволда бўлишини назорат қилиб боради, улардан фойдаланиш шароитларини яхшилаш тадбирларини кўради, автотранспортдан фойдаланиш ҳаракат хавфсиз-

лигига таҳдид солган ҳолларда кўчалар ва автомобиль йўлларининг айрим участкаларида автотранспорт ҳамда пиёдалар қатновини белгиланган тартибда чеклайди ва тақиқлайди;

корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа объектларни, шунингдек, фуқароларнинг уйларини белгиланган тартибда муҳофаза қилишни ташкил этади ва амалга оширади, идоравий қўриқлашни инспекция қилади, қўриқлашнинг ишончлилигини ва бу ишларга харажатларни камайтириш чораларини кўради;

ўта хавфли давлат жиноятчилигига қарши курашда ҳамда давлат хавфсизлигини сақлашга доир бошқа тадбирларни ўтказишда ёрдам беради;

республика ва маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳисобига Вазирлик тизими органлари, бўлинмалари, муассасалари ва ташкилотларини белгиланган тартибда маблағ билан таъминлайди;

ички ишлар органлари шахсий составининг касб малакасини ошириш ва интизомини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширади, шахсий состав томонидан ички ишлар органлари фаолиятини регламентловчи хизматни ўташ ҳақидаги низомлар, уставлар ва йўриқ-номалар талабларининг бажарилишини таъминлайди;

белгиланган тартибда ва ўз ҳуқуқлари доирасида ички ишлар органлари шахсий составига махсус унвонлар беради;

ички ишлар органларига улар зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда фаол кўмаклашган Вазирлик тизимининг алоҳида ўрнатилган ходимларини ва фуқароларни белгиланган тартибда кўкракка тақиладиган нишонлар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирлайди, шунингдек, рағбатлантиришнинг бошқа турларини қўллайдди;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда кўчалар, ҳовлилар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойлар ҳудудини, шунингдек, меҳнаткашлар дам оладиган шаҳардан ташқари жойлар ва чўмиладиган жойларда санитария қоидаларига риоя қилинишини назорат қилиб боради;

эпидемиялар ва эпизоотияларга қарши курашда, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширишда, браконьерликка ҳамда ов ва балиқчилик қоидаларининг бузилишига қарши курашда карантин тадбирлари ва чораларини амалга оширишда тегишли идораларга ёрдам беради;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида санитария назоратини ташкил этади, даволаш-профилактика ва санатория-курорт муассасаларида ички ишлар органлари шахсий

таркибига тиббий ва санатория-курорт хизмати кўрсатишни таъминлайди;

ички ишлар органлари тизимида буғ қозонлари назорати инспекцияси ишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўз ҳуқуқи доирасига тааллуқли масалалар бўйича халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилади;

жамоат бирлашмалари, ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан биргаликда иш олиб боради;

«Постда» «На посту» газеталарини нашр этади;

ўз ҳуқуқи доирасида ҳарбий-сафарбарлик ишларини ва фуқаролар мудофааси тадбирларини амалга оширади;

фуқаролардан тушган таклифлар ва аризаларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишини таъминлайди;

республикаларнинг ички ишлар органлари билан ёзма ва бошқа алоқалар ўрнатади;

икки томонлама ва кўп томонлама битимларнинг шартларида назарда тутилган бошқа тадбирларни амалга оширади;

хавфли юклар, қурол-яроғлар, ҳарбий техника, ҳарбий мол-мулклар, портловчи моддалар ва буюмлар, шунингдек, ҳарбий таркиблар транзити чоғида қонунчиликка мувофиқ хулосалар беради ва назоратни амалга оширади.

Ички ишлар органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;

– Ўзбекистон Республикасининг Ички ишлар органлари тўғрисидаги ва бошқа қонунлари;

– Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан тузган шартномалари;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг ички ишлар органлари фаолиятига оид фармонлари ва қарорлари;

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ички ишлар органлари фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;

– Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

ИИОлари фаолиятининг асосий принциплари:

– қонунийлик;

– ягоналик;

– фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш;

– очиқлик ва шаффофлик.

Ички ишлар органларининг суриштирув органи сифатидаги вазифалари ва ваколатлари уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларида бевосита намоён бўлади. Суриштирув органи сифатида ички ишлар органларининг ваколатларига қуйидагилар киради:

жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар тўғрисидаги аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни, шу жумладан электрон шаклдаги шундай аризаларни, хабарларни ва бошқа ахборотни қабул қилиши ҳамда рўйхатга олиши, мурожаат этувчига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кейинчалик хабар берган ҳолда улар бўйича ўз вақтида чоралар кўриши;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойга, ҳодиса жойига дарҳол етиб келиши, ғайриқонуний қилмишларга чек қўйиши, фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдидларни бартараф этиши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатларини, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириши, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса изларининг сақланишини таъминлаши;

жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда ёки ҳодиса жойида жабрланган фуқароларга, шунингдек ночор аҳволда қолган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам ёки бошқа хил ёрдам кўрсатилишини ташкил этиши;

ўз ваколатлари доирасида жиноятлар фактлари бўйича жиноят ишларини қўзғатиши, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиши;

жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, уларга чек қўйиш ва уларни фош этиш, шунингдек уларни тайёрлаш ва содир этишга алоқадор бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда топиш чораларини кўриши;

айрим процессуал ҳаракатларни бажаришда суриштирув ва тергов органларига, судга Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига назарда тутилган тартибда ёрдам бериши;

жиноят ишлари бўйича, зарур бўлган ҳолларда эса жиноят иши қўзғатилгунига қадар, экспертизаларни, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар бўйича экспертизаларни, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш мақсадида нарсалар ва ҳужжатларни текширишни тайинлаши ҳамда ўтказиши;

шахси таниб олинмаган мурдаларнинг шахсини аниқлаши;
чақирув бўйича келишдан бўйин товлаётган шахсларни мажбурий келтириш тўғрисидаги суд ажримларини, прокурорнинг, терговчининг ва суриштирувчининг қарорларини бажариши;

уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг ижро этилишини назорат қилишни амалга ошириши;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаши ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриши;

қонунда назарда тутилган шахсларнинг профилактик ҳисобини юритиши;

профилактика тадбирларини режалаштириш ва ўтказиш мақсадида жинойтлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этган шахсларнинг, ҳуқуқбузарликлардан жабрланганларнинг, қидирув эълон қилинганларнинг, бедарак йўқолганларнинг, ўқотар қуролга эга бўлганларнинг ҳисобини юритиши, ушбу маълумотларнинг таҳлилини амалга ошириши;

ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаши ва улар билан якка тартибда профилактика ишларини олиб бориши;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириши;

хавф таҳдид солган тақдирда, судьяларнинг, прокурорларнинг, терговчиларнинг, суриштирувчиларнинг, жабрланувчиларнинг, гувоҳларнинг ҳамда жинойт-процесси бошқа иштирокчиларининг, шунингдек улар оила аъзоларининг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки ҳимоя қилинишини таъминлаш чораларини кўриши;

ушлаб турилган ёки қамоққа олинган шахслардан олиб қўйилган, шунингдек топилган ва ички ишлар органларига топширилган ҳужжатлар, қимматбаҳо буюмлар, ашёлар ва бошқа мол-мулкнинг сақланишини таъминлаши, уларни қонуний эгаларига қайтариш ёки тегишли давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ихтиёрига топшириш чораларини кўриши;

фуқаролар ва мансабдор шахслардан қалбакилик белгилари бўлган ҳужжатларни, шунингдек тегишли асосларсиз уларда бўлган, муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган нарсаларни баённома тузган ҳамда унинг кўчирма нусхасини мазкур фуқароларга ва мансабдор шахсларга берган ҳолда олиб қўйиши;

топиб олинган ва ихтиёрий равишда топширилган саноат учун мўлжалланган портловчи материаллар, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари, алюмин кукунлари ва қурумларининг тегишли ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан қабул қилиниши ҳамда сақланиши, шунингдек уларнинг реализация қилиниши ёки йўқ қилиб ташланишини таъминлаш чораларини кўриши;

хизматга доир ахборотнинг, шунингдек хизмат мажбуриятларини бажариши чоғида ўзига маълум бўлиб қолган давлат сирларини ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигини ва сақланишини таъминлаши;

ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида, шунингдек бошқа соҳаларда илмий-тадқиқот ва ташкилий-услубий фаолиятни амалга ошириши, ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда фан ва технологиялар ютуқларини ривожлантириши ҳамда улардан фойдаланиши, янги усулларни, техник ва бошқа воситаларни жорий этиши;

маълумот-ахборот фондларини шакллантириши, криминалистик ҳисоб-ахборот тизимини яратиши, тезкор-қидирув ва кадрларга оид ҳисобларни, давлат статистика ҳисоботини ва бошқа статистика ҳисоботини юритиши;

фуқаролардан қонун ҳужжатларига риоя этишни, ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни тугатишни талаб қилиш, бу талаблар бажарилмаган тақдирда эса мажбурлов чораларини қўллаш;

ўз хизмат мажбуриятларини амалга ошириш чоғида фуқароларнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатларини текшириш, агар уларда қурол, ўқ-дорилар, портловчи, радиоактив ёки заҳарли моддалар, портлатиш қурилмалари, пиротехника буюмлари, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, уларнинг прекурсорлари ёхуд муомалада бўлиши тақиқланган ёки чекланган бошқа нарсалар бор деб ҳисоблашга асослар мавжуд бўлганда эса, фуқароларни шахсий кўрикдан ўтказишни, уларнинг ашёларини, қўл юкини, багажини кўрикдан ўтказишни амалга ошириш ҳамда мазкур нарсалар, воситаларни ва моддаларни олиб юриш ҳамда сақлаш учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган тақдирда уларни олиб қўйиш;

агар терговга қадар ва тергов ҳаракатларини, тезкор-қидирув ва қидирув тадбирларини ўтказиш, жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳодиса ҳолатларини ҳужжатлаштириш ёки жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик изларини, ҳодиса ҳолатларини сақлаб қолиш учун

зарур бўлса, фуқаролардан жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жойни, ҳодиса жойини тарк этишни талаб қилиш;

содир этилаётган жиноятларга чек қўйиш, шунингдек уларни содир этаётган шахсларни таъқиб қилиш ҳамда ушлаш учун, агар бунинг кечиктирилиши фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, жамият ва давлат хавфсизлигини таҳдид остига қўйиши мумкин бўлса, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳудудига, турар жойларига ва бошқа биноларига, ер участкаларига, транспорт воситаларига сутканинг исталган вақтида тўсқинликсиз кириш (ошиб тушиш);

фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни содир этган ёки қидирувда бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда ушлаш мақсадида фуқароларга тегишли бўлган турар жойларда ва бошқа биноларда, уларга қаршли ер участкаларида фуқароларнинг розилиги билан, ташкилотлар жойлашган ҳудудда ва биноларда уларнинг маъмурияти рухсати билан ёки мулкдорнинг розилиги билан бўлиш;

жиноят ишлари бўйича суриштирувни амалга ошириш ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш, жиноятлар, бошқа ҳуқуқбузарликлар ва ҳодисалар ҳақидаги аризалар ҳамда хабарларни кўриб чиқиш доирасида давлат органларига ва бошқа ташкилотларга кириш, зарур ҳужжатлар ва материаллар билан танишиш, шунингдек давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ҳамда фуқаролардан маълумотларни ва бошқа зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни сўраш ва олиш;

террорчиликка қарши операция ўтказилаётган зонада жисмоний шахсларни шахсий кўриқдан ўтказишни, улардаги ашёларни, транспорт воситаларини ҳамда олиб ўтилаётган юкларни кўриқдан ўтказишни, шу жумладан назорат қилишнинг техник ва бошқа воситаларини қўллаган ҳолда кўриқдан ўтказишни амалга ошириш;

ички ишлар органлари юритувидаги ишлар ва материаллар бўйича фуқароларни, мансабдор шахсларни ички ишлар органларига чақиртириш, улардан зарур тушунтиришлар, маълумотлар, ҳужжатлар, маълумотномаларни ва уларнинг кўчирма нусхаларини олиш;

фуқароларни уларнинг розилиги билан ҳамкорликка жалб этиш, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органларига ёрдам берган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган фуқароларни тақдирлаш;

ташкилотлар ва фуқаролардан ички ишлар органларининг фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни бепул

олиш, бундан қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган ҳоллар мустасно;

ҳуқуқбузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида давлат органларига, бошқа ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга бажарилиши шарт бўлган тақдимномалар киритиш;

жиноятларнинг ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларни фош этиш мақсадида зарур маълумотлар базаларига эга бўлган ахборот тизимларини техник ва махсус воситалардан фойдаланган ҳолда яратиш;

жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган шахсларни, шунингдек ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушлаш, ички ишлар органларига олиб бориш ва қамоқда сақлаш;

жиноятлар содир этганликда гумон қилинаётган ҳарбий хизматчиларни улар ҳарбий патрулга, ҳарбий комендантга, ҳарбий қисмлар командирларига топширилгунига қадар ушлаб туриш;

қамоқда сақланаётган шахсларни, шахсини аниқлаш имкони бўлмаган тақдирда бошқа ушлаб турилган шахсларни, шунингдек қонунга мувофиқ ўзга шахсларни рўйхатга олишни, фотосуратга олишни, уларнинг овозини ёзиб олишни, уларни кино- ва видео-тасвирга туширишни, бармоқ изларини олишни амалга ошириш;

давлат органлари томонидан таъсис этилган оммавий ахборот воситаларининг имкониятларидан жиноятлар ҳолатларини, уларни содир этган шахсларни аниқлаш, суриштирув, тергов органларидан, суддан яшириниб юрган, жинойий жазони ва маъмурий жазони ўташдан бўйин товлайётган шахсларни, шунингдек бедарак йўқолган шахсларни қидириш учун бепул фойдаланиш;

зарур бўлган ҳолларда, транспорт воситаларини тўхтатиш ҳамда уни бошқариш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни, транспорт воситасига, шунингдек ташилаётган юкларга оид ҳужжатларни текшириш, ҳайдовчи ёки юкни кузатиб бораётган шахс билан биргаликда транспорт воситасини ва юкларни ташқи кўздан кечириш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда транспорт воситаларини ва шахсларни ушлашни, кўрикдан ўтказишни амалга ошириш, шахсларни транспорт воситасини бошқаришдан четлаштириш, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини

берувчи хужжатларни олиб қўйиш, шунингдек транспорт воситаларини сақлаб туриладиган жойга қўйиш учун олиб бориш;

жиноятлар содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни уларнинг организмида алкоголь, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир кўрсатувчи бошқа моддалар мавжудлигини аниқлаш учун текширишни амалга ошириш;

ташкilotларда ҳамда фуқароларда лицензияларсиз ва рухсатномаларсиз турган ўқотар курулни, унинг ўқ-дориларини, портловчи материалларни, пиротехника буюмларини, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва уларнинг прекурсорларини, алюмин кукунлари ва курумларини белгиланган тартибда олиб қўйишни, ташишни ҳамда сақлаш учун жойлаштиришни амалга ошириш, уларни йўқ қилиб ташлаш чораларини кўриш.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар:

1. «Ички ишлар органларида суриштирув» махсус курсининг предмети ва уни ўрганишнинг аҳамияти нималардан иборат?

2. Суриштирув фаолияти нима?

3. Суриштирувнинг вазифалари деганда нимани тушунасиз?

4. Суриштирув органлари фаолиятининг мазмуни деганда нимани тушунасиз?

5. Суриштирув органлари тизимини айтиб беринг.

6. Ички ишлар органларининг суриштирув органи сифатидаги вазифаларига нималар киради?

7. Ички ишлар органларининг суриштирув органи сифатидаги ваколатларини айтиб беринг.

8. Ички ишлар органлари тезкор қидирув хизматларининг суриштирув фаолиятининг мазмуни тушунтиринг.

9. Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг суриштирув фаолиятининг мазмуни тушунтиринг.

10. Ички ишлар органлари бошқа хизматларининг суриштирув фаолиятининг хусусиятларини тушунтиринг.

II боб. ЖИНОЯТ ҲАҚИДАГИ АРИЗА ВА ХАБАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш мазмуни

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб амалга оширилади. Ички ишлар органларида жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш тартиби ИИВ томонидан тасдиқланган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган. Терговга қадар текширув амалга оширилиши шарт бўлган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва муассасаларида қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш ва ҳал этишнинг; ҳал этилган материаллар ва улар юзасидан қабул қилинган қарорларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритишнинг ҳамда ушбу жараёнларни назорат қилишнинг ягона тартиби Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2016 йил 12 ноябрдаги «Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома-ни тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сонли буйруғи билан белгиланган.

Жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш деганда – қонунга ва мазкур йўриқномага мувофиқ жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни олиш ваколатига эга бўлган ички ишлар органи мансабдор шахсининг ҳаракати тушунилади.

Жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни рўйхатга олиш деганда келиб тушган ҳар бир жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар, бошқа маълумотларга тартиб рақам бериш ва ўрнатилган тартибда ҳисоб ҳужжатида унинг қисқача мазмунини қайд этиш тушунилади.

Жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларнинг ҳисобини юритиш – бу ички ишлар органларига келиб тушган ва рўйхатга олинган жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларнинг сони ва тафсилотини ҳамда уларни ҳал этиш натижаларини белгиланган статистик ҳисобот шаклида акс эттиришдир.

Жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар мазмуни, рўйхатга олиш шакли ва кўриб чиқиш тартибига кўра икки гуруҳга бўлинади:

– ички ишлар органларига келиб тушган ва жиноят-процессуал қонунга кўра жиноят ишини кўзғатишга сабаб бўладиган жиноятнинг яққол изларига оид маълумотлар акс этган ариза ва хабарлар;

– жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа маълумотлар.

Жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарлар – бу ички ишлар органларига келиб тушган, Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигида ўрнатилган процессуал қоидаларга биноан кўриб чиқилиши талаб этиладиган маълумотлардир.

Жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларга қуйидагилар киради:

– била туриб ёлғон хабар бериш учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилган, бу хусусда баённомада қайд қилинган ва аризачининг имзоси билан тасдиқланган оғзаки ариза;

– фуқароларнинг зарур реквизитлари бўлган ва жиноят-процессуал қонунга мувофиқ расмийлаштирилган ёзма аризалари ва хатлари;

– фуқаронинг бедарак йўқолганлиги ҳақидаги оғзаки ёки ёзма ариза ва хабарлар;

– «Маҳалла посбонлари» ва бошқа жамоат ташкилотларининг ёзма хабарлари;

– корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг ёзма хабарлари;

– жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилган айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз.

Жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа маълумотлар – бу жиноят иши кўзғатиш сабаби бўлмайдиган, бироқ жиноят аломатлари бор ёки йўқлигини аниқлаш учун терговга қадар текширув ўтказилишини талаб қиладиган хабарлардир.

Жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа маълумотларга қуйидагилар киради:

– фуқаролар, жамоат бирлашмалари вакиллари ва мансабдор шахсларнинг – телефон, телефакс, телеграф ва бошқа алоқа воситалари орқали берган хабарлари;

– соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг – жиноий хатти-ҳаракатлар оқибати сифатида тахмин қилинаётган, фуқароларнинг баданга шикаст етганлиги ҳақидаги мурожаатлари ёки беҳуш ҳолатда бўлган шахслар келиб тушганлиги тўғрисидаги хабарлари;

– ички ишлар органларининг махсус муассасалари (маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш муассасаси, иш ва яшаш жойи номаълум бўлган шахсларни реабилитация этиш маркази, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази, вақтинча

сақлаш ҳибсхонаси, жазони ижро этиш муассасаси) маъмуриятининг – жиноят аломатлари мавжудлиги тахмин қилинган ҳолатлар ҳақидаги хабарлари;

– хорижга чиқиш келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари ходимларининг – фуқаролар томонидан паспорти йўқолганлигига оид жиноят ҳақида шубҳа туғдирувчи хабарлари;

– йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг – йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг оқибатлари ҳақидаги хабарлари;

– йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати туманлараро рўйхатга олиш-имтихонлаш бўлими ходимларининг – фуқароларнинг автотранспортни бошқариш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалари, автомобилнинг техник паспортлари ва давлат рақам белгилари йўқолганлигига оид жиноят ҳақида шубҳа туғдирувчи хабарлари;

– кўриқлаш хизмати ходимларининг – кўриқлаш сигнализацияси ускуналарининг ишлаб кетганлиги тўғрисидаги хабарлари;

– Давлат ёнғин хавфсизлиги ходимларининг – ёнғинлар ва ўт кетиш тўғрисидаги хабарлари;

– матбуот, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан интернет орқали эълон қилинган мақолалар ва хат-хабарлар;

– ҳуқуқбузарлик ҳолатларига оид фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги суғурта компанияларининг хатлари;

– жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат тартибини сақлашни таъминлашга дахлдор бошқа ҳодисалар, воқеалар ва ҳолатлар тўғрисидаги хабарлар;

– авариялар, ёнғинлар, эпизоотиялар, табиий офатлар, одамлар билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар;

– ички ишлар органлари ходимларининг бевосита ўзлари аниқлаган тайёргарлик кўрилаётган, содир этилаётган ёки содир этилган жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирувчи билдиргилари.

Шахсларнинг аризаларида фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва жиноят ёки бошқа ҳодисанинг тафсилотларига оид мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Юридик шахсларнинг келган хатларда юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ва жиноят ёки бошқа ҳодисанинг тафсилотларига оид мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак. Ариза, хат

ёки бошқа шаклдаги мурожаат давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Ёзма ариза, шикоят ва хатлар мурожаат этувчи жисмоний шахсининг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс раҳбарининг ёхуд ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Жисмоний шахсининг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахсининг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилади.

Электрон мурожаат электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган электрон ҳужжат шаклида, қонунда белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Жисмоний шахсининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахсининг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлгон маълумотлар кўрсатилган, шунингдек имзо (электрон рақамли имзо) билан тасдиқланмаган мурожаатлар аноним мурожаатлар деб ҳисобланади.

Аноним мурожаатлар ички ишлар органларининг ҳисоб ҳужжатларида рўйхатга олинмайди, кўриб чиқилмайди ва жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлмайди. Тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган аноним мурожаатлар тезкор хизматлар томонидан жиноятларнинг олдини олиш, очиш ва фош этишда маълумот-ахборот тариқасида фойдаланилади.

Мурожаат этувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши керак.

Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилган тартибда жиноят ҳақидаги хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва текширувни ўтказишга ваколатли бўлган барча мансабдор шахслар (дастлабки тергов органлари; суриштирув органлари; прокурорлар; терговчилар; суриштирувчилар; тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи тезкор хизматларнинг ходимлари) юқорида келтирилган тартибга риоя қилишлари шарт.

Ички ишлар органларида жиноятлар ва ҳодисалар тўғрисидаги ариза ва хабарларни кеча-кундуз қабул қилиниши, уларни рўйхатга олиш ва ҳисобини юритишнинг тўлиқлиги, кўриб чиқиш ва ҳал

этишнинг қонунийлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш ҳамда бажарилишини назорат қилиш, шунингдек жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибининг бузилганлиги учун ИИБ бошлиқлари шахсан тегишли жавобгар ҳисобланади.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш муассасалари ҳамда аниқ яшаш ва иш жойи бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари маъмуриятига келиб тушадиган жиноятлар ва ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар зудлик билан шу муассасалар жойлашган шаҳар-туман ички ишлар органларига юборилади.

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларнинг турлари, уларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш тартиби

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни бериш муддатлари қонун ҳужжатларида белгиланмаган. Жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлар, уларнинг содир этилган жойи ва вақти, шунингдек, хабарнинг тўлиқлигидан қатъий назар, ҳар қандай ички ишлар органининг тезкор навбатчиси, уларнинг ёрдамчилари ва белгиланган тартибда навбатчиликка тайинланган ходимлар томонидан кечаюкундуз қабул қилинади.

Ички ишлар органларининг котибиятига жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги почта, телеграф орқали ёки бошқа йўллар билан келиб тушган ариза ва хабарлар келган хат-хабарларни рўйхатга олишнинг умумий қоидаларига кўра рўйхатга олинади ва бу ҳақда ички ишлар органи бошлиғи ёки унинг ўринбосарига ахборот берилади. Ички ишлар органи раҳбари маълумот мазмунидан келиб чиқиб, ариза ёки хабарни Навбатчилик қисмида юритиладиган Жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатга олиш китоби (1-шакл китоби) ёки Ички ишлар органларига ҳодисалар ҳақида телефон, телеграф орқали, кўриқлаш ва ёнғин сигнализацияси ускуналари-нинг ишлаб кетиши натижасида келиб тушган маълумотларни рўйхатга олиш журналида (2-шакл журнали) рўйхатга олиш тўғрисида ёзма кўрсатма беради ва унинг текширилишини ташкил этади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни навбатчилик қисмидаги 1-шакл китоби ёки 2-шакл журналига қайд этмасдан туриб текшириш учун ёки ижро этиш учун бериш қатъиян тақиқланади. Ички ишлар органларига аризачи (фуқаро ёки мансабдор шахс) томонидан бевосита тақдим этилган

жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги ёзма ариза ва хабарларни котибиятда рўйхатга олиб текшириш тақиқланади.

Фуқаролар навбатчилик қисми, ички ишлар органининг қабул-хонаси, суриштирувчи, терговчи ёки ички ишлар органининг бошқа ходимига жиноятлар тўғрисида оғзаки ариза билан мурожаат қилганларида жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ оғзаки аризани қабул қилиш баённомаси расмийлаштирилади. Баённомада аризачи, унинг яшаш ва ишлаш жойи, шунингдек, унинг шахсий ҳужжатлари тўғрисида маълумотлар бўлиши керак. Агар аризачи ҳужжатини кўрсата олмаса, унинг шахсини текшириш учун бошқа чоралар кўрилиши керак. Оғзаки аризани қабул қилган мансабдор шахс аризачига била туриб ёлғон хабар берганлик тўғрисида жиноий жавобгарликка тортилишини тушунтириб, огоҳлантириши ва бу ҳақда баённомага имзо қўйдириши шарт.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз жиноят-процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштирилади. Баённомада жиноят содир этиш ҳолатлари хусусидаги маълумотлар арз қилувчи номидан, иложи борица сўзма-сўз акс эттирилади. Баённома аризачи ва аризани қабул қилган мансабдор шахс томонидан имзоланади ва бунда аризачи била туриб ёлғон хабар берганлик тўғрисида жавобгарликка тортилиши юзасидан огоҳлантирилмайди.

Профилактика инспектори хизмат ҳудудида жиноят белгилари мавжуд бўлган ҳолатларни аниқланганида амалдаги қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган чораларни кўради ва шундан сўнг ҳодиса тўғрисида зудлик билан (телефон ёки бошқа алоқа воситаси ёрдамида) ички ишлар органи навбатчилик қисмига ахборот беради.

Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл-патрул хизмати саф бўлинмаси навбатчиси, шу жумладан йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг йўл-патрул ва патрул-пост хизмати саф бўлинмаларининг ҳар қандай ходими йўл-транспорт ҳодисаси тўғрисида зудлик билан ички ишлар органининг навбатчисига хабар беради ва ўзига юклатилган мажбуриятлардан келиб чиқиб, (жиноятнинг «иссиқ изидан» очилишини ташкиллаштириш; ҳолат оғир оқибатларга олиб келишининг олдини олиш; жиноят содир этган шахсларни ушлаш; жабрланганларга ёрдам кўрсатиш; тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунга қадар ҳодиса содир бўлган жойдаги асл ҳолат ва далилий ашёлар кўриқланишини ташкил этиш ҳамда рўй берган

ҳолатнинг табиати ва тавсифини инобатга олиб бошқа) кечиктириб бўлмайдиган ҳаракатларни амалга оширади.

Ички ишлар органларининг хизмат биноларидан ташқари жойларда жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни профилактика инспекторлари билан бир қаторда ички ишлар органларининг барча сафдор ва бошлиқлар таркибидаги ходимлари хизмат вазифаларини бажариш чоғида қабул қилишлари мумкин. Улар бошқа ҳудудда хизмат қилаётганликлари ёки хабар қилинган маълумот жиноят аломатлари мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун етарли эмаслигини баҳона қилиб ёки бошқа бир сабаб билан маълумотни қабул қилишни рад этишга ҳақли эмаслар. Улар бундай маълумотни олгач, тегишлилигига кўра бу ҳақда навбатчилик қисмига хабар беришлари ва шундан сўнг белгиланган тартибга мувофиқ ҳаракат қилишлари талаб этилади.

Жиноят ҳақидаги хабарларни текшириш (суриштирувчи, терговчи) ёки хабарни текширишни ташкил этиш (ИИБ бошлиғи ва унинг ўринбосарлари) ҳуқуқига ёки ваколатига эга бўлган мансабдор шахс, хабарда мавжуд бўлган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, ўз ваколатлари доирасида дарҳол қуйидаги кечиктириб бўлмайдиган чораларни амалга ошириши шарт:

жиноятни бартараф этиш ва унинг олдини олиш;

жиноят аломатларини аниқлаш, жиноят изларини расмийлаштириб олиш учун сақлаш, шунингдек *мустаҳкамланиши талаб этилаётган ашёвий далилларни олиш ва тадқиқот ўтказиш*;

жиноятга тайёргарлик кўраётган, содир этаётган ёки содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда жиноят устида ёки «иссиқ изидан» ушлаш учун тезкор ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш;

жиноят ҳақидаги хабар юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилганлиги ва унинг натижалари бўйича 24 соатдан ошмаган вақт ичида, тегишли орган раҳбарига кейинги текширув ишларини ташкил этиш учун ахборот бериш.

Кўриқлаш, ёнғин хавфсизлиги қисмлари, йўл-патруль ва патруль-пост хизматлари ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг навбатчилари (диспетчерлари) тегишли ички ишлар шаҳар, туман, тармоқ органлари навбатчилик қисмларига қуйидаги маълумотларни берадилар:

кўриқлаш йўналиши бўйича – кўриқланаётган объектга нисбатан содир этилган жиноий тажовузлар, техник кўриқлаш пунктларига уланган объектларга ғайриқонуний киришга уриниш чоғида

кўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиш ҳоллари, шунингдек кўриқлаш нарядлари хизмат ўтаётган (масъул бўлган) ҳудудларда аниқланган бошқа жиноятлар ва ҳодисалар тўғрисида;

ёнғин хавфсизлиги йўналиши бўйича – фуқароларнинг ўлимига ёки уларнинг соғлиғига шикаст етказилишига, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар мулкига зарар етказилишига олиб келган ёхуд олиб келиши мумкин бўлган ёнғинлар ва ўт кетишлар ҳамда хизмат (масъул бўлган) ҳудудидаги аниқланган бошқа жиноятлар ва ҳодисалар тўғрисидаги;

давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўналиши бўйича – фуқароларнинг ўлимига, баданга шикаст ёки мулкий зарар етказилишига олиб келган йўл-транспорт ҳодисалари, автотранспорт воситасини олиб қочиш, маст ҳолдаги шахснинг транспорт воситасини бошқаришга йўл қўйганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган ҳолатлар, шунингдек хизмат (масъул бўлган) ҳудудида аниқланган бошқа жиноятлар ва ҳодисалар тўғрисидаги;

патрул-пост ва жамоат тартибини сақлаш хизмати йўналиши бўйича – хизмат (масъул бўлган) ҳудудида аниқланган барча жиноятлар ва ҳодисалар тўғрисидаги.

Бундан ташқари, ички ишлар органларининг навбатчилик қисмига маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун махсус қабулхоналар ҳамда аниқ яшаш жойи бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари маъмуриятидан келиб тушадиган жиноятлар ва ҳодисалар тўғрисидаги хабарлар ҳам берилади. Кўрсатилган мажбурият шу бўлинма навбатчисининг зиммасига юклатилади.

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабар бевосита аризачининг ўзидан олинганида ва оғзаки мурожаат бевосита ички ишлар органининг биносида расмийлаштирилганида, ички ишлар органи саф бўлинмаси навбатчиси ёки ички ишлар органининг ариза ва хабарларни қабул қилиш вазифаси юклатилган бошқа ходими аризачига зудлик билан билдирув талонини бериши шарт.

Аризачининг бевосита ички ишлар органи навбатчилик қисмига, профилактика инспекторига, саф бўлинмаси навбатчисига ёки ички ишлар органининг жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш лавозими бўйича вазифасига кирадиган бошқа ходимига шахсан мурожаати орқали қабул қилинган жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларнинг тўлиқ қайд этилганлиги устидан назорат қилиш билдирув-талонлари орқали амалга оширилади.

Билдирув талони икки қисмдан – бир хил қайд рақамига эга бўлган йиртиб олинадиган варақ ва қорешокдан иборат. Йиртиб олинадиган варақда ариза ва хабарни қабул қилинган санаси, уни олган мансабдор шахс ва аризачи ҳақидаги маълумотлар бўлиб, варақ аризачига тақдим этилади. Билдирув-талонининг қорешогида, аризачи ҳақидаги маълумот, аризининг қисқача мазмуни ва унинг қабул этган сана ҳамда жиноят ва хабарларни рўйхатга олиш 1-шакл китобида қайд этилган рақами ва санаси акс эттирилади ва у ходимда қолади. Аризачи билдирув-талонининг қорешоғига имзо қўйиб, сана ва вақтини кўрсатиб ўтади.

Билдирув талони қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади. У китоб шаклида саҳифаланади ва ички ишлар органининг котибиятида сақланиб, жиноятлар ва бошқа ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш вазифаси юклатилган ходимга берилди. Фойдаланиб бўлинган билдирув талонлари китоби ички ишлар органининг котибиятига топширилади ва 3 йил сақланганидан кейин далолатнома асосида йўқ қилинади. Билдирув талонлари қорешоклари жиноятлар ва бошқа ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни қайд этишнинг тўлиқлигини, бундай маълумотларни қабул қилиш вазифаси юклатилган мансабдор шахсларнинг иш фаолиятини, улар устидан тушган шикоятларни кўриб чиқиш чоғида солиштириб текширишда фойдаланилади.

Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларни рўйхатга олиш ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларида зудлик билан амалга оширилади. Рўйхатга олишни кечиктириш ёки рўйхатга олмаслик таъқиқланади ва қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарлар 1-шакл китобида бошқа маълумотлар эса – 2-шакл журналида рўйхатга олинади.

1-шакл китоб ва 2-шакл журнал қатъий ҳисобда турувчи ҳужжатлар ҳисобланади. Мазкур ҳужжатлар навбатчилик қисмида сақланади ва ички ишлар органи навбатчиси ёки унинг ёрдамчиси томонидан тўлдириб борилади, улар ўз навбатчилиги давомида жиноятлар ва бошқа ҳодисалар ҳақида келиб тушадиган барча маълумотларни ушбу йўриқнома талабларига биноан рўйхатга олиб борадилар ва кейинчалик қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ёзувларни киритиб боради. 1-шакл китоб ва 2-шакл журнал ички ишлар органида 5 йил сақланади, сўнг далолатнома асосида йўқ қилинади.

Агарда жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги қабул қилинган маълумот ички ишлар органларининг ҳал қилиш ваколатига кирмаса ёки содир этилган хатти-ҳаракат бошқа ички ишлар органининг хизмат ҳудудида содир этилганлиги аниқланганда, ушбу маълумот рўйхатга олингандан сўнг тааллуқлилигига кўра тегишли органга юборилади, ҳисобдан чиқарилади ва бу ҳақда 1-шакл китоби ёки 2-шакл журнаliga белги қўйилади, ҳамда бу ҳақда муурожаат қилган шахсга ёзма равишда хабар қилинади. Шу билан бир вақтда жиноятнинг олдини олиш ёки бартараф этиш ҳамда жиноят изларини сақлаш борасида зарур чоралар кўрилиши шунингдек, тўпланган ҳужжатларни чопар орқали тегишли қўшни ёки яқин орадаги шаҳар-туман ИИБларига етказилиши шарт.

Жиноят ва ҳодисалар тўғрисида бошқа ички ишлар органларидан келиб тушган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2016 йил 12 ноябрдаги «Ички ишлар органларида жиноят ва ҳодисаларга оид аризалар, хабарлар ҳамда бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, кўриб чиқиш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сонли буйруғи талабларига биноан рўйхатга олинади.

Жиноят ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотни бирор-бир сабабларга кўра ички ишлар органининг тезкор навбатчисига рўйхатга олиш учун ўз вақтида етказилмаса, у ҳолда 1-шакл китоби ва 2-шакл журналининг 2-устунига навбатчилик қисмига маълумот тушган вақт билан бир қаторда унинг ички ишлар органи ходимига илк бор маълум бўлган санаси, соати ва дақиқаси кўрсатилади. Ушбу ҳолда ариза ёки хабарни ҳал этиш муддати унинг ички ишлар органи ходимига илк бор маълум бўлган вақтдан бошлаб ҳисобланади.

Агар олинган хабар ёлғон бўлса ёки олинган маълумот тасдиқланмаса, шунингдек текширув натижалари ёки қабул қилинган қарор 2-шакл журналида қайд этилган бошқа ҳолларда, тегишли ёзув текширувни амалга оширган ва қарор қабул қилган ходимнинг имзоси билан тасдиқланади.

ИИО Навбатчилик қисмидаги 1-шакл китоби ва 2-шакл журналининг барча реквизитлари уларнинг титул варағи орқасига ёзиб қўйилган тавсияларга мувофиқ тўлдирилади. Ҳар қайси маълумот бўйича киритилган ёзувларда ҳодиса қачон юз берганлиги ва ким томонидан содир этилганлиги, у ҳақида ким, қандай шаклда хабар берганлиги, уни кўриб чиқиш тартиблари бўйича қандай кўрсатма берилганлиги, текшириш учун қандай чора кўрилганлиги, кўриб

чиқишда кимлар қатнашганлиги, қачон, ким томонидан қандай қарор қабул қилинганлигига доир қисқа ва шу билан бирга батафсил маълумотлар ифодаланиши керак.

Ёзма шаклда жиноят ва ҳодисалар ҳақида келиб тушган маълумотларни рўйхатга олишда, ҳужжатга ички ишлар органларининг қайд этиш штампи қўйилади, унда: рўйхатга олиш санаси, рўйхатга олиш тартиб рақами ҳамда маълумотни қабул қилган навбатчининг фамилияси акс эттирилади. Киритилган ёзув ички ишлар органининг навбатчиси имзоси билан тасдиқланади.

ИИО Навбатчилик қисмидаги 1-шакл китоби ва 2-шакл журнаlines юритиш қоидаларини бузганлиги ёки жиноятлар ва ҳодисалар тўғрисидаги маълумотларни рўйхатга олишнинг тўлиқ эмаслиги ва ўз вақтида кўриб чиқилмаслиги учун жавобгарлик шахсан ички ишлар органи бошлиғи ва ИИО тезкор навбатчисининг зиммасига юклатилади.

Жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш фаолияти натижалари ҳақида ҳисоб-қайд этиш ишлари учун масъул бўлган ходим ярим йиллик ва йиллик статистик ҳисобот тузади. Ҳисобот тузиш учун 1-шакл китоби асос бўлиб ҳисобланади.

Жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги материаллар ҳисоб-қайд этиш ишлари бўйича ходим юритувидаги «Жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ҳужжатларни ҳисобга олиш» журналинда рўйхатга олинади ва уларга йил бошидан навбат билан тартиб рақами бериб борилади ҳамда ҳар чоракда 1-шакл китоби ва 2-шакл журнаlines билан солиштирма ўтказилиб, таққослаш далолатномаси тузилади.

Агар жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги хабарлар юритувда бўлган жиноят ишлари ёки текширув ҳужжатларига қўшиб қўйилган бўлса, 1-шакл китоби ва 2-шакл журналинга бу ҳақда тегишли белги қўйилади.

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби

Жиноят иши кўзғатишга сабаб бўлувчи жиноятлар ҳақидаги ариза ва хабарлар юзасидан ЖПКнинг 330-моддасига мувофиқ - жиноят ишини кўзғатиш, ишни кўзғатишни рад қилиш, ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақидаги қарорлар қабул қилиниши ЖПКнинг 329-моддасида ўрнатилган муддатларда (дарҳол, 10 кун, алоҳида ҳолларда прокурор розилиги билан 1 ой) ҳал этилиши шарт ва бу ҳақда аризачига ёзма равишда хабар қилинади.

Жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа маълумотлар келиб тушганда навбатчи уларни дарҳол текшириш чораларини кўради.

Жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги бошқа маълумотлар: ҳодиса жойига чиқишга, жиноят излари сақланишига, кино ва видеотасвирга туширишни таъминлашга қаратилган чораларини кўришга, тезкор-қидирув чора-тадбирларини ўтказишга, экспертизалар тайинлашга, тушунтиришлар олишга ёки бошқа текширув ҳаракатларини бажаришга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Улар бўйича белгиланган тартибда тергов ва суриштирув органлари томонидан текширув материалларига асосан тегишли қарор (жиноят иши кўзғатиш тўғрисида, маъмурий жазо чорасини қўллаш, материалларни маъмурий комиссияга бериш, номаълум мурда, номаълум бемор ёки бола ва шу кабиларнинг шахсини аниқлаш бўйича иш кўзғатиш тўғрисида) қабул қилинади. Шунингдек, тиббий, автотехник ёки бошқа махсус экспертизаларни ўтказиш талаб қилинадиган текширувлар бўйича эса улар яқунланганидан сўнг қарор қабул қилинади.

1-шакл китоби ва 2-шакл журналда рўйхатга олинган маълумотнинг текширилиши хабар келиб тушиши билан дарҳол ташкил этилиши керак.

Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишини кўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим. Кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилиб, унинг давомида қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш ва шахсий тинтув, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва экспертиза ўтказиш мумкин.

Алоҳида ҳолларда 10 кунлик муддат суриштирувчи ёки терговчининг асослангандиган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин.

Илгари телефон орқали берилган хабарга асосан 2-шакл журналида рўйхатга олинган ҳолат ҳақида мансабдор шахсдан ёзма хабар келиб тушган вақтда ёки оғзаки хабар асосида текшириладиган ҳолат бўйича муайян фуқародан ёзма ариза ёхуд хабар олинганида, 2-шакл журналининг 3-устунига олинган маълумот шаклининг ўзгарганлиги тўғрисида қўшимча белги қўйилади ва жиноят ҳақида кўрсатилган ариза ёки хабар 1-шакл китобига ўтказилади.

Жиноят ҳақидаги маълумот тасдиқланган тақдирда 2-шакл журналидан 1-шакл китобига ўтказилади.

Жиноят ҳақида тасдиқланган маълумот 2-шакл журналидан 1-шакл китобига ўтказилганида билдирги орқали у илк бор ички ишлар органига келиб тушган санаси (соат, дақиқа) билан қайд этилади. Кейинчалик жиноят ҳақида фуқаронинг аризаси ёки давлат ёки жамоат ташкилотининг хабари ички ишлар органига келиб тушган вақтидан қатъий назар, дастлабки бу хабарни қайд этиш санасидан бошлаб ҳал қилиш муддати бошланади.

Дастлабки тергов жараёнида илгари ички ишлар органларига маълум бўлмаган жиноят аниқланганида, терговни амалга ошираётган мансабдор шахс, бевосита жиноят аломатларини аниқланганлиги ҳақида билдирги ёзади ёки жабрланувчидан ариза ёздириб олади ва «Тергов жараёнида қўшимча аниқланди» белгиси билан рўйхатга олинади.

Ички ишлар органининг навбатчилик қисмига келиб тушган жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотлар зудлик билан 1-Шакл китоби ёки 2-Шакл журналида рўйхатга олинади ва бу ҳақда тегишли идора бошлиғига ахборот берилади. Унинг кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодекси ва йўриқнома талабларига мувофиқ ташкил этилади. Ахборот бериш вақтигача ҳал қилинмаган жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги ҳар қайси ариза ёки хабар бўйича ички ишлар органининг бошлиғи (ёки унинг вазифасини бажараётган шахс) ўрнатилган талабларга мувофиқ белгиланган муддатларда кўриб чиқиши тўғрисида ижро этувчига ёзма равишда кўрсатма бериши шарт. Ариза ва хабарларни кўриб чиқишнинг аниқ муддати 2-Шакл журналда мажбурий тартибда қайд этилади. Ички ишлар органининг навбатчиси 1-Шакл китоби ва 2-Шакл журнали бўйича навбатчилик куни давомида кўриб чиқиш муддати ўтиб ҳал этилмай қолган жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги маълумотларнинг рўйхатини кўрсатиб билдирги тузади ва уни бошлиқ ёки унинг вазифасини бажарувчисига тегишли чора кўриш учун топширади.

Ички ишлар органларининг терговчилари томонидан ўтказилган ҳодиса содир бўлган жойини кўздан кечириш ҳақидаги материалларини, агарда уларда мавжуд бўлган маълумотлар яққол жиноят аломатларини кўрсатиб, жиноят ишини кўзғатиш учун қарор қабул қилишга етарли асослар бўлса, суриштирув хизматларига бериш тақиқланади.

Суриштирув ходимининг жиноят иши кўзғатиш тўғрисида чиқарган қарори ёки жиноят иши кўзғатишни рад этиш қарори ички ишлар органининг бошлиғи томонидан тасдиқланади. Қарорни тасдиқлаш вақтида ички ишлар органининг бошлиғи мавжуд ҳужжатларни мукамал ўрганиши, ходим томонидан қарорни тўғри, тўлиқ ва холисона қабул қилганлигига шахсан ишонч ҳосил қилиши шарт. Жиноят ишни кўзғатиш асоссиз рад этилган ҳолларда у қўшимча текширувни ўтказилишини ташкил этиш керак.

Худудий жиҳатдан тегишлилиги бўйича жўнатилган жиноятлар ва ходисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотлар уларни жўнатган идора ҳисобидан чиқариб, қабул қилган ходим ички ишлар органида қайтадан рўйхатга қўйиши керак. Бундай ҳолларда хабарни кўриб чиқиш муддати ички ишлар органига худудий жиҳатдан тегишлилиги бўйича келиб тушган вақтдан бошлаб ҳисобланиши керак.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар:

1. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар деганда нима тушунилади?
2. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш деганда нима тушунилади?
3. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатга олиш деганда нима тушунилади?
4. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш деганда нима тушунилади?
5. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал этиш деганда нима тушунилади?
6. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларнинг турларини санаб беринг.
7. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни таснифлашнинг аҳамиятини тушунтиринг.
8. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш тартибini тушунтиринг.
9. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатга олиш тартибini тушунтиринг.
10. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш тартибini тушунтиринг.
11. Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни ҳал этиш тартиби ва хусусиятларини тушунтиринг.

III боб. ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ. СУРИШТИРУВЧИНИНГ ТЕРГОВ-ТЕЗКОР ГУРУҲИ ТАРКИБИДАГИ ФАОЛИЯТИ

«Терговга қадар текширув» тушунчаси ва ўтказиш тартиби

Терговга қадар текширув ўтказиш деганда жиноят ҳақидаги ариза, хабар ёки бошқа маълумотни рўйхатга олиш ҳамда жиноят ишини қўзғатиш сабаби қонунийлигини ва асослар мавжудлигини аниқлаш мақсадида айрим процессуал ҳаракатларни бажариш, олинган ёки аниқланган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда тегишли қарор қабул қилиш жараёни тушунилади.

Терговга қадар текширув ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ариза, хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш;
- аризалар ва хабарларни текшириш, ҳал этиш ва унинг муддатлари;
- текширув натижалари ҳақида хабар бериш;
- ушланган шахс ҳуқуқлари (қонунийлик)ни таъминлаш.

Терговга қадар текширув давомида қуйидаги ҳолатлар аниқланиши зарур:

- жиноят ҳодисасининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги;
- агарда жиноят ҳолати мавжуд бўлса айнан қандай турдаги жиноят содир этилганлиги;
- жиноятнинг қачон, қаерда, қандай усул билан содир этилганлиги;
- кимга, қандай шаклдаги ва қанча миқдордаги зарар етказилганлиги;
- жиноят содир этилишининг қайси усули, уни содир этишда қандай воситалар қўлланилганлиги;
- жиноятнинг ким томонидан содир этилганлиги, жиноятнинг мақсади ва мотив (сабаб)лари ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган ҳолатларнинг аниқланиши жиноят ишини қўзғатиш, кейинчалик қилмишга юридик жихатдан тўғри баҳо бериш ва жиноятни тўғри квалификация қилишга имкон беради.

Жиноят содир этилганлиги ҳақидаги дастлабки маълумотлар жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида кўрсатилган манбалардан олиниши мумкин. Жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал этиш учун зарур бўлган бундай манбалар ёки жиноят иши қўзғатишнинг

сабабларига куйидагилар киради: шахсларнинг аризалари; корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар; оммавий ахборот воситалари берган хабарлар; жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, терговчи, прокурорнинг бевосита ўзи аниқлаши; айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз. Жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи ва терговга қадар текширувни ўтказётган ишни юритишга масъул шахслар томонидан тўпланган маълумотлар жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлади (ЖПК 322-м.). Шунингдек жиноят ҳодисаси юз бермаганлиги, қилмишда жиноят таркибининг элементларидан бири йўқлиги, бундан ташқари, жиноят белгилари аниқланиши билан бирга иш қўзғатишни ва иш юритувини давом эттиришни истисно этадиган ҳолатлар мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар жиноят иши қўзғатишни рад этишга асос бўлади.

Одатда, жиноят содир этилганлиги ҳақидаги ариза ва хабарлар ички ишлар органларнинг навбатчилик қисмига келиб тушади. Туман (шаҳар) ИИБ навбатчилик қисмига келиб тушган жиноят ҳақидаги хабарни тезкор-навбатчи Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва муассасаларида жиноятлар ва ҳодисалар ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ҳисобини юритиш ва ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага асосан навбатчилик қисмидаги мавжуд журналларга рўйхатга олади. Жумладан, келиб тушган хабар агарда телефон орқали маълум қилинган бўлса, у ҳолда «Ички ишлар бўлимига телефон, телеграф, сигнал берадиган кўриқлаш мосламаларини ишлаб кетиши натижасида ва бошқа сигналлар орқали ҳодисалар бўйича маълумотларни ҳисобга олиш» журнали (2-шакл)га қайд этилади. Агарда ёзма ариза билан мурожаат қилинган бўлса, унда «Жиноятлар тўғрисида ички ишлар бўлимига келган ариза ва хабарларни ҳисобга олиш» китоби (1-шакл)га қайд этилади ва аризачига навбатчи томонидан билдирув-талони берилиши керак. Шундан сўнг навбатчи жиноят ҳақидаги ариза (хабар) ҳақида тергов-тезкор гуруҳи раҳбари (терговчи)га ахборот беради ҳамда заруратга кўра тергов-тезкор гуруҳининг тўлиқ таркибда ҳодиса содир бўлган жойга чиқишини ташкиллаштиради.

Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олиниши ва дарҳол, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини бевосита ёхуд суриштирув

органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши керак. Ушбу муддат жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар олинган пайтдан бошлаб ҳамда то ишни қўзғатиш ёки қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқарилгунига қадар ёхуд терговга қадар текширув материаллари Жиноят-процессуал кодекснинг 587-моддасига мувофиқ (амнистия асосида) прокурорга юборилгунига қадар бўлган вақтни ўз ичига олади. Жиноят ҳақидаги ариза ёки хабар олинган вақтни аниқлаш терговга қадар текширув муддатини ҳисоблаш учун муҳим. Бунда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур: 1) ариза ёки хабар қабул қилинган кун соат нечалигидан қатъий назар муддатни ҳисоблашда инобатга олинмайди; 2) ариза ёки хабар қабул қилинган кун тариқасида аризани кўриб чиқиб, ҳал этувчи ички ишлар органига келиб тушган кун инобатга олинади, яъни ариза дастлаб берилган органдан терговга тегишлилигига кўра юборилган бўлса, ариза (хат билан) кейинги органга келиб тушган кундан терговга қадар текширув муддати ўтиш бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддаси талабларига асосан алоҳида ҳолларда, терговга қадар текширув муддати қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи ёки терговчининг асослантилган қарорига кўра прокурор томонидан бир ойгача узайтирилиши мумкин:

1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиладиган экспертиза, хизмат текшируви, тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;

2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса;

4) етказилган моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва (ёки) жиноят оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаган бўлса (ЖПК 329-м.).

Жиноят-процессуал кодекснинг 329-моддасида кўрсатилган муддат ичида терговга қадар текширув ўтказилади, текширув давомида қўшимча ҳужжатлар ва тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шунингдек шахсни ушлаб туриш ва шахсий тинтув, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар бериш мумкин. Тер-

говга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинган.

Ҳужжатлар талаб қилиш деганда корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятида юритиладиган, ёки муайян шахсда бўлган молия-хўжалик, шахсга оид, архив ҳужжатлари, йиғма жилдлар, баённомалар, тафтиш ёки хизмат текшируви дололатномалари, хулосалар, маълумотнома, мутахассис маълумотномаси, қайд журналлари, қайдномалар, чипта, рухсатнома, тилхат, қўлёзма хатлар, расмий ҳужжатлар, қоралама ёзувларни сўраш тушунилади. Ҳужжатларни талаб қилиб олиш расмий сўров хати орқали амалга оширилади. Шунингдек оғзаки сўров орқали ҳам олиниши мумкин, аммо бунда олинадиган ҳужжат тақдим этиш, кўздан кечириш, олиб қўйиш, тинтув баённомаларида қайд этилади.

Тушунтиришлар талаб қилиш деганда эса, жисмоний шахсдан унга маълум бўлган ва иш учун аҳамиятли ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни сўраб олиш (ёзма шаклда), яъни тушунтириш хати олиш тушунилади. Бу жараён ҳам мазмунан ҳужжатларни талаб қилиб олишга ўхшайди. Тушунтириш хати олишда шахснинг онгида акс этган маълумотни оғзаки ифодалаб, қоғозда қайд этиш орқали ёки бевосита қоғозга ёзган ҳолда тақдим этиш амалга оширилади. Тушунтириш хати далил ҳисобланмаслиги ҳақидаги фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, ушбу фикр тарафдорлари тушунтириш хатида акс этган маълумот қачонки сўроқ баённомасида акс этсагина далилга айланади деб эътироф этадилар. Аммо шуни таъкидлаш ўринлики, жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳар қандай маълумот жиноят-процессуал қонун талабларини бузмаган ҳолда олинган ва расмийлаштирилган бўлса, далил сифатида тан олинади. Тушунтириш хатлари ҳам белгиланган тартибда расмийлаштирилган бўлса, эксперт хулосаси, маълумотномалар ва бошқа ҳужжатлар каби далил аҳамиятга эга бўлади.

Терговга қадар текширув давомида ўтказиладиган шахсни ушлаб туриш Жиноят-процессуал кодекснинг 221-моддасида санаб ўтилган асослардан бири мавжуд бўлганда Жиноят-процессуал кодекснинг 224-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади. Шахс ушлаб турилганда терговга қадар текширув муддати 24 соатгача қисқаради, яъни 24 соат ичида жиноят ишини қўзғатиш ёки иш қўзғатишни рад этиш масаласи ҳал этилиши шарт. Шу билан бирга шахс ушлаб турилганда агар жиноят иши қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилинадиган бўлса, ушбу шахсни гумон қилинувчи тариқаси-

да ишда иштирок этишга жалб қилиш, унга нисбатан камоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш зарур ёки зарур эмаслиги масаласи ҳам ҳал этилиши шарт. Ушбу масалаларни ҳал этиш учун ушланган шахсинг жиноятга алоқадорлигини исботловчи далиллар тўпланиши, жумладан унинг шахсини тавсифловчи маълумотлар йиғилиши керак. Шахс ушланганда дарҳол айнан унинг жиноят содир этганлигини аниқлаш мақсадида икки нафар холислар иштирокида шахсий тинтув ўтказилади. Ушбу ҳаракатлар белгиланган тартибда баённомада расмийлаштирилади. Шахсни ушлашда унинг қуйидаги ҳимояланиш ҳуқуқлари таъминланиши талаб этилади:

- қандай жиноятни содир этишда гумон қилиниб ушланганлигини тушунтириш;

- адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнғироқ қилиш ёки хабар бериш, яъни гаплашиш, SMS ёки мобил интернет ёрдамида хабар юбориш имконини яратиш;

- кўрсатувлар бериш ёки кўрсатув беришдан бош тортиш ҳуқуқини тушунтириш;

- берган кўрсатувлари жиноят ишига оид далил сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлигини маълум қилиш.

Ушбу ҳуқуқлардан биронтаси таъминланмаслиги ҳимояланиш ҳуқуқи бузилиши тариқасида баҳоланиб, олинган далиллар номақбул деб топилишига асос бўлади. Шу боис баъзида суриштирувчилар томонидан ўтказилган терговга қадар текширув материалларидаги камчиликлар терговчилар томонидан аниқланиб эътирозлар билдирилиши учрайди. Ушбу ҳолларда суриштирувчилар терговчи билан ҳамкорликда иш олиб боришлари мақсадга мувофиқ.

Терговга қадар текширув давомида хизмат текшируви, хужжатли тафтиш ёки бошқа текширув, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқлар берилиши мумкин. Суриштирувчи, терговчининг топшириғи асосида ўтказиладиган ушбу ҳаракатлар тегишли орган ёки муассаса мутахассислари ёки масъул шахслари томонидан амалга оширилади ва олинган натижалар суриштирувчи, терговчига ёзма (хужжат) тарзда тақдим этилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, ушлаб туриш ва шахсий тинтув, экспертиза тайинлаш ва тафтиш ўтказиш хусусияти жиҳатидан кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати тариқасида ўтказилади.

Ўтказилган терговга қадар текширув натижалари, яъни ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, олинган тушунтириш хатлари

ва бошқа хужжатлар, экспертиза хулосалари, тафтиш ва шахсий тинтув натижалари ҳуқуқий жиҳатдан баҳоланиб тегишли қарор қабул қилинишига асос бўлади.

Суриштирувчининг тергов-тезкор гуруҳи таркибидаги вазифалари ва фаолияти

Терговга қадар текширув ўтказишда тергов-тезкор гуруҳининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Чунки жиноят содир этилганлиги ҳақида хабар ҳар томонлама, тўлиқ, ўз вақтида тезкорлик билан текширилиши жиноятнинг тез ва тўлиқ очилишига хизмат қилади. Терговга қадар текширувда ўтказиладиган тергов ва бошқа текширув ҳаракатлари бир неча шахсларнинг биргалашиб, ҳамкорликда фаолият олиб боришини талаб қилади. Шу жумладан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, жиноят содир этган шахсларнинг изига тушиб уларни ушлаш чораларини кўриш, тезкорлик билан жиноят ҳақида маълумотга эга шахслардан тушунтиришлар олиш, тергов тусмолларини ишлаб чиқиш ва уларни текширишни ташкил этиш ва бошқа кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш самарадорлиги тергов-тезкор гуруҳининг фаолиятига чамбарчас боғлиқ. Тергов-тезкор гуруҳи ҳар бир (туман, шаҳар) ички ишлар органларида тергов, жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, профилактика, эксперт-криминалистика ва бошқа хизмат раҳбари томонидан тасдиқланадиган кунлик навбатчилик жадвали асосида тузилади.

Тергов-тезкор гуруҳи раҳбари (терговчи) жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни олгач тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг дарҳол тўпланишини таъминлайди ва ҳодиса содир бўлган жойга чиқишга шайлигини яна бир бор текшириб кўради. Хусусан, тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг тўпланганлигига, тергов жомадонидаги жиҳозларнинг тўлиқлигига, шунингдек ўтказилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатларни амалга оширишда қўлланиладиган воситаларнинг мавжудлигига, техник ва транспорт воситаларининг ҳодиса содир бўлган жойга чиқишга ҳозирлигига эътиборини қаратади. Камчиликлар аниқланган ҳолларда шахсан ўзи ёки тезкор-навбатчи ёрдамида баратараф этиш чораларини кўради, тезкор-навбатчидан ариза ёки хабарнинг 2-шаклдаги журналда ёки 1-шаклдаги китобда рўйхатга олинганлигини текшириб, рўйхат рақамини олади ва тергов-тезкор гуруҳини ҳодиса содир бўлган жойга тезкорлик билан

етиб боришини таъминлайди. Ҳодиса содир бўлган жойга етиб боргач, тергов-тезкор гуруҳи аъзолари, яъни тезкор вакил, профилактика инспектори, ЭКБ криминалист-мутахассиси ва инспектор-кинологга содир этилган жиноий ҳодисанинг моҳиятидан келиб чиқиб вазифалар кўяди.

Терговга қадар текширув жараёнида навбатчи тергов-тезкор гуруҳининг ҳодиса содир бўлган жойда амалга ошириладиган ишлари муҳим аҳамият касб этади. Гуруҳнинг ҳодиса содир бўлган жойдаги ҳаракатлари, биринчи навбатда иш бўйича жиноят белгилари ва изларини, жиноятчи шахсларнинг ўзига хос белгиларини, гувоҳларни ва далилий аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлашга йўналтирилган дастлабки тергов-тезкор чоралар мажмуни ўзида акс эттириши керак. Тергов-тезкор гуруҳининг ҳар бир аъзоси ҳодиса содир бўлган жойда, ўзига юклатилган ва амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатларни аниқ билиши муҳим аҳамиятга эга.

Навбатчи тергов-тезкор гуруҳи ҳодиса содир бўлган жойга келганидан сўнг, гуруҳ раҳбари бўлган терговчи қуйидагиларни бажаради:

- ҳодиса жойи кўриқланаётганлигини текшириши, агар кўриқланмаётган бўлса профилактика инспекторига кўриқлаш чораларини кўриш ҳақида топшириқ беради;

- агар жабрланувчилар тиббий ёрдамга муҳтож бўлса, ёрдам кўрсатиши ва агарда улар тиббиёт муассасасига юборилган бўлса, уларни қаерга жўнатилганлигини ёзиб олиши;

- зарур ҳолларда ҳодиса жойига биринчи бўлиб инспектор-кинологни хизмат ити билан киритиши ва жиноятни фош этиш ҳамда жиноятчини «иссиқ изи»да қўлга олишни ташкиллаштириши;

- тезкор-қидирув ходимларига гувоҳларни, жиноят содир қилган шахсларни аниқлашга қаратилган топшириқлар бериши;

- мутахассис-криминалистга жиноятнинг излари, жиноят содир этиш қуроли ва воситаларини, жиноятчини ҳодиса жойида бўлганлигини, қўл ва оёқ изларини, бошқа изларни (тартибсизлик, ҳар томонга отилган буюмлар, юклар, узилган тугмалар, соч толалари, қон ва бошқалар) жиноятчиларга тааллуқли буюм ва нарсалар, микро объектларни топиш ва олиш ҳақида топшириқ беради;

- ҳодиса жойидаги ҳолат билан танишади, кўздан кечиришнинг тактик усулларини белгилайди;

- ҳодиса жойини кўздан кечиришга киришади.

Жиноят содир этилган жой тергов қилинаётган жиноят ҳақидаги маълумотларнинг энг муҳим манбаи ҳисобланади, шу сабабли уни зудлик билан кўздан кечириш лозим, чунки ҳодиса содир бўлган жойни ўз вақтида кўздан кечирмаслик изларни ва бошқа далилларни йўқолишига сабаб бўлиши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- жиноят содир этилган жойнинг ҳолатини аниқлаш;
- тергов учун аҳамият касб этадиган нарсалар ва изларни аниқлаш, қайд қилиш ва олиш;
- тергов ва қидирув тусмолларини тузиш;
- исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш;
- жиноятни содир этган шахсларни фош этувчи маълумотларни тўплаш.

Ҳодиса жойида аниқланган ва олинган излар ва нарсаларни кўздан кечириш жиноят содир этиш усулини аниқлаш имконини беради. Бу эса жиноят содир этиш усули бўйича ҳамда очилмаган жиноят ишлари бўйича картотекалардан фойдаланиш имконини яратади.

Кўздан кечиришни талаб даражасида ва самарали ўтказиш криминалистик-техник воситалардан самарали фойдаланишга боғлиқ, айниқса видеоёзув воситаларидан фойдаланиш унумлидир. Бу эса далилларни аниқлаш жараёни, кўздан кечириш ҳаракатлари натижасида олинган ашёвий далилларни объектив қайд этилишига, шунингдек, қўлланилган тактик усулларнинг тўғрилигини яққол намоёиш этишга хизмат қилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш натижалари бўйича терговчи Жиноят-процессуал кодекснинг 90-92, 135-141 моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ баённома тузади. Баённомада кўздан кечириш давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай ҳолатда кузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади. Кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар санаб ўтилади. Олинган буюмнинг эгасига тегишли маълумотнома ёки баённоманинг нусхаси берилди. Бундан ташқари, баённомада: кўздан кечириш қайси вақтда, қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги; қандай илмий-техника воситалари қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги; кўздан кечиришда кўмаклашиш учун кимлар жалб қилинганлиги ва кўмаклашиш нимада ўз аксини топганлиги; қандай

нарсалар ва ҳужжатлар қай тартибда олингани ва қандай муҳр билан муҳрланганлиги; кўздан кечирилганидан кейин иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларнинг қаерга юборилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Суриштирувчи тергов-тезкор гуруҳи таркибида қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

1. Тезкор-қидирув ходим сифатида суриштирувчи оғир, ўта оғир ёки яширин содир этиладиган жиноятларни қисқа муддатда ва тўлиқ очиш, унинг олдини олиш, жиноят содир этиб яширинган жиноятчиларни қидириб топиш, ушбу жиноятларнинг сабаблар ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш каби вазифаларни бажаради.

Жамият ривожланиб бориши ва замон тараққиёти олдинга интилаётган пайтда, содир этилаётган жиноятларнинг турлари ва услублари мураккаблашиб бормоқда. Қасддан содир этиладиган жиноятларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларни содир этиш усулидир.

Жиноятларни очиш – ички ишлар органларининг мавжуд барча куч ва воситаларидан фойдаланиш, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини ҳал этишда иштирок этувчи бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат муассасалари ва жамоатчилик билан ҳамкорлигини талаб қилувчи жараёнлар.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда суриштирувчи сифатида тезкор вакил ёки бошқа ходим жиноятнинг тавсифини атрофлича аниқлаши, шу билан бирга, жиноятга дахлдор шахслар ёки фактлар тўғрисида маълумотлар тўплаши зарур. Бу маълумотларни олиш учун аввал муайян тадбирларни амалга ошириш ва ушбу маълумотларни сақловчи манбаларни аниқлаш зарур. Ушбу манбалар шартли равишда иккига бўлинади:

- 1) излар, нарсалар ва бошқа моддий объектлар;
- 2) жиноят ва унинг тафсилотларидан хабардор шахслар.

Юқоридаги манбаларни аниқлаш ҳодиса содир бўлган жойда ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларининг асосий талаби ҳисобланади. Бунга эришиш учун тезкор гуруҳ аъзолари ёки суриштирувчи ҳодиса содир бўлган жойда қуйидаги тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишлари зарур:

– ҳодиса содир бўлган жойда бўлган шахслар ёки ҳодиса ҳақида бирор-бир маълумотга эга фуқароларни аниқлаб, улардаги маълумотларни тўплаш учун тезкор-қидирув тадбирларини олиб бориш;

– жиноятчи ёки жабрланувчининг ҳодиса жойига келиш ёки кетиш йўллари аниқлаш мақсадида, қилмиш содир этилган ҳудуд атрофида жойлашган хонадонларда яшовчи фуқаролар, жиноят кўп қаватли уйнинг хонадонида содир этилган бўлса, кўни-кўшнилар, уй-жойлар мулкдорлари ширкатининг ходимлари, корхона ёки муассасада содир этилган бўлса, шу ерда ишлайдиган барча ходимлар ва раҳбарлар билан сўровлар ўтказиш;

– гувоҳлар, ашёвий далиллар ва бошқа маълумотларни аниқлаш мақсадида ҳодиса содир бўлган жой атрофидаги ҳудудда жойлашган хонадонларни бирма-бир айланиб чиқишни ташкил қилиш;

Шуни таъкидлаш лозимки, ушбу тадбирларнинг йўналиши ва ўтказилиши ҳар бир аниқ ҳолат бўйича, ҳодиса содир этилган ҳудуднинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўтказилиши зарур.

Жиноят тўғрисида кўшимча маълумотлар олиш ва исботлаш манбаи мустаҳкамлаш усулларида бири бу ҳодиса содир бўлган жойдан олинган биологик намуналар юзасидан экспертиза тадқиқоти ўтказиб, улар айнан қайси шахсга тегишлилигини аниқлашдир. Бу борада, объект ҳақида аниқ маълумот олиш мақсадида ДНК экспертизаси тайинланиши зарур. Қасддан одам ўлдириш, номусга тегиш жиноятларида ҳодиса содир этилган жойдан олинган намуналар (сперма, қон, соч толалари ва ҳ.к.)га нисбатан ДНК экспертизаси ўтказилиб, гумон қилинаётган шахслар текширилиши натижасида ушбу жиноятни содир этган шахс ёки шахсларни аниқлаш мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида тезкор ходим кўйидаги саволларга жавоб топиши мақсадга мувофиқдир. Ушбу саволлар ҳодиса тафсилотларидан келиб чиққан ҳолда кўйилади:

– жабрланувчи ким, унинг ёши, миллати, тахминий иш фаолияти, шунингдек маҳаллий аҳоли ёки бошқа жойдан келганлиги;

– жиноят қандай содир этилган;

– жиноят қаерда содир этилган;

– жиноят қачон содир этилган;

– жиноят қандай усул ва қурол билан содир этилган;

– жиноятнинг мотиви;

– жиноят содир этилган жойдан қандай нарсалар олиб кетилган;

– жиноятчилар неча киши, ҳодиса жойига қаердан кирилган ёки келинган;

– жиноятчи(лар)нинг шахсини ёки ҳаракат йўлини кўрсатиб берувчи белгилар мавжудми.

Жиноятни содир этган шахс ёки гуруҳни қидириш асосан кўйидаги йўналишларда олиб борилади:

– жиноятчининг ташқи белгилари бўйича (юз, бош, гавда тузилиши, умумий ташқи кўриниши ва ҳоказо);

– жиноятчининг кийими ва танасида қолган излар бўйича (қон доғлари, кир ёки йиртилган кийими, танасидаги белгилар ва бошқалар);

– воқеа жойидан олиб кетилган буюмлар (автомашина, катта ҳажмли буюмлар, заргарлик буюмлари, пуллар ва ҳоказо);

– жиноятчи шахсларни аниқлашда аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотлар (фуқароларнинг кўрсатмалари, давлат органларининг хабарлари ва бошқалар).

Тезкор ходимлар жиноятчини аниқлаш ва қўлга олишда қидирув итини қўллаш билан бирга, бошқа маълумотлар, жумладан оёқ, қон, транспорт воситаларининг излари, жиноятчи томонидан қолдирилган нарсалар, гувоҳларнинг кўрсатмаларидан фойдаланишлари мумкин.

Жиноятчини топишда тезкор гуруҳ таркибига ушбу ҳудудни яхши биладиган профилактика инспектори ва жиноятчини танийдиган шахсларнинг бўлиши мақсадга мувофиқдир. Тергов тезкор гуруҳи ҳаракат жараёнида йўлда учраган фуқаролар, транспорт ҳайдовчилари, дўкон сотувчилари ва бошқа шахслардан жиноятчиларнинг ҳаракат йўналишини сўраб боришлари лозим.

Шунингдек, жиноят содир этилган ҳудудга яқин жойлашган барча шифохона ва бошқа тиббий муассасаларда жиноят вақтида жароҳат олган ва тиббий ёрдам сўраб келиши мумкин шахсларни аниқлаш бўйича тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади.

Кўрсатиб ўтилганлардан ташқари, ходиса содир бўлган жойда фақатгина тезкор қидирув йўли билан аниқланадиган ҳолатлар юзага келиши мумкин, булар:

1) *Содир бўлган ҳодисани қайси жойдан кўриш ёки эшитиш мумкин? Ушбу маълумотга эга бўлиш мавжуд гувоҳларнинг кўрсатмалари ҳақиқатга қанчалик тўғри келиши ҳамда қўшимча гувоҳларнинг аниқланиши ва тезкор вазиятга тўғри баҳо бериш лозим;*

2) *Жиноятчи шахс(лар) ҳодиса жойига сездирмасдан келиб, кетиш мумкинми? Агар ушбу саволга тўғри жавоб олинса, гувоҳларни аниқлаш учун ортиқча вақт ва куч сарфлаш керак бўлмайди.*

Жиноят бўйича гувоҳлар ва бошқа маълумотларни аниқлаш учун хонадонлар ва биноларда яшовчи фуқаролар билан сўровлар ўтказиш зарур. Ўз навбатида ходиса жойига келиб-кетувчи шахсларга алоҳида эътибор қаратиш керак, улар орасида жиноятга алоқадор ёки жиноятдан хабардор шахслар бўлиши мумкин. Бунда ходиса жойини сутка давомида тезкор кузатувга олинишини таъминлаш

ҳамда ушбу ҳудудда яшовчи ишончли кишилар ва махсус тадбирларнинг имкониятларидан фойдаланиш яхши самара беради.

2. Профилактика инспектори суриштирувчи сифатида терговга қадар текширув жараёнида бевосита ҳаракатланганида унинг тафаккури фақат ўз фаолиятини акс эттириб ва йўналтирибгина қолмай, ишнинг барча иштирокчилари ва ишга дахлдор шахсларнинг ақлий даражаси, руҳий ҳолатларини ҳисобга олиши, уни қиёслаши, мувофиқлаштириб бориши лозим. У нафақат ўзи, балки ўзгалар учун ҳам фикр юритиши, қарор ва хатти-ҳаракатларни олдиндан кўра олиши, уларни йўналтириб туриши ҳамда ана шу барча омиллардан келиб чиқиб, ўз хулқ-атворини идора этиши зарур. Ушбу жараёнда манфаатлари турли-туман, бир-бирига мос келмайдиган, баъзан бутунлай қарама-қарши бўлган шахслар: профилактика инспектори ва жиноят содир этган шахс, тушунтириш берувчи ва тушунтириш олаётган ҳамда бошқалар тўқнаш келадилар.

Профилактика инспекторлари жиноят содир этилганида терговга қадар текширув жараёнида қуйидаги ўзига хос йўналишларда ҳаракатланадилар:

1. Хабар фуқаролардан келиб тушгандаги ҳаракатланиши;
2. Хабар навбатчилик қисмидан келиб тушгандаги ҳаракатланиши;

Жиноятнинг содир этилганлиги ҳақидаги хабар фуқаролардан келиб тушганида профилактика инспектори қуйидагича ҳаракатланади:

– ИИБ навбатчилик қисмига рация, телефон каби алоқа воситалари орқали хабарни етказди ва зудлик билан воқеа жойига маҳалла посбонлари ёхуд мазкур ҳудудда хизмат олиб бораётган бошқа хизмат (ППХ, ЙХХ, ЁХБ, ХЧК ва ФРБ) ходимлари билан биргаликда етиб боради;

– тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунига қадар ҳодиса содир бўлган жойда жиноят излари ва ҳодисага оид аҳамиятли ашёлар йўқолишининг олдини олиш мақсадида кўриқлаш ишларини ташкил қилиш учун бошқа хизмат (ППХ, ЙХХ, ЁХБ, ХЧК ва ФРБ) ходимлари ҳамда маҳалла посбонларига тегишли вазифаларни белгилаб беради;

– тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунига қадар мурданинг шахсини аниқлаш ёки оғир тан жароҳати олган фуқарога биринчи тиббий ёрдам кўрсатган ҳолда уни шифохонага юбориш чораларини кўради;

– ҳодиса содир бўлган жойдан мазкур ҳодисага шохид бўлган ёки муайян маълумотларга эга шахсларнинг кетиб қолмаслигини таъминлаб, уларнинг яшаш манзили, исми шарифини аниқлайди;

– тергов-тезкор гуруҳи етиб келгунча мазкур жиноятни содир этгандикда гумон қилинаётган шахс ҳақидаги маълумотлар (ёши, жинси, қадди қомати, кийиниши, юриши ва бошқа алоҳида белгилари ҳақида маълумотлар)ни тўплайди;

– тергов-тезкор гуруҳи етиб келганда тергов-тезкор гуруҳи раҳбарига мазкур ходиса тафсилотлари, ходисага алоқадор маълумотга эга гувоҳлар, мурданинг, тан жароҳати олган ёки жиноятдан жабрланган фуқаро (лар)нинг шахси ҳақидаги маълумотлар бўйича ахборот беради, шунингдек мавжуд далилий ашёларни тақдим этади.

– тергов-тезкор гуруҳига ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, гувоҳлардан тушунтиришлар олиш, шунингдек тўпланган маълумотлар ва ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жараёнида аниқланган изларга асосланиб тусмоллар ишлаб чиқиш, уларни бирма-бир текшириб кўриш ҳамда жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва ушлашда амалий ёрдам кўрсатади.

Ходиса ҳақидаги хабар ИИБ навбатчилик қисмидан етказилганида профилактика инспектори қуйидагича ҳаракатланади:

– ходиса жойига зудлик билан етиб боради, ходиса содир бўлган жойни кўздан кечираётган тергов-тезкор гуруҳи раҳбарига учрашади ва ундан топшириқлар олади;

– тергов-тезкор гуруҳи раҳбарининг топшириғига асосан мазкур ходиса бўйича суриштирув ишларини олиб боришда иштирок этади;

– ТТГ раҳбарининг топшириғига асосан ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда, унда иштирок этиш учун холисларни жалб этишда, гувоҳ (ходиса ҳақида эшитган ёки унга алоқадор маълумотларга эга шахс) ва шоҳидлар (ходисани бевосита кўрган шахслар)дан тушунтиришлар олишда амалий ёрдам беради;

– гувоҳ сифатида суриштирилаётган фуқародан жиноят ҳақида муҳим маълумот олганда, ундан атрофлича тушунтиришлар олиш учун тергов-тезкор гуруҳи аъзолари олдига олиб келади.

– ўзи тўплаган тушунтириш хатларини илова қилган ҳолда, аниқлаган маълумотномалар ва амалга оширилган ишлар юзасидан ИИБ бошлиғига билдирги орқали ахборот беради.

Профилактика инспекторларининг терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнидаги бевосита ёки билвосита ҳаракатланишида турли-туман зиддиятлар ҳамда тўқнашувларнинг кузатилиши тергов тактикасига нисбатан эҳтиёжни келтириб чиқаради. Шу боис профилактика инспекторларидан терговга

қадар текширув, суриштирув ҳамда дастлабки терговни ташкил этиш ва амалга оширишга доир тактик билимларга эга бўлиш шарт.

Содир этилган жиноятни очишда жиноятчи тўғрисида ҳар томонлама чуқур тасаввурга эга бўлиш учун жинойий ҳаракатнинг вақти, жойи ва бошқа жиҳатлари тўлиқ психологик таҳлил этилиши, яъни жиноят содир этилишининг яширин мотивлари ва мақсадларини инобатга олиш зарур. Бунинг учун профилактика инспекторларидан юридик ва тактик билимлар билан бир қаторда психологик билимларнинг бўлиши ҳам талаб этилади.

Дарҳақиқат, жиноятларни очиш фаолиятида шахснинг хулқида намоён бўлувчи ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ғайриижтимоий хулқ, нормадаги хулқ каби кўп омилли бўлиб, у бир ёки бир қанча сабабларнинг оқибати эмас, балки алоҳида ахлоқий кўринишнинг кўп омиллар билан боғлиқлиги ва эҳтимолли хусусияти натижасидир. Шунинг учун ҳам жиноятларни очишда профилактика инспекторлари томонидан жиноятчи шахснинг ўзига хос алоҳида хусусиятлари ва ахлоқий қарашларини аниқлаш устун аҳамиятга эга.

Бу борада профилактика инспекторлари профилактик ҳисобга олинган барча тоифадаги шахсларнинг алоҳида-психологик хусусиятлари ва ахлоқий қарашларини ўрганиши лозим. Зеро, профилактик ҳисобга олинган, қолаверса ғайриижтимоий хулқ-атворга эга ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахсларнинг алоҳида-психологик хусусиятлари ва ахлоқий қарашларини ўрганиш уларнинг келажакдаги хатти-ҳаракатлари юзасидан криминологик башорат қилиш имкониятини яратади, ва бу маъмурий ҳудудда содир этилган жиноятларни очиш юзасидан тусмоллар тузиш, уларни текширувдан ўтказиш ва натижада жиноятни очишда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Терговга қадар текширув ўтказишда суриштирувчининг тергов-тезкор гуруҳининг бошқа аъзолари билан биргаликда фаолияти (қасддан одам ўлдириш жинояти мисолида)

Терговга қадар текширувнинг тўлиқ ва сифатли ўтказилиши содир этилган жиноятнинг тез очилиши, ҳар томонлама ва холисона тергов қилинишига хизмат қилади. Терговга қадар текширув тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги ва биргаликдаги фаолияти натижасига боғлиқ равишда самарали ёки аксинча бўлиши

мумкин. Жиноятчиликка қарши кураш амалиётида ҳам тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг ўзаро ҳамкорлиги билан боғлиқ муайян муаммолар мавжудлиги кўзга ташланади. Терговга қадар текширув ўтказиш ва дастлабки терговни амалга оширишда тергов-тезкор гуруҳи аъзоларининг биргаликда самарали фаолият олиб бориши оғир ва ўта оғир жиноятлар, шунингдек яширин тарзда содир этиладиган жиноятларни тергов қилишда катта аҳамият касб этади. Суриштирувчининг терговга қадар текширув ўтказишда тергов-тезкор гуруҳининг бошқа аъзолари билан биргаликда фаолияти ҳақида алоҳида жиноят туридан келиб чиққан ҳолда тўхталиб ўтиш ушбу фаолиятни осонроқ ўрганишга хизмат қилади. Шу боис қасддан одам ўлдириш жинояти мисолида тергов-тезкор гуруҳи ва унинг таркибида суриштирувчининг терговга қадар текширувни амалга ошириш хусусиятлари ҳақида баён этиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Қасддан одам ўлдириш жиноятларини очиш ички ишлар идоралари суриштирув органлари, жумладан тезкор-қидирув хизматларининг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятидаги асосий йўналишларидан ҳисобланади. Унинг асосий мақсади жиноят аломатларини, уни содир этган шахсларни аниқлаш ва фош этишдан иборат.

Бунда жиноятни очиш учун тезкор штаб, шунингдек тергов-тезкор гуруҳи тузилади, унга ички ишлар идораларининг тезкор ходимлари, шунингдек бошқа хизмат ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин. Тезкор штаб прокуратура терговчиси билан доимий алоқада бўлиб, маълумот алмашиш, тезкор йўллар орқали олинган маълумотларни процессуал мустаҳкамлаш ва бошқа масалаларни ҳамкорликда ҳал қиладилар.

Қасддан одам ўлдириш жиноятини фош этиш учун тузилган тергов-тезкор гуруҳининг ҳар бир аъзоси ўзига таалукли бўлган вазифа ва топшириқларни пухта ҳамда сифатли амалга ошириши лозим. Тезкор штаб асосан тезкор вакиллардан жамланади.

Суриштирувчи сифатида тезкор штаб раҳбарининг асосий вазифалари:

– қасддан одам ўлдириш жиноятини очиш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини пухта олиб борилиши ва терговчининг топшириқларини сифатли бажарилишини назорат қилиш;

– ИИБ барча ҳисоблари, шу жумладан криминалистик ва тезкор ҳисоб маълумотларидан фойдаланилишини таъминлаш;

– олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва терговчига маълум қилиш;

– тезкор-қидирув тадбирларининг тергов ҳаракатлари билан бир вақтда олиб борилишини таъминлаш;

– жазони ижро этиш муассасалари, жамоат ташкилотлари ва давлат органлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.

Шу билан бирга, уларга қасддан одам ўлдириш жиноятини очиш бўйича ишлаётган тергов-тезкор гуруҳи, суд тиббиёт эксперти ва бошқа соҳа мутахассисларига зарур ҳолларда амалий ва техник ёрдам кўрсатиш вазифаси юкланади.

Қасддан одам ўлдириш жиноятини очишда тусмол ёки тахминларни ишлаб чиқиш ва уларни текшириш катта аҳамият касб этади. Тусмолларни илгари суришда жиноятнинг хусусияти ва ушбу турдаги жиноятни очишдаги амалий тажрибалардан келиб чиқадиган умумий ҳолатларни инобатга олиш лозим.

Жиноятни фош этиш борасида тезкор-қидирув ва суриштирув ишларини тўғри ташкил этиш ва режалаштиришда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш зарур:

– мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш ва уларга тўғри баҳо бериш;

– тезкор-қидирув ва суриштирув ишларининг йўналишини белгилаб олиш;

– терговни қизиқтираётган саволлар бўйича аниқ вазифалар белгилаш;

– жиноятни очиш борасида қизиқиш уйғотаётган масалаларни ҳал этиш учун тезкор-қидирув тадбирларини белгилаш;

– тергов ва суриштирув органларининг ўзаро ҳамкорлиги;

– кенг жамоатчиликни жалб қилиш.

Албатта, ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари ошкор ёки ноошкор равишда амалга оширилиши мумкин. Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этган шахс айрим ҳолларда суриштирув органи ходими билан мулоқотда бўлиши ва ҳаракатларни кузатиб юриши мумкин. Шунинг учун бедарак йўқолган шахснинг йўқолиш сабабларини аниқлаш, тахминий жиноят содир этилган жой, хонадон бошқа биноларни тезкор текшириш, яширин равишда далилий ашёларни олиш, гувоҳ ва гумон қилинувчилар орасида сўровлар ўтказиш ва бошқа тезкор қизиқиш уйғотувчи шахсларни аниқлаш жараёни тезкор ходимлар томонидан зудлик билан яширин равишда амалга оширилиши лозим. Бундай тадбирларни ўтказишда ноошкор кўмаклашувчи шахслар имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларни бажариш жараёнида қуйидаги асосий маълумотларни аниқлашга аҳамият бериш зарур:

- шахс охириги марта қаерда ва ким билан кўришган;
- нима ҳақида гаплашган;
- ким билан ва нима учун жанжаллашган;
- унинг ўлиmidан манфаатдор шахслар борми;
- сўнгги вақтларда унинг юриш-туришида ўзгаришлар кузатилганми;
- қандай кийимда бўлган;
- унинг қандай ҳужжатлари ёки бошқа нарсалари ёнида бўлган ва ҳоказо.

Агар суриштирув жараёнида жабрланувчининг ўлиmidан манфаатдор шахслар аниқланса ва уларнинг юриш-туриши шубҳа уйғотса, уларга нисбатан тезкор киритиш тезкор-қидирув тадбири-ни ўтказиш лозим.

Ўтказилаётган тезкор-қидирув тадбирлари жараёнида бошқа туманлардан келаётган хабарномаларни ўрганиш, барча топилган ва шахси аниқланмаган мурдаларни таққослаш ҳам айрим вақтларда ўз самарасини беради.

Юқорида таъкидланганидек, айбдорни фош қилиш учун, биринчи навбатда, жабрланувчининг алоқалари орасида тезкор-қидирув тадбирларини олиб бориш керак. Жиноятчини жабрланувчининг танишлари, қариндошлари ва у билан моддий тарафлама алоқада бўлган шахслар орасидан қидириш деярли барча қасддан одам ўлдириш жиноятларида амалга оширилади. Жиноятчини маълум бир ҳудуд доирасида қидириш учун жабрланувчининг шахсини, атрофидаги шахсларни ҳамда улар орасидаги ўзаро муносабатларни аниқлаш лозим. Жабрланувчининг алоқаларини тўлиқ аниқлаш, унинг ўлиmidан олдинги ҳаётини ўрганиш ва жиноятни очиш жараёнида юзага келган тусмолларни текшириш кейинги тезкор-қидирув тадбирларини режалаштиришда ижобий натижалар беради.

Белгиланган тадбирларнинг тез ва пухта бажарилиши, терговчи билан тезкор ходим ҳамкорлигининг юқори савияда ташкиллаштирилиши қасддан одам ўлдириш жиноятларининг муваффақиятли очилишига замин тайёрлайди.

Агар дастлабки тезкор-қидирув тадбирлари жараёнида қасддан одам ўлдириш жиноятини очишнинг имкони бўлмаса, тўпланган маълумотлар инобатга олиниб, кейинги тезкор-қидирув тадбирлари амалга оширилади.

Бундан кейинги тезкор-қидирув тадбирларининг режаси тузилади. Ушбу режада қуйидагилар ўз аксини топиши лозим:

– Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ, ШТИИБ тезкор ҳисоб маълумотларидан фойдаланган ҳолда, ҳодиса содир этилган ҳудудда яшовчи (ишловчи), илгари шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларни содир этиб судланиб чиққан шахсларни текшириш ҳамда зарур бўлганда (уларга нисбатан қораловчи маълумотлар аниқланганда) махсус ишни ташкил этиш;

– ички ишлар идоралари, тегишли тиббий муассасалар, ҳарбий қисмлар рўйхатларида турган оғир руҳий касаллар (гиёҳвандлар, сурункали равишда спиртли ичимликларни истеъмол қилувчилар, жинсий бузукликка мойил шахслар ва ҳоказо)нинг рўйхати олиниб, уларни текширишни ташкил қилиш (бу тадбир жиноят мотивидан келиб чиқиб амалга оширилади);

– жабрланувчи фойдаланган уяли алоқа воситасининг абонент рақами, ушбу абонент билан охириги бир ой давомида кимлар билан гаплашганлиги ва хат-хабар ёзишганлигини аниқлаш мақсадида, уяли алоқа компаниясидан кириш ва чиқиш қўнғироқлари тўғрисидаги ҳамда «Пеленг» дастури асосида олинган маълумотларни текшириш;

– тезкор маълумотлар, хат-хабарномалар, қидирув бўйича топшириқлар, тезкор ҳисоб йиғма жилдлари, илгари шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши ғаразли мақсадларда жиноятлар содир этиб, судланган шахслар (қидирувда бўлганлар), руҳий касаллар, ҳарбий хизматдан бош тортиб ёки қочиб юрганлар, вояга етмаган безори шахс ёки гуруҳларни ва бошқа жинойий муҳитга таалуқли маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

– ҚООб профилактика инспекторлари билан аҳоли яшайдиган ва жамоат жойларида кечиктириб бўлмайдиган маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш;

– ВСХ, ТХ, иш ва яшаш жойининг тайини бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказлари, суд томонидан маъмурий қамоққа олинган шахслар сақланадиган махсус муассасаларга у ерда сақланувчи шахслар, янги келтирилганлар орасидан жиноят ҳақида хабардор шахсларни аниқлаш учун жиноят тафсилотлари тўлиқ кўрсатилган ҳолда тегишли топшириқлар бериш;

– фоҳишахоналар, бангихоналар, ўғирланган мулкларни сотиш мумкин бўлган жойлар, спиртли ичимликларни қуйиб сотувчи шаҳобчалар ҳамда тунги кўнгилочар масканларда вақти-вақти билан «Тозалаш» тадбирларини ўтказиш;

– ушбу жойларда ишлаётган махсус кучларни воқеа жойидан ўғирланган буюмларнинг алоҳида белгилари билан таништириш, тезкор ходимлар томонидан шахсий излов тадбирларини ўтказиш;

– қасдан одам ўлдириш ёки бошқа оғир турдаги жиноят содир этганлиги учун қидирувда бўлган шахсларни аниқлаш мақсадида, қандай ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ва шахсини тасдиқловчи қандай ҳужжати бўлишидан қатъий назар, шаҳар, туман ИИБ навбатчилик қисмларига келтирилган барча шахсларни манзил-маълумотлар бюроси, автоматлаштирилган маълумотлар банки ҳисоблари бўйича текшириш;

– доимий равишда шаҳар, туман ИИБ навбатчилик қисмларининг ходимлари томонидан яшаш ва иш жойининг тайини бўлмаган шахслар, сурункали равишда спиртли ичимликлар истеъмол қилувчилар, майда безорилик учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 221-моддаси тартибида ушланган шахсларнинг бармоқ изларини олиш ҳамда очилмасдан қолган қасдан одам ўлдириш жиноятлари бўйича текшириш учун эксперт-криминалистика бўлимларига юбориш ва уларни автоматлаштирилган маълумотлар базаси (АБД), «АСИЛ» ва «АДИС-СОНДА» дастурлари орқали текшириш;

– ушланган шахслардан олинган нарсаларни, етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда, ҳодиса жойидан олиб кетилган буюмлар ҳисоби бўйича текшириш;

– бошқа ҳудудларда содир этилган жиноятлар билан ўхшаш жиноятлар бўйича ўтаётган шахсларни ўрганиш ҳамда фаол равишда маълумот алмашувини ташкил этиш;

– жиноятчини кўрган фуқаролар ёки бошқа гувоҳлар аниқланган тақдирда, улар ёрдамида жиноятчининг тахминий суратини чизиш, фотороботини тузиш ҳамда барча ходимлар, соҳавий хизматлар, махсус кучлар ва маҳалла фаолларига тарқатиш.

Агар ошкора ва ноошкора равишда ўтказилган тадбирлар жараёнида ёки маҳфийлик асосида кўмаклашаётган шахсларнинг маълумотлари асосида гумон қилинувчи шахс аниқланиб, лекин уни қўлга олиш учун етарли далиллар бўлмаса, қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

– гумон қилинаётган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспорт ИИБ Ахборот Марказларининг тезкор ҳисобларида қораловчи маълумотлар бор-йўқлигини аниқлаш;

– гумон қилинувчи шахснинг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойида сўров ва маълумотлар тўплаш тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш;

– гумон қилинувчи шахснинг ҳаёт тарзи, мақсадлари, жиноий алоқаларини аниқлаш, жиноятга алоқадорлигини текшириш ва бошқа тезкор аҳамиятга эга бўлган маълумотларни тўплаш мақсадида кенг қамровли тезкор-қидирув тадбирларини амалга ошириш.

Суриштирувчи терговга қадар текширув ўтказишда зарур бўлганда терговчи сифатида ҳодиса содир бўлган жойда кўздан кечиришни ташкил этиш, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиши, тергов-тезкор гуруҳ аъзоларига вазифаларни тақсимлаб, уларнинг ҳамкорлигини тақсил этиши мумкин.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар:

1. Терговга қадар текширув деганда нимани тушунаси?
2. Терговга қадар текширув ўтказиш тартибини тушунтиринг.
3. Суриштирувчининг тергов-тезкор гуруҳи таркибидаги вазифаларига нималар киради?
4. Суриштирувчининг тергов-тезкор гуруҳи таркибидаги фаолияти қандай амалга оширилади?
5. Терговга қадар текширув ўтказишда суриштирувчининг терговчи билан биргаликдаги фаолиятининг мазмуни ва йўналишларини айтиб беринг.
6. Терговга қадар текширув ўтказишда суриштирувчининг эксперт-криминалист билан биргаликдаги фаолиятининг мазмуни ва йўналишларини тушунтиринг.
7. Терговга қадар текширув ўтказишда суриштирувчининг навбатчилик қисми тезкор навбатчиси билан биргаликдаги фаолиятининг мазмуни ва йўналишларини тушунтиринг.
8. Терговга қадар текширув ўтказишда суриштирувчининг кинолог инспектори билан биргаликдаги фаолиятининг мазмуни ва йўналишларини тушунтиринг.
9. Терговга қадар текширув ўтказишда суриштирувчининг профилактика хизматлари (тезкор-қидирув хизматлари) билан билан биргаликдаги фаолиятининг мазмуни ва йўналишларини тушунтиринг.
10. Терговга қадар текширув ўтказишда суриштирувчининг ички ишлар органлари бошқа соҳавий хизматлари билан билан биргаликдаги фаолиятининг мазмуни ва йўналишларини тушунтиринг.

IV боб. ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШ ВА СУРИШТИРУВНИНГ БОШЛАНИШИ

«Жиноят ишини қўзғатиш босқичи» тушунчаси ва вазифалари

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи деганда суриштирув органи, терговчи, прокурор ўзларига маълум бўлиб қолган ҳодисада жиноят белгилари мавжудлигини аниқлаб, жиноят иши қўзғатиш ва иш юритишни бошлаш ҳақида ёки жиноят аломатлари бўлмаганда, шунингдек жиноят иши юритишни истисно этувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқариш билан боғлиқ процессуал жараёнлар тушунилади.

Шундай қилиб, жиноят ишини қўзғатиш босқичида муайян жиноят-процессуал ҳаракатлар бажарилади, унинг субъектлари бўлиб жиноят ҳақида ариза берган шахс (фуқаро, муассаса, корхона ёки ташкилот), суриштирув органи, терговчи, прокурор ёки судья, шунингдек жамоатчилик вакиллари, фуқаролар жиноят-процессуал муносабатларда иштирок этади ҳамда ушбу босқич давомида жиноят-процессуал муносабатларнинг натижаси сифатида муҳим процессуал ҳужжатлар қабул қилинади. Ушбу босқичга ҳам қонунда белгиланган муайян процессуал шакл хос бўлиб, унга қатъий риоя этиш қабул қилинган қарорларнинг қонунийлиги ва асосланганлигининг муҳим кафолати ҳисобланади.

Жиноят ишини қўзғатиш – жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш, жазога ҳукм этиш ва жазолашнинг зарурий дастлабки шarti бўлиб, қонунда назарда тутилган процессуал мажбурлов чоралари ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Фақат жиноят иши қўзғатилганидан кейин суриштирув органи, терговчи, прокурор ўз ваколатлари доирасида тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, шахсларни гувоҳлар, жабрланувчилар сифатида сўроқ қилиш учун чақиришга ҳақлидир ва ҳ.к. Бинобарин, жиноят ишини қўзғатиш босқичи айрим фуқароларни жиноий жавобгарликка, бошқаларни эса судловга асоссиз жалб этишдан сақлаш учун процессуал кафолат бўлиб хизмат қилади.

Жиноят ишини қўзғатиш нафақат ҳуқуқий, балки муҳим сиёсий аҳамиятга ҳам эга. Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорни суриштирув органи, терговчи, прокурор, яъни давлатнинг ваколатли органлари ва мансабдор шахслари қабул қиладилар. Ушбу органлар ва мансабдор шахсларда ишнинг ҳолатлари, яъни содир этилган

жиноятнинг оғирлик даражасига қараб, бундай жиноятларга қарши курашнинг самарадорлиги, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлик таъминлаш борасида чоралар кўрилиши ҳақида тасаввур шаклланади.

Суриштирув органлари, терговчи, прокурор ва суднинг қонунни бузиш билан боғлиқ ҳар қандай жиноий ҳаракатларга нисбатан тез ва кечиктирмасдан чора кўриши жиноятчиликка самарали қарши курашнинг муҳим шартидир. У жиноятнинг фош этилишини ва ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсларнинг қонунда белгиланган жавобгарликка тортилишини таъминлайди. Жиноят ишини ўз вақтида ва асосли равишда қўзғатиш ҳуқуқ-тартиботнинг янада мустаҳкамланишига, фуқароларнинг қонунларга қатъий риоя этиш руҳида тарбияланишига кўмаклашади.

Жиноят ишини асоссиз равишда қўзғатиш ҳам, қўзғатишни асоссиз рад этиш ҳам қонунни кўпол тарзда бузишдир. У давлатга ва жамиятга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига катта зарар етказади, жамоатчилик кўз ўнгида жиноятчиликка қарши курашиши лозим бўлган органларнинг обрўсини туширади.

Жиноят ишини асоссиз равишда қўзғатиш куч ва маблағларнинг бефойда сарфланишига, сунъий равишда ортиқча иш яратилишига олиб келади. Асос бўлмай туриб жиноят ишини қўзғатиш янада жиддий қонун бузилишларига – ноқонуний ушлаб туриш, айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш, асоссиз равишда тинтув ўтказиш, қамоққа олиш ва бошқа процессуал мажбурлов чораларини қўллашга олиб келиши мумкин. Айни пайтда жиноят иши қўзғатишни асоссиз равишда рад қилиш жиноят содир этган шахсларнинг жазоланмай қолишига олиб келади, жиноий фаолиятнинг давом этиши учун шароит яратади, содир этилган жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига путур етказади.

Фақат жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани қонуний ва асосли ҳал қилишгина жиноят-процессининг дастлабки босқичида ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларнинг сўзсиз ва қатъий бажарилишини таъминлайди. Ушбу вазифа прокурорнинг жиноят ишини қўзғатишнинг қонунийлигини назорат қилиш вазифасига киради.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи вазифалари.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичи мазмунан тегишли (жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш ҳақида) процессуал ҳужжат чиқаришдангина иборат эмас. Унга жиноят ҳақида берилган ариза ёки хабар бўйича якуний қарор чиқаришдан аввал келувчи бир қатор масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш борасидаги процессуал

фаолият ҳам киради. Жиноят ишини қўзғатиш учун Жиноят-процессуал кодекснинг 322-моддаси 1–5-бандларида мустаҳкамланган маълумотлар сабаб бўлади. Бунда қуйидагиларни текшириш лозим:

– тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақидаги хабар жиноят ишини қўзғатиш учун қонуний сабаб бўладими;

– олинган хабардаги маълумотларда акс этган ҳолатларда жиноят аломатлари борми;

– жиноят Жиноят кодексининг қайси моддаси билан баҳола-ниши мумкин;

– қандай аниқ маълумотлар асосида олинган хабарда акс этган ҳолатлар ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлган деб топилади;

– жиноят ҳолатлари бўйича ҳодиса жойини қўздан кечириш керак эмасми;

– дастлабки текширув ўтказиш зарурати юзага келадими ва агар бундай зарурат мавжуд бўлса, қандай текширув ҳаракатлари ўтказилиши керак;

– ушбу орган ва муайян мансабдор шахс жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал қилишга ҳақлими ёхуд мавжуд материаллар терговга тегишлилиги бўйича юборилиши керакми (ЖПК 330, 335-моддалар);

– жиноят ишини қўзғатишга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар мавжудми ёки йўқми;

– материалларни маъмурий, интизомий ва жамоат таъсири чораларини кўриш учун жиноят ишини қўзғатмасдан туриб юбориш асослари мавжуд эмасми (ЖПК 334-моддасида белгиланган тартибда);

– жиноят иши қўзғатилган тақдирда суриштирув ёки терговни ким олиб бориши керак;

– жиноят фақат жабрланувчининг шикояти бўйича иш қўзғатиладиган (ЖПК 325-м.) ва/ёки у айбланувчи билан ярашган тақдирда иш тугатиладиган жиноятлар (ЖК 66¹-м.) сирасига кирмайдими;

– жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик учун, шунингдек далилларни тўплаш ва сақлаб қолиш учун қандай чоралар кўрилиши керак.

Мазкур масалалар жиноят ишини қўзғатиш ёхуд қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилгунига қадар ҳал этилиши сабабли, қонунда назарда тутилган ҳаракатлар амалга оширилиши ва қуйидаги ҳужжатлар тузилиши мумкин: аризачи била туриб ёлғон хабар берганлик учун жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирилган ва бу ҳақида ўз имзоси билан тасдиқлаган оғзаки ариза ёки

айбига иқроор бўлиш ҳақида арз қайд этилган баённома; корхона, муассаса ва ташкилотлардан, шунингдек фуқаролардан текширув давомида олинган тушунтиришлар; терговчи ёки прокурорнинг суриштирув органига терговга қадар текширув давомида тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида берган топшириқлари; ҳужжатларни терговга тегишлилиги бўйича юбориш ҳақидаги қарор; ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси; ҳужжатлар тақдим этиш ҳақидаги сўров хатлари, экспертиза ёки тафтиш тайинлаш ҳақидаги қарорлар.

Жиноят ишини кўзғатиш босқичида расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатлар:

- 1) ариза, билдирги;
- 2) ушлаб туриш (тинтув, телефон орқали қўнғироқ қилиш имкони берилганлиги, хабарнома) баённомаси;
- 3) кўздан кечириш баённомаси;
- 4) тушунтириш хатлари;
- 5) экспертиза ёки тафтиш тайинлаш ҳақида қарор;
- 6) жиноят ишини кўзғатиш ҳақида қарори;
- 7) жиноят иши кўзғатишни рад этиш ҳақида қарор;
- 8) аризани тегишлилигига қараб юбориш ҳақида ҳужжат (қарор, алоқа хати);
- 9) амнистия актига асосан жиноят иши кўзғатишни рад этиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида прокурорга тақдимнома.

Қайд этилган процессуал ҳужжатларни расмийлаштиришда қуйидаги хусусиятларга эътибор қаратиш зарур:

- 1) ҳужжатлар қонунда белгиланган шаклда тузилиши, уларда зарурий реквизитлари бўлиши;
- 2) жумлалар тушунарли, аниқ ва мантиқий изчилликда ифодаланиши;
- 3) жиноят-процессуал кодекс талабларига риоя этилган ҳолда расмийлаштирилиши;
- 4) процессуал муддатларга риоя этилган ҳолда чиқарилиши;
- 5) қарорнинг тавсиф-асослантириш қисмида ҳодиса тафсилоти, текшириш жараёнида аниқланган ҳолатлар, келинган тўхтаб ёки ҳулосани асословчи далиллар, уларнинг мазмуни ва қонуний асослари аниқ кўрсатилиши;
- 6) турли хатоларсиз, жумладан ўчирмасдан, буялмасдан, кейинчалик ўқиш учун қўлай тарзда ёзилиши;

7) замонавий талабларга мос бўлиши, яъни имкон қадар техник воситалар (компьютер) ёрдамида ёзиш кабилар.

Жиноят ишини қўзғатиш босқичида тўпланган далилларга баҳо бериш натижасида қарор қабул қилинади. Далилларга баҳо бериш деганда тўпланган ва текширилган маълумотларни далил деб тан олиш ёки тан олмаслик ҳақида хулосага келиш, яъни далилнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилигига ойдинлик киритиш тушунилади.

Шунингдек, «далилларни баҳолаш» тушунчасига ҳам алоҳида тўхталиш зарур. Далилларни баҳолаш деганда эса баҳо бериш билан бирга исботланиши лозим бўлган ҳолатларнинг ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи далиллар зарур миқдорда тўпланганлигини аниқлаш ва улар мазмунидан келиб чиққан ҳолда муайян қарорлар (ҳал қилув қарорлари)ни қабул қилиш бўйича тўхтамга келиш тушунилади.

Жиноят-процессининг ушбу босқичида «жиноят аломатлари бор-йўқлигини кўрсатувчи ва тергов юритиш зарурлигини асословчи маълумотлар етарлими», деган масала ҳал қилинади.

Юқорида қайд этилганлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда жиноят ишини қўзғатиш босқичининг вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– тайёрланаётган жиноятлар ҳақида хабар олинганда унинг содир этилишига йўл қўймаслик;

– содир этилаётган ёки содир этилган жиноятларни ўз вақтида аниқлаб, уни тўхтатиш, шунингдек салбий оқибатлар келиб чиқшининг олдини олиш;

– жиноят тез ва тўла очилиши учун шароит яратиш;

– келиб тушган хабарда акс этган ҳодиса юз берган ёки юз бермаганлигини аниқлаш;

– содир бўлган қилмиш жиноят ёки жиноят эмаслигини аниқлаш;

– жиноят иши қўзғатиш ёки иш қўзғатишни рад этиш масаласини ҳал этиш;

– қилмиш маъмурий ҳуқуқбузарлик деб баҳоланганда маъмурий жавобгарлик масаласини ҳал этиш;

– содир этилган жиноят ёки бошқа ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарарни аниқлаш ва уни қопланишини таъминлаш чораларини кўриш;

– далилларни тўплаш ва сақлаш;

– жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва унинг яширинишига йўл қўймаслик;
– дастлабки тергов самарали амалга оширилишига кўмаклашиш;
– терговга қадар текширувга жалб қилинган ёки ушбу босқичда ҳуқуқлари чекланган иштирокчиларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш.

Мазкур вазифалар самарали бажарилиши жиноят-процессининг вазифалари ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишига хизмат қилади.

Жиноят ишини қўзғатиш сабаблари ва асослари. Жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал этиш

Жиноят ишини қўзғатиш сабаби – қонунда белгиланган ҳамда суриштирув органи, терговчи, прокурор ёки судга тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида маълумот берадиган манба. Сабабнинг мавжудлиги ушбу органларнинг жиноят ишини қўзғатиш зарурати бор ёки йўқлиги ҳақидаги масалани ҳал этиш мажбурияти-ни юзага келтиради.

Жиноят-процессуал кодекснинг 322-моддасига кўра, жиноят ишини қўзғатиш учун:

- 1) шахсларнинг аризалари;
- 2) корхона, муассаса, ташкилот ҳамда жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар;
- 3) оммавий ахборот воситаларининг хабарлари;
- 4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг бевосита ўзи аниқлаши;
- 5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз сабаб бўлади.

Жиноят-процессуал кодексда жиноят ҳақидаги маълумотларнинг у ёки бу манбаидан жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб сифатида фойдаланиш шартлари ва тартиби белгиланган.

Шахсларнинг аризалари жиноят ишини қўзғатишнинг тергов амалиётида энг кўп учрайдиган сабаби ҳисобланади. Жиноят-процессуал кодекснинг 324-моддасига мувофиқ, шахсларнинг жиноят тўғрисидаги аризалари ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Фуқароларнинг оғзаки аризалари баённомада қайд этилади. Баённомада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак: ариза қабул қилинган жой ва вақт; аризани қабул қилган шахснинг лавозими ва фамилияси; ариза берувчи ҳақидаги маълумотлар (фамилияси, исм-шарифи, туғилган

йили, лавозими ва иш жойи, шахсини тасдиқловчи паспорт ёки бошқа ҳужжат, уй манзили); Жиноят кодексининг 237-моддаси бўйича ариза берувчига ёлғон хабар берса, жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида тушунтирилганлиги ва ариза берувчининг имзоси билан тасдиқланганлиги; биринчи шахс (аризачи) номидан ёзилган ариза мазмунининг баёни;

– баённомани ариза билан мурожаат этган шахс ўқиганлиги ва унинг сўзларидан тўғри ёзилганлиги ҳақидаги белги, шунингдек ариза берган шахснинг ва аризани қабул қилган мансабдор шахснинг имзоси.

Фуқароларнинг ёзма аризалари имзоланган бўлиши керак. Аноним ариза, яъни имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган ариза жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўла олмайди. Аноним аризада жиноятларга оид аниқ фактлар мавжуд бўлганда, уни суриштирув органи (ўз ташаббуси билан ёки прокурор, терговчи, суднинг топшириғи бўйича) текшириб чиқиши мумкин. Агар фактлар тасдиқланса, бундай ҳолда суриштирув органларининг жиноят аломатларини бевосита аниқлашлари жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўлади.

Қонуннинг аризани унинг муаллифи имзолаши шарт эканлигига оид талаби жиноят ҳақида маълумотлардан хабар берувчи фуқаронинг жавобгарлигини оширишга, пировардида, жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун асос қилиб олиш мумкин бўлган ишончли фактларни олишга қаратилган. Шу боис, оғзаки ёки ёзма ариза ёхуд хабар олинган ҳар бир ҳолда ариза муаллифининг шахсини аниқлаш жиноят ишини асосли тарзда қўзғатиш учун катта аҳамиятга эга.

Жиноят-процессуал кодексида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар жиноят ишини қўзғатиш учун алоҳида сабаб сифатида ажратилган. Бу жамоатчиликнинг жиноят ишини қўзғатиш босқичидаги иштирокининг аҳамиятидан дарак беради. Улар ёзма шаклда (хизмат хати, тасдиқланган телефонограмма, телеграмма, радиogramма шаклида) баён этилиши мумкин. Хабар юборувчи содир этилган жиноятга оид ҳолатларни тасдиқловчи ўз ихтиёридаги ҳужжатларни хабарга илова қилиб юбориши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари берган хабарлар ҳам жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб бўла олади. Муайян жиноят тўғрисида матбуот, радио ва телевидение, ҳужжатли кинофильмлардаги, шунинг-

дек оммавий ахборот воситаларига йўлланган, лекин эълон қилинмаган хатлардаги хабарлар жиноят ишини кўзғатишга сабаб бўлади.

Жиноят тўғрисидаги хабарни эълон қилган ёки тегишли жойларга юборган оммавий ахборот воситалари, шунингдек бу хабар муаллифлари суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг талабига асосан ўз ихтиёрларида бўлган хужжатларни ва хабарни тасдиқловчи бошқа материалларни тақдим қилишлари шарт. Жиноят-процессуал кодексда жиноят ишини кўзғатиш учун бундай сабабнинг белгиланганлиги суриштирув, тергов органлари, прокуратурага доимий равишда матбуот хабарларини кузатиб бориш ва улар бўйича чора кўриш мажбуриятини юклайди.

Муассаса, корхона ва ташкилотларнинг деворий газеталарида эълон қилинган хабарлар қонунда назарда тутилмаган. Деворий газеталардаги жиноят ҳақидаги хабарлар жиноят ишини кўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш ваколатига эга бўлган органларга маълум бўлиб қолса, тегишли органнинг жиноят аломатларини бевосита аниқлаши бунинг сабаби бўлиб хизмат қилади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз. Бу – ариза берувчининг ўзи содир этган жинояти тўғрисида ички ишлар органлари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга шу жиноят ҳақида хабар келиб тушмасидан, яъни гумон қилинмасидан ва унга айблов эълон қилинмасидан олдин берган хабари. У оғзаки ёки ёзма бўлиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор оғзаки хабарни баённомада акс эттиради, унга арз қилувчининг шахсига доир маълумотлар киритилади ва унда арзнинг мазмуни биринчи шахс номидан баён қилинади. Баённомага арз қилувчи ва суриштирувчи, терговчи, прокурор имзо чекади.

Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арзни суриштирувчи, терговчи, прокурор баҳолайдилар. Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз билан гумон қилинувчи ушланганида ўтказилган сўроқлардан кейинги чин кўнгилдан айбига иқроп бўлишни фарқлаш лозим. Айбини бўйнига олиш тўғрисидаги арз билан мурожаат қилган шахс Жиноят-процессуал кодекснинг 221-моддасида кўрсатилган асослардан бири мавжуд бўлганда ушлаб турилиши мумкин.

Суриштирув органи, терговчи, прокурорнинг жиноят аломатларини бевосита аниқлаши. Ушбу сабабнинг ўзига хос жиҳати шундаки, жиноят ишини кўзғатиш ҳақидаги масала тайёрланаётган ёки содир этилган жиноят ҳақида ариза, хабар ёки хат тушганлиги сабабли эмас, балки суриштирув органи, терговчи, прокурорнинг

ташаббуси билан ҳал қилинади. Жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотларнинг бевосита аниқланиши қуйидаги ҳолларда жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлиши мумкин:

1) суриштирувчи маъмурий вазифани амалга ошираётганида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича суриштирув ўтказиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

2) терговчи бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов юритиш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида;

3) прокурор қонунларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш пайтида ёки бошқа жиноятга доир иш бўйича дастлабки тергов олиб бориш чоғида жиноятга оид маълумотларни аниқлаганида.

Жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларнинг тўлиқ ва қатъий ҳисобга олиб борилишини таъминлаш – жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани тўғри ва қонуний ҳал қилишнинг зарурий шартидир. Жиноятлар ҳақидаги аризалар ва хабарларни рўйхатга олишдан яшириш, жиноятларни ҳар қандай шаклдаги ҳисобдан яшириш, шунингдек уларга нисбатан чоралар кўрмаслик қонунийликни кўпол равишда бузиш бўлиб, айбдорларга нисбатан Жиноят кодексининг 241¹-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чораларни қўллашга олиб келади.

Суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноятга оид маълумотлар олинган ёки бундай маълумотларни бевосита ўзлари аниқлаган ҳар бир ҳолда қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

1) жиноят ишини қўзғатиш ҳақида;

2) иш қўзғатишни рад қилиш ҳақида;

3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида.

Жиноят ишини қўзғатиш асослари. Қонуний сабабдан ташқари, жиноят ишини қўзғатиш учун етарли асослар ҳам мавжуд бўлиши талаб этилади. Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасига мувофиқ, жиноят иши етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда қўзғатилади.

«Жиноят ишини қўзғатиш асослари» деганда, текширилаётган ҳодиса ҳақиқатан содир бўлганлиги ва унда жиноят аломатлари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар, яъни далиллар мавжудлиги эътироф этилади. Жиноят ишини қўзғатиш асослари иккита ўзаро чамбарчас боғлиқ унсурдан ташкил топади:

1) жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал қилишга ваколатли бўлган мансабдор шахсга маълум бўлиб қолган ҳодисада

жиноят аломатларининг мавжудлиги, яъни Жиноят кодекси Махсус қисмидаги муайян жиноят белгилари – моддий-ҳуқуқий асос;

2) жиноят аломатлари мавжудлигини кўрсатувчи етарли маълумотлар тўпланганлиги, далилларнинг мавжудлиги, яъни процессуал-ҳуқуқий асос.

Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш пайтида жиноят таркибининг барча элементлари ҳақида тўлиқ маълумотларга эга бўлиш шарт эмас. Муайян шахсларни, айб шаклини, жиноят содир этилишининг мотивлари, усуллари ва бошқа ҳолатларини тўлиқ ва ҳар томонлама аниқлаш дастлабки тергов босқичининг, кейинчалик эса суд муҳокамасида ҳал этиладиган вазифа ҳисобланади.

Жиноят ишини қўзғатиш асослари мазмунининг зарурий элементи бўлмиш «жиноят аломатлари» тушунчасини таҳлил қилишда жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқнинг чамбарчас алоқадорлиги айниқса ёрқин намоён бўлади. Жиноят аломатларининг аниқланиши Жиноят кодексининг муайян нормасида назарда тутилган (таъқиқланган), ижтимоий хавфли, айбли, жинойий жазоланадиган қилмиш ҳақида етарли маълумотлар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишда жинойий жазога тортиладиган қилмишни маъмурий, фуқаровий-ҳуқуқий ва бошқа муносабатларни юзага келтирувчи ҳаракатлардан фарқлаш имконини берувчи белгиларга алоҳида эътибор бериш керак. Ушбу белгилар, аввало, жиноятнинг объектив томонига тааллуқли бўлиб, жиноят ҳодисасининг ўзи ҳақиқатда мавжуд бўлганлиги ҳақида ҳулоса қилиш имконини беради. Жиноят ишини қўзғатиш чоғида аниқланган жиноят белгиларига мувофиқ, қилмиш Жиноят кодексининг тегишли моддаси бўйича тавсифланади (квалификация қилинади). Жиноят-процессининг кейинги босқичлари давомида ушбу тавсифга, ҳуқуқий баҳога аниқлик киритилиши мумкин.

Жиноят ишини қўзғатиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳақиқий маълумотларни олиш ёки текшириш мақсадида суриштирув органи, терговчи, прокурор муайян терговга қадар текширув ҳаракатларини амалга ошириши мумкин. Ушбу ҳаракатларнинг бутун маъноси ва вазифаси жиноят белгиларининг ва иш юритишни истисно этувчи ҳолатларнинг бор ёки йўқлигини аниқлашдан иборат. Бу ҳолатлардан бири аниқланган заҳоти мос равишда жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорлардан бири қабул қилинади. Текширув ҳаракатлари ҳақиқатан зарур бўлган ҳолларда ва фақат қонунда белгиланган муддатда амалга ошири-

лиши мумкин. Агар сабабда жиноят аломатларини ёки уларнинг йўқлигини кўрсатувчи етарли ҳақиқий маълумотлар мавжуд бўлса, қарор қўшимча текширишсиз қабул қилиниши керак.

Жиноят ишини қўзғатиш асослари бор ёки йўқлигини аниқлаш турли усуллар ёрдамида амалга оширилади, яъни жиноят ҳақидаги ариза ёки хабар текширилади. Терговга қадар текширув доирасида тегишли органга тафтиш ёки инвентаризация ўтказиш ҳақида топшириқ берилиши, илмий билимларни талаб этувчи у ёки бу масалада мутахассис маслаҳати олинishi мумкин. Ваколатли органлар суриштирувчи, терговчи ёки прокурорнинг топшириғига асосан жиноятларни ва уларни содир этган шахсларни аниқлашга қаратилган тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга ҳақлидирлар.

Жиноят ҳақидаги ариза ва бошқа хабарларни кўриб чиқиш (текшириш) натижасида қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

- 1) жиноят ишини қўзғатиш тўғрисида;
- 2) жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисида;
- 3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб жўнатиш тўғрисида.

Қабул қилинган қарор ҳақида аризачига хабар берилади.

Жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш, терговга қадар текширув ўтказиш ва унинг натижаларини баҳолашда қуйидаги масалаларнинг жавобини топиш талаб этилади:

- ариза ёки хабарда акс этган ҳодиса ҳақиқатан содир этилганми;
- содир этилган ҳодисада жиноят аломатлари мавжудми, агар мавжуд бўлса у қайси жиноят;
- жиноят ишини қўзғатишни истисно қиладиган ҳолатлар (Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси, 1-қисми) мавжудми.

Содир этилган ҳодисада жиноят аломатлари мавжудлигини тасдиқловчи далиллар тўпланганда ва иш қўзғатишни истисно қилувчи ҳолатлар мавжуд бўлмаса жиноят ишини қўзғатиш ҳақида қарор чиқарилади. Агарда жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса Жиноят-процессуал кодекси 83-моддасига асосан, жиноят аломатлари мавжуд бўлса-да, иш қўзғатишни истисно қилувчи ҳолатлар аниқланса Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси 1-қисмига асосан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор чиқарилишига олиб келади.

Суриштирувчи жиноят ишини қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилишда суриштирув органи бошлиғи билан келишган ҳолда ҳракатланиши зарур. Суриштирувчи чиқарадиган жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарорлар суриштирув

органи бошлиғи томонидан тасдиқлангандан сўнг қонуний кучга эга бўлади. Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарор ҳам бошқа қарорлар каби уч қисм: кириш, тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Кириш қисмида қарор номи, у тузилган жой ва сана, уни ким (эгаллаб турган лавозими, махсус унвони, фамилияси ва исми-шарифи) ва қайси иш бўйича чиқарганлиги қайд этилади.

Қарорнинг тавсиф-асослантириш қисми муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу қисмда ишни қўзғатиш сабаби ва асослари, яъни ҳодиса тафсилотлари, текширув натижалари, жиноят аломатлари мавжудлигини кўрсатувчи ҳолатлар баён этилади; қабул қилинган қарорнинг асослилигини таъминлайдиган далиллар мазмуни, жиноий қилмишга берилган ҳуқуқий баҳони акс эттирувчи хулоса, яъни Жиноят кодексининг иш қўзғатилаётган жиноятни назарда тутувчи моддаси ифодаланади; қарор чиқаришни талаб этадиган Жиноят-процессуал кодекс моддалари кўрсатилади.

Хулоса қисмида келинган тўхтам, қарор (жиноят иши қўзғатилиши ҳақидаги) баён этилади. Ушбу тўхтам кириш ва тавсиф-асослантириш қисми мазмунидан келиб чиқиши керак. Шунингдек, ушбу қисмда бошқа қарорлар, масалан, иш юритувига киришиш, манфаатдор томонларга хабар бериш ва қарор нусхасини тақдим этиш (прокурорга) ҳақидаги қарорлар ҳам кўрсатилади.

Жиноят ишини қўзғатиш ҳақидаги қарор аниқ, лўнда, қисқа ва асосланган бўлиши зарур. Жумладан, жиноий ҳодиса тафсилотлари ва жиноят аломатлари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар мантикий изчилликда, аниқ ва тушунарли баён этилиши, тўхтамлар ҳам аниқ ва тўғри қайд этилиши керак.

Ҳақиқий ҳолатларга мос, аниқланган маълумотлар билан асослантирилган, мантикий изчилликда юқори саводхонликда расмийлаштирилган қарор жиноят иши самарали юритилишига хизмат қилади.

Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш асослари, иш қўзғатишни рад этиш қарорини расмийлаштириш

Жиноят ишини қўзғатишни рад этиш процессуал фаолиятни инкор этилганлиги ва оралиқ эмас, якуний хусусиятга эга бўлганлиги боис, жиноят белгилари йўқлиги ҳақидаги ишончли маълумотлар ёки жиноят иши бўйича иш юритишни инкор этувчи бошқа ҳолатларнинг ўзи етарли эканлиги ҳақидаги ишончли хулоса асосида

амалга оширилади. Терговга қадар текширув вақтида жиноят иши қўзғатишни истисно этувчи ҳолатлар аниқланиши мумкин.

Жиноят иши қўзғатиш тергов ўтказилиши лозим бўлган жиноий ходиса юз бермаганлиги, шахснинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги, шунингдек, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги, айбланувчи, судланувчи вафот этганлиги, шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёхуд ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори мавжудлиги, иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти йўқлиги, шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлиги, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилганлиги ҳамда бу шарт бажарилганлиги аниқланган тақдирда суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида қарор чиқаради. Эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлганда эса иш қўзғатишни рад этиш суд ажримига асосан ҳал этилади. Бу ҳақда хабар берган фуқаро, корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмаси ёки мансабдор шахс хабардор қилинади. Бунда уларга қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим. Қарор қонуний ва асосланган бўлиши керак.

Жиноят ишини қўзғатишни рад қилишда ҳам худди жиноят ишини қўзғатиш ҳақида қарордаги сингари кириш ва тавсифловчи маълумотлар бўлади. Шундан кейин унда жиноят ишини қўзғатишни рад қилишни асословчи аниқ маълумотлар келтирилади.

Иш юритишни инкор этувчи ҳолатлар мавжудлиги туфайли жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарорга терговчи тегишли шахснинг ҳаракатларида маъмурий, интизомий ва бошқа ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги хабарлар борасида чоралар кўриш ҳақидаги масалани Жиноят-процессуал кодекс 334-моддасига биноан ҳал этади. Мазкур модданинг биринчи қисмига кўра: «Келиб тушган хабарда жиноят ҳақида эмас, балки маъмурий, интизомий ёки бошқа ҳуқуқбузарлик ёхуд ахлоқ нормалари бузилганлиги ҳақида

маълумот бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш билан бир пайтда хабарни ҳуқуқни бузган шахсга нисбатан маъмурий, интизомий жавобгарлик ёки жамоат таъсир чоралари қўллаш учун ҳуқуқни бузган шахс ишлайдиган ёки ўқийдиган жой маъмуриятига, унинг турар жойидаги жамоага, жамоат бирлашмасига ёки вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга, тегишли ваколатларга эга бўлган давлат органи ёки мансабдор шахсга юборади». Айни пайтда ЖПКда интизомий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар оқибатида етказилган зарар қай тарика ундирилиши лозимлиги, кўриб чиқиш натижалари ҳақида қаерга хабар қилиш кераклиги ҳам кўрсатилади. Жумладан Жиноят-процессуал кодекс 334-моддаси иккинчи қисмига кўра: «Келиб тушган хабарда фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, уй-жой, оилавий ёки бошқа ҳуқуқлари бузилганлиги, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларининг фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида қўриқланадиган қонуний манфаатлари бузилганлиги кўзга ташланса, унда ишни қўзғатишни рад қилиш билан бир вақтда манфаатдор шахсларга судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари ва тартиби тушунтирилиши лозим. Башарти улар маълум сабабларга кўра, суд орқали ўзларини ҳимоя қилишни сўраш имкониятига эга бўлмасалар, прокурор бундай шахсларни ҳимоя қилиб, судга ариза билан мурожаат этишга ҳақлидир».

Агар жиноят ишини қўзғатиш шахсининг жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаганлиги туфайли рад этилган бўлса, материалларни вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланадиган комиссияга юбориш мумкин.

Жиноят иши қўзғатиш рад этилган тақдирда манфаатдор шахслар ва муассасаларга зарарни ундириш тартиби ҳам тушунтирилади, олиб қўйилган жиноят қуроллари, муомалага киритиш тақиқланган буюмларга нисбатан чоралар ҳақида қарор қабул қилинади.

Жиноят-процессуал кодекснинг 84-моддаси биринчи қисмининг 2-бандида (эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса) назарда тутилган ҳолат аниқланган тақдирда, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш масаласи Жиноят-процессуал кодекснинг 63-бобида назарда тутилган қоидаларга биноан суд томонидан ҳал этилади.

Жиноят-процессуал кодекснинг 83-моддасига мувофиқ, қуйидаги ҳолларда жиноят ишини қўзғатиш мумкин эмас ва иш қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор чиқарилиши лозим:

1) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) қилмишда жиноят таркиби бўлмаса.

ЖПКнинг 84-моддасига мувофиқ:

1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;

2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;

3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;

4) айна бир жиноятни содир этганликда илгари гумон қилинган ёки айбланган шахсга нисбатан жиноят ишини тугатиш ҳақидаги суднинг ажрими ёхуд терговчи, прокурорнинг қарори қонуний кучга кирган бўлса;

5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;

6) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

7) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса;

8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса.

Жиноят-процессуал кодекснинг 84-моддаси биринчи қисмининг 1, 2, 3 ва 8-бандларида назарда тутилган ҳолларда, агар айбланувчи, судланувчи ёки вафот этган айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари талаб қилса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳукм қилиш учун асослар мавжуд бўлса, айблов ҳукми жазо тайинланмасдан чиқарилади.

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш қарори ҳам худди жиноят ишини қўзғатиш ҳақида қарордаги сингари кириш ва тавсиф-асослантириш ва хулоса қисмларидан иборат бўлади. Унда жиноят иши қўзғатишни рад қилишни асословчи аниқ маълумотлар келтирилади. Жиноят ишини қўзғатиш асоссиз равишда рад қилинган тақдир-

да прокурор ўз қарори билан терговчи ёки суриштирув органининг нотўғри қарорини бекор қилиши ва жиноят иши қўзғатиши мумкин.

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш жиноят ҳодиса билан боғлиқ текширув материалларини икки асосга кўра ҳал этиш бўлиб, биринчидан хабарда акс этган маълумот асоссиз ёки жиноят ҳақида бўлмаганда иш юритувини тамомлаш, иккинчидан жавобгарликни айблилик масаласига ойдинлик киртилмасдан ҳал этиш мумкин бўлганда иш юритувини тамомлашни тақозо этади. Шу билан бирга заруриятсиз расмиятчилик ва қоғозбозликнинг олдини олишга хизмат қилади. Таъкидлаш жоизки, жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор қонуний ва асосланган бўлиши шарт акс ҳолда жиддий қонун бузилиши юз бериб, шахс ҳуқуқлари поймол бўлишига олиб келиши мумкин.

Жиноятга оид материалларни амнистия актига асосан ҳал этиш ҳамда терговга тегишлилигига кўра юбориш тартиби

«Амнистия» атамаси юнонча «amnestia» сўзидан олинган бўлиб, кечириш, гуноҳдан ўтиш¹ каби маъноларни англатади. Амнистия – бу олий давлат ҳокимияти органининг хусусий ҳужжати, айрим шахсларни жиноий жазодан озод қилиш, жиноят ишини тугатиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қароридир.

Амнистия акти ўзининг моҳиятига кўра – маъмурий ҳуқуқ-бузарлик ёки жиноят содир қилган шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан тўлиқ ёхуд қисман озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликнинг олиб ташланишини англатади. Шунингдек, амнистия акти муайян тоифа шахсларга нисбатан давлат томонидан кўрсатиладиган инсонпарварлик ифодасидир. Қолаверса, амнистия актини қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад жиноят содир этган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўлламаган ҳолда уларнинг ахлоқан тузалиши учун имконият бериш ёхуд бундай чоралар қўлланилган шахслар ҳолатини енгиллаштиришдир.

Амнистия акти асосида жиноий жавобгарликдан озод этишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

– амнистия акти асосида жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш ваколатига фақат суд органлари эга;

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. I жилд. – Т., 2000. – Б.288.

– эҳтиётсизликдан жиноят содир этган ёки қилмишидан пушаймон шахсларга жавобгарлик ва жазодан озод бўлиш имкониятини юзага келтиради. Шунингдек, амнистия акти асосида жиноят ишини қўзғатишни рад этиш асосида жавобгарликдан озод бўлган шахс «судланмаган» бўлиб ҳисобланади;

Жиноят-процессуал кодекснинг 587-моддасида шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала кўрилаётганда, терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини суриштирувчи, терговчи томонидан прокурорга юбориш тартиби белгиланган. Унга кўра, амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи терговга қадар ўтказилган текширув материалларини қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборади. Амнистия актини қўллаш учун асосларга амнистия актининг қабул қилинганлиги ва терговга қадар ўтказилаётган текширув материаллари ёки жиноят иши ёхуд текширувга жалб қилинган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчининг ушбу амнистия акти таъсир доирасига тушиш ҳолатини киритиш мумкин.

Агар бир нечта шахсга нисбатан жиноят иши бўйича улардан лоақал биттаси амнистия актининг таъсир доирасига тушса, унга нисбатан жиноят ишининг қисми амнистия актини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритиш учун Жиноят-процессуал кодекснинг 332-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан алоҳида иш юритишга ажратилиши мумкин.

Жиноят-процессуал кодекснинг 332-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан, бир ёки бир неча жиноятни биргалашиб содир этишда айбланаётган шахсларга нисбатан ишни ажратишга, башарти бу иш ҳолатлари бўйича зарур бўлиб қолса ҳамда бундай ажратиш суриштирувнинг, дастлабки терговнинг ва суд томонидан ишни кўриб чиқишнинг тўлиқ ва холисона бўлишига таъсир қилмаса, йўл қўйилади. Тергов қилинаётган жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган янги жиноят аниқланган тақдирда, жиноят ишининг мазкур ҳолатга доир қисми жиноят иши қўзғатилган ҳолда алоҳида иш юритувга ажратилади.

Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза терговга қадар текширув қайси шахсга нисбатан ўтказилаётган бўлса, ўша шахс

томонидан, тегишинча терговга қадар ўтказилган текширувнинг исталган босқичида берилиши мумкин.

Агар шахснинг ҳаракатлари бир хил ҳуқуқий оқибат туғдирувчи, яъни шахсни фақат жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод этишни ёхуд жазо қўлланилиши истисно этилишини назарда тутувчи бир неча амнистия акти таъсири доирасига тушса, суд шахс содир этган охириги жиноятдан кейин кучга кирган амнистия актини қўллаши керак.

Бироқ, агар амнистия актларида фақат жазо муддатлари камайтирилиши назарда тутилган бўлса, барча амнистия актлари хронологик кетма-кетликда қўлланилиши лозим.

Шахснинг ҳаракатлари турлича ҳуқуқий оқибат туғдирувчи, яъни айримлари шахсни жиноий жавобгарликдан, бошқалари эса жазодан озод этишни ёки жазо муддатлари камайтирилишини назарда тутувчи бир неча амнистия акти таъсири доирасига тушган ҳолларда шахснинг аҳволини кўпроқ яхшилайдиган амнистия акти қўлланилиши керак.

Қонунга кўра амнистия актини қўллаш учун жабрланувчининг розилиги талаб этилмайди. Суриштирувчи, терговчи тақдимномаси, прокурорнинг илтимосномаси, суднинг амнистия актини қўллаш тўғрисидаги қароридан норози бўлган жабрланувчи улар устидан умумий асосларда шикоят бериши мумкин.

Прокурор суриштирувчининг, терговчининг тақдимномаси асослилигини текшириб унга рози бўлган тақдирда, амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимосномани терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёхуд жиноят иши билан бирга судга юборади. Прокурор илтимосномани терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёки жиноят иши унга келиб тушган кундан эътиборан беш суткадан кечиктирмай судга юбориши лозим.

Жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун асослар бўлмаган тақдирда, прокурор терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини суриштирувчига ёхуд терговчига қайтариш ҳақида асослантирилган қарор чиқаради. Прокурорнинг қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят берилиши мумкин.

Чиқарилган амнистия акти асосида судга қадар иш юритиш тартибига кўра қуйидаги процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилади:

- амнистия мазмуни, шартлари ва ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш баённомаси;
- шахснинг аризаси;
- амнистия актини қўллаш учун ишни судга юбориш ҳақида илтимоснома киритиш тўғрисидаги тақдимнома.

Терговга қадар тўпланган текширув материаллари бўйича амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, Жиноят-процессуал кодекс 84-моддаси иккинчи қисми ва 333-моддаси учинчи қисми талабларидан келиб чиққан ҳолда, суриштирувчи, терговчи қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг, иш кўзғатишни рад этишга қарши ёки қарши эмаслигини аниқланиш талаб этилади. Фикримизча, айнан мазкур ҳаракат (қарши ёки қарши эмаслигини аниқлаш) баённома тузиш йўли билан расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқ. Баённомада суриштирувчи, терговчи қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, ўша шахсга агар жиноят иши кўзғатишни рад этишга норози бўладиган бўлса, ишни юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкинлигини тушунтириб ўтиши шарт. Бу тартиб Жиноят-процессуал кодекс 587-моддасида белгиланмаган, аммо жиноят ишларини юритишнинг умумий талабларига кўра шу тарзда ҳаракатланиш мақсадга мувофиқ.

Амнистия акти қўлланилаётган шахсга амалдаги ЖПКнинг 84 ва 333-моддалари талабларини тушунтириш давомида, агар амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала кўрилаётган шахс ўзининг айбсизлигини эътироф этган ҳолда, жиноят иши кўзғатишни рад этишга эътироз билдириб, иш юритуви умумий тартибда давом эттирилишини талаб қилса, унинг бу талаби қаноатлантирилиши лозим.

Амалдаги ЖПКнинг 587-моддаси биринчи қисми ва 588-моддасига мувофиқ, амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи терговга қадар ўтказилган текширув материалларини қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала қўйилаётган бўлса, ўша шахснинг аризасини олиши шарт.

Бу ҳолатда ариза икки хил мазмунда бўлиши мумкин. Биринчиси, шахснинг амнистия актига мувофиқ, жиноят иши кўзғатиш рад этилишига қарши эмаслигини ифодаласа, иккинчиси эса, аксинча, юқорида қайд этилган шахсларнинг айнан мазкур ҳолатда қонуннинг ушбу нормасини қўлланилишига қарши эканлигини ўзида акс эттиради.

Агар шахс (у вафот этган ҳолда - яқин қариндошларидан бири) эътироз билдирса, амнистия актига мувофиқ жиноят иши қўзғатишни рад этишга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолда жиноят иши қўзғатилиб, иш юритиш умумий тартибда олиб борилади.

Демак, терговга қадар тўпланган материаллар ёки жиноят иши бўйича амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, жиноят иши қўзғатишни рад этиш қарори чиқарилиши ёки чиқарилмаслигидан қатъий назар мазкур ишда ўша шахснинг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг аризаси (қарши ёки қарши эмаслиги) бўлиши шарт.

Жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатишга қарши эмаслигини ифодаловчи аризани олгач амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома чиқарилади. Тақдимномада ҳодиса тафсилотлари, текширув натижалари, ҳодисанинг Жиноят кодекси тегишли моддасида белгиланган жиноят аломатлари мавжудлиги, ушбу жиноят ва уни содир этган шахс амнистия таъсирига тушишлиги ҳамда мазкур шахснинг амнистия асосида жиноят иши қўзғатишни рад этишга розилиги, шунга кўра амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатиш рад этиш мақсадга мувофиқлиги, бу ҳақда судга илтимоснома киритиш зарурлиги баён этилади ҳамда судга илтимоснома киритиш сўралади. Тақдимнома тўпланган материаллар билан бирга прокурорга юборилади.

Тақдимнома мазмуни билан танишган прокурор, агар унга рози бўладиган бўлса, иш унга келиб тушган кундан эътиборан амнистия актига асосан жиноят иши қўзғатишни рад қилиш тўғрисида беш суткадан кечиктирмай судга илтимоснома киритади.

Жиноятга оид материалларни терговга тегишлилигига қараб юборишнинг процессуал тартиби

Баъзи ҳолатларда ички ишлар органларига Жиноят-процессуал кодекснинг 345-моддасида белгиланган терговга тегишлилик қоидаларига асосан дастлабки терговни ўтказиш ички ишлар органлари тергов аппаратининг ваколатига кирмайдиган ариза, хабар ёки ҳатто материаллар келиб тушади. Бундай ҳолларда аризани ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юборишга ушбу туман ёки шаҳар ҳудудидан ташқарида содир этилган жиноят ҳақида хабар берилган ва жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун текширув ҳаракатларини жиноят содир этилган туман ёки шаҳарда ўтказиш зарур бўлган ҳоллардагина йўл қўйилади. Бошқа ҳолларда ариза ёки

хабарни, жумладан материални терговга тегишлилигига қараб бир тергов органидан бошқасига бериш таъқиқланади. Ариза ёки хабарни терговга тегишлилик қоидаларига асосан кўриб чиқиш тартиби суриштирув ва тергов органлари зиммасидаги вазифаларни тўғри тақсимлаш ва ишни самарали ҳамда тўғри ташкил этиш мақсадида белгиланган. Келиб тушган жиноят ҳақидаги ариза ёки хабарни текшириш давомида унда акс этган ҳодиса бошқа туман ёки шаҳар ҳудудида содир этилганлиги аниқланганда терговга қадар текширув ўтказётган суриштирувчи ёки терговчи ариза ёхуд хабарни ўтказилган текширув материаллари билан бирга тегишлилигига кўра юбориш ҳақида қарор чиқаради. Қарорда ариза ёки хабар қандай асосга кўра юборилаётганлиги кўрсатилиши керак.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар:

1. Жиноят ишини қўғатиш босқичи деганда нимани тушунасиз?
2. Жиноят ишини қўғатиш босқичининг вазифаларини санаб беринг.
3. Жиноят ишини қўғатиш сабаблари деганда нимани тушунасиз? Жиноят ишини қўғатиш сабабларини санаб беринг.
4. Жиноят ишини қўғатиш асослари деганда нимани тушунасиз? Жиноят ишини қўғатиш асосларига мисол келтиринг.
5. Жиноят ишини қўғатиш масаласи қандай ҳал этилади?
6. Жиноят ишини қўғатишни рад этиш асослари деганда нимани тушунасиз?
7. Жиноят ишини қўғатишни рад этиш асосларини санаб беринг.
8. Жиноят иши қўғатишни рад этиш тартиби қандай?
9. Жиноятга оид материалларни амнистия актига асосан ҳал этиш деганда нимани тушунасиз?
10. Жиноятга оид материалларни амнистия актига асосан ҳал этиш тартиби қандай?
11. Жиноятга оид материалларни терговга тегишлилигига кўра юбориш деганда нимани тушунасиз?
12. Жиноятга оид материалларни терговга тегишлилигига кўра юбориш тартиби қандай?

V боб. СУРИШТИРУВ ЖАРАЁНИДА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАС ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ

«Тергов ҳаракатлари» тушунчаси, уларнинг tizими ва турлари

Жиноят-процессда тергов ҳаракатларига тушунча беришдан аввал, тергов ҳаракатларини ўтказишдан кўзланган мақсадни тушуниб олиш лозим. Маълумки содир этилган жиноят ҳақида хабар олинганидан сўнг ёки бошқа йўллар билан жиноят содир этилгани аниқлангач, ушбу жиноятни очиш, жиноят содир этган шахсларни фош этиш, уларнинг жиноий фаолиятларини давом эттиришларига барҳам бериш, айбдорларга кейинчалик суд томонидан адолатли жазо белгилаш, айбсиз шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилишига ва жазоланишига йўл қўймаслик ҳамда адолат қарор топишига қаратилган тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар амалга оширилади. Бунинг учун айбдор шахсларни айбини тасдиқловчи далилларни тўплаш ва қонун талаблари асосида исботланган бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 85-моддасида «исбот қилиш» тушунчаси берилган бўлиб, унга кўра «исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат» деб таърифланган.

Жиноят-процессда исботлаш жиноят ишни кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этиш вазифаси топширилган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади.

Исбот қилиш ҳуқуқи – жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлаш мақсадида тергов тусмолларини илгари суриш, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан бевосита боғлиқ бўлган процессуал фаолиятни ва унинг давомида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар мажмуи. Исботлаш ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ тармоғи эмас, балки жиноят-процессуал ҳуқуқнинг қисмидир. Унинг нормалари бошқа процессуал нормалар билан боғлиқ бўлиб, процесснинг барча босқичларида қўлланилади.

Жиноят иши учун аҳамиятли бўлган маълумотга эга ашёлар ва изларни қидириш учун аввало жиноят ҳақидаги хабарда ёки хабарни текшириш натижасида маълум бўлган ҳодиса тафсилотларини

тахлил қилиб, айнан қайси ашёлар ва излар қидирув объектлари бўлиши зарурлиги ҳақида тўғри тўхтамга келиш, шундай ашёлар ва излар айнан қаерларда бўлиши мумкинлигига ҳам ойдинлик киритиш талаб этилади. Исбот қилиш ва далилларни тўплаш тергов ҳаракатларини ўтказиш орқали амалга оширилади. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида тергов ҳаракатларига аниқ таъриф бериб ўтилмаган бўлса-да, тергов ҳаракатларини ўтказишдан мақсад ва уларга қўйиладиган талаблардан келиб чиқиб, тергов ҳаракатларига қуйидагича таъриф бериш мумкин: *Тергов ҳаракатлари деганда* жиноят ишини ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ҳал қилиш мақсадида иш учун аҳамиятли бўлган далилларни аниқлаш, тўплаш, текшириш ва мустаҳкамлаш учун ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар тушунилади.

Жиноят-процессуалда ўтказиладиган ҳаракатлар далилларни аниқлаш, текшириш ва қайд этиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилишда фойдаланадиган ва тадқиқот хусусиятига эга бўлган тергов ҳаракатлари ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган бошқа ҳаракатларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида белгиланган ва бевосита далилларни аниқлаш, тўплаш ва текшириш учун ўтказиладиган тергов ҳаракатларига қуйидагилар киради:

- 1) кўздан кечириш;
- 2) экспертиза;
- 3) сўроқ қилиш;
- 4) юзлаштириш;
- 5) кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;
- 6) таниб олиш учун кўрсатиш;
- 7) гувоҳлантириш;
- 8) эксперимент;
- 9) олиб қўйиш;
- 10) тинтув;
- 11) нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш;
- 12) телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш;
- 13) почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш;
- 14) мурдани эксгумация қилиш;
- 15) экспертиза текшируви учун намуналар олиш;
- 16) тафтиш.

Тергов ҳаракатларини бирламчи мақсадига кўра қуйидаги тергов ҳаракатларига ажратиш мумкин:

- далилларни тўплашга қаратилган;
- тўпланган далилларни текширишга қаратилган;
- бошқа тергов ҳаракатини ўтказиш учун шароит яратишга қаратилган.

Бирламчи мақсади далилларни тўплашга қаратилган тергов ҳаракатларига: кўздан кечириш, тафтиш, сўроқ қилиш, олиб қўйиш, тинтув, телефон ва бошқа сўзлашув қўрилмалари олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиш, нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш, почта телеграф жўнатмаларини хатлашни киритиш мумкин.

Бирламчи мақсади далилларни текширишга қаратилган тергов ҳаракатларига: кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент, юзлаштириш, экспертиза, гувоҳлантиришни киритиш мумкин.

Бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишга шароит яратишга қаратилган тергов ҳаракатларига экспертиза текшируви учун намуналар олиш, мурдани эксгумация қилиш (тафтиш, нарсаларни талаб қилиб олиш) киради.

Тергов ҳаракатларининг ҳуқуқий мазмуни умумий мақсадга кўра ўхшаш бўлса-да, улар шакли, объекти, ўтказиш тартиби ва хусусиятларига кўра фарқ қилади. Кўздан кечириш – кўриш ва кўриқдан ўтказиш; экспертиза – махсус тадқиқот ўтказиш; сўроқ қилиш – суҳбат ва савол-жавоб; юзлаштириш – икки киши билан қайта сўроқ ўтказиш; кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш – ҳодиса содир бўлган жойда қайта сўроқ ўтказиш; таниб олиш учун кўрсатиш – таърифланган объектни кўрсатиб қайта сўроқ қилиш; гувоҳлантириш – шахс баданини кўздан кечириш; эксперимент – кўрсатмаларни тажриба ҳаракатларини ўтказиш орқали текшириш; тинтув – объектни қидириб топиш ва олиш; олиб қўйиш – объектни турган жойидан олиш; тақдим қилиш – ихтиёрий топшириш; телефон сўзлашувларини эшитиб туриш – сўзлашувларни ёзиб олиш ва эшитиш; почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш – жўнатмаларни ушлаб туриш ва кўздан кечириш; намуналар олиш – объектнинг изидан ва таркибидан намуна ёки нусха олиш; тафтиш молия-хўжалик ҳужжатларидаги қайдлар билан таққослаган ҳолда мавжуд товар-моддий бойликлар ва валютани ҳисоб-китоб қилиш; эксгумация – мурдани қабрдан қазиб чиқаришдир. Тергов ҳаракатлари нафақат дастлабки тергов босқичида, балки, терговга қадар текширув даврида, суриштирув даврида ва ишни судда кўриб чиқиш вақтида ҳам ўтказилади. Жиноят иши кўзғатилгунга қадар

ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза, тафтиш ва ҳужжатлар (тушунтириш хати)ни тақдим этиш, шунингдек жиноят содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаш чоғида шахсий тинтув каби саноклигина тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкин. Тергов ҳаракатлари натижасида далиллар тўпланиши ва ушбу далиллардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлишини таъминлаш учун ҳар бир тергов ҳаракатини ўтказиш тартибига қатъий амал қилиш, тергов ҳаракати жараёни ва натижалари тўғри расмийлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари ҳар бир жиноят ишининг ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилади. Юқорида санаб ўтилган тергов ҳаракатлари алоҳида олганда жиноят ишини тез ва тўла очиш, жиноят содир этган шахснинг айбини фош этишдаги аҳамияти кўра кечиктириб бўлмас хусусиятга эга. Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари Жиноят-процессуал кодексда акс этмаган бўлса-да, суриштирув органи ёки суриштирувчи жиноятга оид тусмолларини текширишида қайси турдаги тергов ҳаракатини кечиктирмасдан ўтказиш зарурлигига эътибор қаратади. Бундан кўзланган мақсад жиноятни очиш ва фош этиш ҳисобланади.

«Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари» тушунчаси ва аҳамияти

Кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари тўғрисида турли фикрлар билдирилган бўлиб, масалан, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, «кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини амалга ошириш жиноятни тергов қилишнинг кўриниши эмас, балки мустақил институт сифатида юзага чиқади. Унинг мазмуни шундаки, суриштирув органи томонидан жиноят ишини қўзғатиш, жиноят изларини топиш ва далилларнинг аҳамияти йўқолмасдан уларни мустаҳкамлашга қаратилган бирламчи тергов ҳаракатларини амалга оширишдир»¹. Ушбу фикр бирмунча мунозарали бўлиб, унчалик тушунарли эмас.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 96-212-моддаларида тергов ҳаракатлари батафсил кўрсатиб ўтилган бўлса-да, уларнинг қайси бирлари кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари саналиши белгилаб берилмаган.

¹ *Арестова Е.Н.* Производство органами дознания неотложных следственных действий // Российский Следователь. – 2003. – №10. – С.5-6.

«Қайси тергов ҳаракатларини кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларига киритса бўлади» деган саволга жавоб излаб кўрамиз.

Баъзи тоифадаги жиноятларни тергов қилишда, иш дастлаб маълум тергов ҳаракатларини бажаришдан бошланса, бошқаларини тергов қилишда ўзгача ёндашув талаб қилиниб, дастлабки тергов бошқа бир турдаги тергов ҳаракатларини бажаришдан бошланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари – юзага келган ҳолат туфайли пайсалга солмасдан ёки тезкорлик билан ўтказиладиган тергов ҳаракатларидир.

Қонунчилигимизда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг рўйхати ва турлари ҳақида сўз юритилмаган. Демак, суриштирувчи ўз юритувидаги ишнинг хусусияти ва мураккаблигидан келиб чиқиб, қайси тергов ҳаракатларини биринчилар қаторида бажаришини ўзи белгилаб олиши лозим бўлади.

Қонунчиликда кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларининг рўйхатини белгилаб берилмагани тўғри қилинган, чунки муайян ҳодисани текширишда айнан қайси тергов ҳаракатлари кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатлари бўлишини олдиндан белгилаш жуда мушкул вазифа. Қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари деганда содир этилган жиноятнинг (ҳодисанинг) хусусиятлари, яъни содир этиш усули, жойи, вақти, уни содир этган шахснинг кимлиги, шунингдек жиноят аниқлангунга қадар ўтган вақтни ҳисобга олган ҳолда ушбу жиноятни очиш ва фош этиш мақсадида тез ва мантиқий изчилликда амалга оширилиши талаб этиладиган тергов ҳаракатлари тизими тушунилади.

Суриштирувчи тергов ҳаракатларидан қайси бирларини биринчи навбатда ўтказиш масаласини ҳал этишда, ушбу тергов ҳаракатлари ўтказилиши кечиктирилганда ундан кутиладиган натижа ижобий бўлмаслигини, ҳамда ҳақиқатни аниқлаш учун хизмат қилиши мумкин бўлган излар ва маълумотлар йўқолиши мумкинлиги инобатга олиниши лозим.

Ҳозирги кунда суриштирув жараёнида кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари сифатида асосан қуйидаги тергов ҳаракатлари ўтказилади:

- ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;
- сўроқ қилиш;

- юзлаштириш;
- экспертиза;
- тафтиш;
- олиб қўйиш;
- тинтув ўтказиш;
- кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш;
- гувоҳлантириш;
- таниб олиш учун кўрсатиш;
- эксперимент.

Кўздан кечириш деганда, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни (ҳодиса тафсилотлари ва оқибатларини) аниқлаш, жиноят излари, ашёвий далилларни топиш мақсадида ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, тева-рак-атрофни, биноларни, нарса ва ҳужжатларни кўриқдан ўтказиш (кўриш, қўл билан ушлаш, ҳидлаш), кузатиш орқали билиш ва қайд этиш жараёнидан иборат тергов ҳаракати тушунилади.

Сўроқ қилиш – бу Жиноят-процессуал кодексда қайд этилган, жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларини олиб бориш топширилган ваколатли шахс томонидан ўзининг юритувидаги жиноят иши бўйича аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисида маълумотларга эга шахслардан, ушбу оғзаки маълумотни кўрсатув сифатида олиш ва мустаҳкамлаш мақсадида суҳбат ва (ёки) савол-жавоб шаклида амалга ошириладиган билиш ва тасдиқлаш жараёнидан иборат тергов ҳаракатидир.

Юзлаштириш – бу илгари сўроқ қилинган икки шахс кўрсатувлари ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда, бу қарама-қаршиликларнинг сабабини аниқлаш учун ўтказиладиган икки шахсни бир вақтда сўроқ қилишдир. Юзлаштириш аслида сўроқ қилишнинг турларидан биридир. Унда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳ сўроқ қилинишлари мумкин.

Экспертиза – бу иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни фан, техника, санъат ёки муайян касб соҳасида билимга эга шахс томонидан махсус текширув (тадқиқот) ўтказиш орқали олишдан иборат тергов ҳаракати тушунилади. Соддароқ таърифлаганда оддий кўз билан кўриб, қўл билан ушлаганда англаш қийин бўлган маълумотларни кўпчилик учун тушунарли тарзда (ёзма) ифодалаш жараёни тушунилади.

Тафтиш деганда, иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни текшириладиган юридик шахслар ва яқка тартибда-

ги тадбиркорларнинг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларини ўрганиш ҳамда таққослаб кўриш йўли билан олиш мақсадида ўтказиладиган процессуал ҳаракатлар тушунилади. Тафтиш суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан тайинланади.

Олиб кўйиш деганда, ишдаги мавжуд далилларга кўра жиноят иши учун аҳамиятга молик нарса ва ҳужжатларнинг айнан кимда ва қаерда эканлиги ҳақидаги маълумотлар бўлганда ва ушбу нарса ва ҳужжатларни қидириш зарур бўлмаганда, уни турган жойидан олишдан иборат тергов ҳаракати тушунилади.

Тинтув деганда, кўрсатувлар ёки бошқа далилларга кўра муайян жойдалиги аниқ бўлган, иш учун аҳамиятга эга нарса ёки ҳужжатни кейинчалик ишга ашёвий ёки ёзма далил сифатида кўшиб кўйиш учун турган жойини қидириб топиш ва олиш жараёни тушунилади.

Кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш деганда гумон қилинувчи, айбланувчи (судланувчи), гувоҳ ва жабрланувчининг кўрсатмаларини ишга оид ҳодиса содир бўлган жойда ҳолатларни қайта тиклаш йўли билан қайта сўроқ қилиш орқали текшириш тушунилади.

Гувоҳлантириш шахснинг баданидаги алоҳида белгилар, доғлар, тан жароҳатлари, жисмоний ривожланганлиги тўғрисидаги маълумотлар, мастлик ҳолати ёки жиноят иши учун аҳамиятли бошқа хусусиятларни аниқлаш учун суд экспертизасини ўтказиш талаб этилмайдиган ҳолларда ўтказиладиган, жиноятнинг очилишига ёрдам берадиган мажбурий тергов ҳаракатидир. Гувоҳлантириш деганда иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни (ҳодиса тафсилотлари ва оқибатларини) аниқлаштириш, жиноят изларини топиш мақсадида тирик инсонни кўрикдан ўтказиш (кўриш, қўл билан ушлаш, ҳидлаш), кузатиш орқали билиш ва қайд этиш жараёнидан иборат тергов ҳаракати тушунилади.

Таниб олиш учун кўрсатиш деганда гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг бирор шахс ёки нарса тўғрисида берган кўрсатув муайян бир шахс ёки муайян бир нарсага оид эканлигини суриштирувчи, терговчи ёки судга маълум бўлган кўплаб шахс ёки нарсалар орасидан кўрсатувда тасвирлаб берилган шахс ёки нарсани топиши учун уларни кўрсатиш орқали сўроқда берилган кўрсатувни текшириш жараёни тушунилади.

Эксперимент тергов ҳаракати деганда, кўрсатувлар, далиллар ва тусмолларни текширилаётган ҳодиса содир бўлган шароит ва

ҳолатларни қайта тиклаш, муайян ҳаракатларни қайта бажариш орқали, шунингдек тажриба ҳаракатларини ўтказиш орқали текшириш жараёни тушунилади.

Экспертиза текшируви учун намуналар олиш деганда, кейинчалик экспертиза тайинлаш ва текшириш объекти сифатида экспертга тақдим этиш мақсадида тирик инсоннинг, мурданинг, ҳайвоннинг, ўсимликнинг, буюмнинг, материалнинг ёки модданинг хусусиятларини ақс эттирувчи намуналар олиш тушунилади.

Тирик одамдан: биологик – қон, соч, сўлак, инсон организмидан ажралиб чиқадиган моддалар; психофизик – дастхат; анатомик – тери нақшининг чизиқлари, тиш қолиплари; овоз хусусиятлари ва касб малакасини ақс эттирувчи намуналар олинади. Мурдадан ҳам биологик ва анатомик намуналар олинади.

Ҳайвоннинг териси, жуни, туёқ излари, ахлатидан намуналар олинади. Ўсимлик, буюм, материал ва моддалардан намуна сифатида уларнинг тадқиқот учун зарур бўлган миқдордаги қисми (икки, уч дона, бир неча грамм) олинади.

Намуналар олиш экспертиза тадқиқоти учун зарур бўлганда ва икки ҳолатда амалга оширилади: биринчиси, намунанинг ўзини чуқур тадқиқ этиш, иккинчиси аввал тадқиқ этилган предмет билан таққослаш, яъни айнанлаштириш мақсадида.

Телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш деганда иш учун аҳамиятга эга маълумотларни олиш мақсадида гумон қилинувчи, айбланувчи (судланувчи) ва ўзларининг розилиги билан гувоҳ ва жабрланувчиларнинг телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилган сўзлашувларини эшитиш ва тегишли овоз ёзиш мосламалари орқали ёзиб олиш жараёни тушунилади.

Мурдани эксгумация қилиш деганда кўздан кечириш, таниб олиш, экспертиза ўтказиш ёки экспертиза учун намуналар олиш мақсадида мурдани қабрдан чиқариб олиш ва қайта кўмиш жараёни тушунилади.

Нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш деганда, иш учун аҳамиятга молик бўлган ёки аҳамиятга эга бўлиши мумкин бўлган нарса ва ҳужжатларни ишга қўшиб қўйиш мақсадида, унинг эгаси ташаббуси билан ёки ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи ёки суднинг талабига кўра тақдим этилиши тушунилади.

Тақдим этиш ҳаракати икки хусусиятига кўра турларга ажратилади:

1) тақдим этиладиган объектга кўра;

2) ташаббус субъектига кўра.

Тақдим этиладиган объектга кўра икки турга бўлинади:

– нарсаларни тақдим этиш;

– ҳужжатларни тақдим этиш.

Ташаббус субъектига кўра ҳам иккига бўлинади:

1) нарса ва ҳужжат эгасининг ташаббусига кўра тақдим этиш;

2) суриштирувчи, терговчи ёки суднинг талабига кўра тақдим этиш.

Тақдим этиш ҳаракати ҳам далилларни тўплашга, ҳам келгуси тергов ҳаракатларини ўтказиш учун шароит яратишга хизмат қилади. Далилларни тўплаш мақсадида ўтказилган тақдим этиш натижасида олинган нарса ва ҳужжатлар белгиланган тартибда ишга қўшиб қўйилади.

Нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш деганда иш учун аҳамиятли бўлган маълумотга эга нарсалар, ҳужжатлар ёки бошқа ёзувларнинг иш учун аҳамиятлилигини аниқлаш ва белгиланган тартибда ишга қўшиб қўйишдан иборат жараёнлар тушунилади.

Нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш икки усулда амалга оширилади:

– ашёвий далил сифатида ишга қўйиш;

– ёзма далил сифатида ишга қўйиш.

Нарса ва ҳужжатларни ашёвий ва ёзма далил сифатида ишга қўшиб қўйиш алоҳида тергов ҳаракати сифатида эътироф этилмайди, аммо кўпгина тергов ҳаракатлари натижаларини ифодаладиган ва уларга баҳо бериш амалга ошириладиган ҳаракат ҳисобланади.

Умуман олганда тергов ҳаракатлари ўз вақтида ва тактик жиҳатдан тўғри ўтказилганда иш учун муҳим аҳамиятга эга далилларни қўлга киритишга ёки текширишга хизмат қилади. Шу боис мавжуд вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда, қайси тергов ҳаракатини тезлик билан, яъни кечиктирмасдан ўтказиш кераклигини, тергов ҳаракатларини ўтказиш кетма-кетлигини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки тўғри тузилган режа жиноятларнинг тезда очилиши, терговни тўғри йўналишда олиб бориш ва айбланувчиларни тўла қош этиш гарови ҳисобланади. Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш вақти, жойи, жалб этиладиган иштирокчилари, қўлланиладиган тактик усул ва воситалари уйғун равишда ташкил этилиши мураккаб жараён бўлиб, кечиктириб бўлмас хусусиятга эга тергов

ҳаракатларини ўтказишда икки қарра масъулият билан фаолият олиб боришни талаб этади.

Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини ўтказиш хусусиятлари

Тергов ҳаракатлари суриштирув даврида ёки дастлабки тергов даврида амалга оширилишидан қатъий назар ҳар бир тергов ҳаракатига қўйиладиган ўзгармас талаб шундаки, у фақат етарли асослар бўлгандагина ўтказилиши керак. Тергов ҳаракатининг асосланганлиги ҳар қандай мажбурлаш ёки қимнингдир ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чеклаш фақат ҳақиқатан ҳам зарур бўлганда, яъни муайян вазият шарт-шароитлари билан оқлангандагина юз беришини билдиради.

Тергов ҳаракатига қўйиладиган бошқа бир талаб шундаки, у қонуний бўлиши керак, яъни уни амалга оширишда қонунда белгиланган процессуал тартибга қатъий риоя этилиши лозим. Бу эса йўл қўйиладиган ва йўл қўйилмайдиган ҳаракатлар доирасини назарда тутаяди. Бу билан тергов ҳаракатини ўтказишда иштирок этувчи инсоннинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатланиши билан бирга, айти пайтда бунда олинадиган ҳақиқий маълумотларнинг процессуал яроқлилиги, бошқача айтганда, муайян иш бўйича уларнинг алоқадорлиги ва мақбуллиги таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Суд ҳукми тўғрисида»ги 1997 йили 2 май қарорида: «Қонунни бузган ҳолда олинган ҳар қандай далил ҳукмга асос қилиб келтирилиши мумкин эмас», – деб тушунтириш берилган.

Тергов ҳаракатларини юритиш муқаррар равишда ахлоқий принциплар ва нормаларга асосланиши керак. Хусусан, уларнинг исталган турини ўтказишда ишда иштирок этувчи шахслар ва атрофдаги кишиларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига йўл қўйилмайди, ҳамда инсон соғлиғига хавф туғдириш таъқиқланади. Бунда фақат қўзғатилган жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари ўтказишга йўл қўйилади. Жиноят иши қўзғатилгунча ўтказилиши рухсат этилган тергов ҳаракатлари (қўздан кечириш, тафтиш, экспертиза)гина бундан мустасно.

Тергов ҳаракатларининг бориши ва натижалари суд учун далил бўлиб хизмат қиладиган тегишли баённомаларда қайд этилиши керак. Тергов ҳаракатларининг натижалари одатда баённомаларда мустаҳ-

камланади, бир қатор ҳолларда эса тергов ҳаракатларини ўтказидна аввал бу ҳақда қарор чиқарилади. Мисол учун, экспертиза ёки тафтиш тайинлаш ҳақидаги қарор каби. Айнан шу масалада суриштирувчи ва терговчи томонидан ўтказиладиган тергов ҳаракатларда бир-биридан фарқ мавжуд. Яъни терговчи процессуал мустақил шахс бўлиб, бирор-бир тергов ҳаракатини ўтказиш ҳақидаги қарорни (прокурорнинг рухсатини олиш лозим бўлган ҳолатлар бундан мустасно) мустақил равишда қабул қилиш ваколатига эга. Суриштирувчи эса тергов ҳаракатини ўтказиш учун чиқарган қарори суриштирув органининг бошлиғи томонидан тасдиқланиши лозим (ЎЗР ЖПКнинг 39-моддаси), акс ҳолда ушбу қарор кучга эга бўлмайди.

Суриштирув даврида ўтказиладиган айрим кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларининг хусусиятлари ҳақида ва нималарга аҳамият берилишига тўхталиб ўтсак.

Сўроқ қилишда ишга оид маълумотларни аниқлаш ва кўрсатма сифатида олиш учун эркин сўзлаб бериш имкониятини яратиш жуда муҳим, сўроқ қилинувчининг сўзини бўлмасдан эшитиш мақсадга мувофиқ, агарда у фикрини ифодалашга қийналиб тўхтаб қолса, уни қўлловчи сўз айтиб яна сўзлашга ундаш керак. Сўроқ қилинаётган шахс ишга оид бўлмаган ва аҳамиятсиз ҳолатлар ҳақида гапира бошласа, унга айнан ишга алоқадор ҳолатлар ҳақида билганларини айтишини эслатиш жоиз. Эркин сўзлаб бераётган пайтда ҳолатлар ноаниқ ифодаланса, унинг фикрини бўлмасдан алоҳида қоғозга саволлар қисқача ёзиб борилиши ва эркин сўзлаш тугаганидан сўнг ушбу ҳолатларга ойдинлик киритилишини сўраш мақсадга мувофиқ.

Сўроқ ўтказишга тайёргарлик кўришда қуйидагиларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ:

1) жиноят иш материалларини яхшилаб ўрганиб чиқиши лозим ва олинган маълумотлар асосида сўроққа чақирилган шахснинг процессуал мақомини белгилаши ёки аниқлаштириши;

2) сўроққа чақириладиган шахснинг кўрсатувлар бериш предметини аниқлаш. Агарда суриштирувчида сўроқ пайтида қандай ҳолларни аниқлаш билан боғлиқ савол тўғрисида аниқ тасаввур бўлмаса, бунинг натижасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган муҳим ҳолатлар аниқланмай қолиши мумкин ва айти пайтда сўроқ қилинган шахснинг кўрсатувларида жиноят ишига алоқадор бўлмаган маълумотлар баён этилган бўлади. Шунинг учун жиноят иш материалларини пухта ўрганиб таҳлил этиш ва сўроққа чақириладиган шахсдан нимани аниқлаш лозимлигини, яъни сўроқ қилиш

предметини аниқлаб олиш зарур. Агарда сўроқ предметини белгилаш учун махсус билимлар зарур бўлса, махсус адабиётлар билан танишиб чиқиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш, ишлаб чиқариш жараёни билан танишиш лозим ва ҳоказо;

3) сўроққа чақирилган шахснинг ижтимоий-демографик, психологик, психофизиологик хусусиятлари ва ҳолатини ўрганиш. Сўзсиз мазкур сифатларнинг қай бири сўроқ қилишда зарур бўлиб қолишини олдиндан чамалаш қийин, лекин ҳар қандай ҳолда сўроқ қилинувчи шахснинг жинси, ёши, маълумоти, ихтисослиги (мутахассислиги), қизиқишлари, маданий савияси, ҳуқуқий онги, дунёқараши, психологик сифатлари (характери, темпераменти, иродаси, эмоционал кифоаси), сўроқ пайтида эҳтимолли психологик ҳолатлари (ўзини йўқотиб қўйиши, тазйиққа учрагандек бўлиши, кўрқувда бўлиши, ўзига ишонч билан қараши ва ҳоказо) эътиборга олиниши шарт.

Сўроқ қилинувчи шахсни ўрганиш сўроқ қилишнинг энг самарали усуллари кўллаш, шахсга нисбатан мақсадли таъсир қилиш имконини яратади, натижада сўроқ қилинувчи терговчига иш бўйича номаълум, лекин муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни баён қилиши мумкин.

Шахсни ўрганишда тизимли-тузилмавий ёндашувни кўллаш мақсадга мувофиқ, шахснинг барча сифатлари ва хусусиятлари ўзаро боғлиқлик ва бир биридан келиб чиқувчи мақомга эга бўлади. Шу билан бирга шахсни ўрганиш унинг сўроқ пайтида ўзини қандай тутишини башорат қилиш имкониятини яратиб бериши мумкин.

Шахсни ўрганишни икки фаразли босқичга бўлиш мумкин: сўроқдан аввалги ўрганиш ва сўроқ пайтида ўрганиш. Биринчи босқичда ўрганиш терговчи томонидан бевосита эмас балки учинчи шахслар орқали амалга оширилади ва бу ерда процессуал имкониятлардан фойдаланилади (сўроқ, тинтув, кўздан кечириш, экспертиза ва ҳоказо) ҳамда нопроцессуал шакллар ҳам қўлланилади (тезкорқидирув тадбирлари, жамоатчилик ёрдамидан фойдаланиш ва ҳоказо).

4) Сўроқ ўтказишга етарлича тайёргарлик кўрилганидан сўнг ЖПК талаблари асосида уни ўтказиш лозим. Сўроқ қилишда ишга оид маълумотларни аниқлаш ва кўрсатма сифатида олиш учун эркин сўзлаб бериш имкониятини яратиш жуда муҳим ҳисобланади, сўроқ қилинувчининг сўзини бўлмасдан эшитиш мақсадга мувофиқ.

Сўроқ қилишда жинойтнинг тури (ЖК тегишли моддаси)дан келиб чиққан ҳолда ЖПК 82-моддаси (83-моддаси)да ва 119-моддасида келтирилган ҳолатлар ҳақида кўрсатмалар олиниши лозим,

шунингдек улар (маълумотлар)ни текшириш мақсадида юритувидаги жинойт ишидаги бошқа далиллар мазмунидан келиб чиқиб қўшимча саволлар бериши ҳамда ашёвий далилларни кўрсатиш, олдинги кўрсатувларини ўқиб эшиттириш орқали текшириш ҳам мумкин;

Тафтиш ўтказиш учун тайинланган шахслар текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсларини ёки вакилларини тафтиш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар билан тафтиш ўтказиш бошлангунига қадар таништириши, шунингдек текширувларни рўйхатдан ўтказиш китобига ёзув киритиши шарт.

Тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг ёки ажримнинг ва ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш ҳақидаги буйруғининг кўчирма нусхалари текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсига ёки вакилига имзо қўйдириб топширилган, шунингдек улар хизмат гувоҳномаси ва тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги махсус гувоҳнома билан таништирилган пайт тафтиш ўтказиш бошланган пайт деб ҳисобланади.

Текширилаётган субъект мансабдор шахсининг ёки вакилининг тафтиш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларни олиш ва улар билан танишишдан бош тортиши тафтишни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили тегишли ҳужжатларни олиш ва улар билан танишишдан бош тортган тақдирда, тафтиш ўтказиш учун тайинланган шахс томонидан унинг ўзи ва текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили имзолайдиган баённома тузилади. Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили мазкур баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, унга тегишли ёзув ёзиб қўйилади. Мазкур ҳолда баённома имзоланган пайт тафтиш ўтказиш бошланган пайт деб ҳисобланади.

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили тафтиш ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларни, ахборотни ва материалларни тафтиш ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар олинганидан ва улар билан танишиб чиқилганидан кейин тақдим этиши шарт.

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили ҳужжатларни, ахборот ва материалларни тақдим этишдан бош тортган тақдирда, тафтиш ўтказувчи шахс бундан буёнги процессуал ҳаракатларни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиладиган суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга бу ҳақда дарҳол хабар қилади.

Ҳужжатларни олиб қўйиш зарур бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор олиб қўйиш тўғрисида қарор, суд эса ажрим чиқаради. Олиб қўйиш Жиноят-процессуал кодекснинг олиб қўйиш тартиби белгиланган 20-бобдаги қоидалар асосида амалга оширилади.

Тафтиш ўтказувчи шахс зарур бўлган тақдирда, текширилаётган субъектнинг ҳудуди ва биноларини текширувдан, шунингдек мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиши мумкин.

Тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган масалаларни ўрганиш солиқ, валютага оид, бухгалтерия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Тафтиш ўтказувчи шахснинг текширилаётган субъектнинг ҳудудига ва биноларига (турар жойлар бундан мустасно) киришига тўсқинлик қилинган, шунингдек тафтишни амалга ошириш учун унинг мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш рад қилинган тақдирда, тафтиш ўтказувчи шахснинг ўзи ва текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили томонидан имзоланадиган баённома тузилади. Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, унга тегишли ёзув ёзиб қўйилади. Баённома бундан буёнги процессуал ҳаракатларни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қиладиган суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга тақдим этилади.

Тафтиш ўтказувчи шахснинг текширилаётган субъектнинг ҳудудига ва биноларига (турар жойлар бундан мустасно) киришига тўсқинлик қилинганлиги, шу жумладан ушбу субъектнинг мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш рад этилганлиги, шунингдек тафтиш ўтказувчи шахснинг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилинганлиги қонунда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Тафтиш ўтказувчи шахсларнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қилинганлиги учун жавобгарликка тортиш тафтишни бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсига ёки вакилига тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома топширилган кун тафтиш ўтказиш тугалланган кун деб ҳисобланади.

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномани олишдан бўйин товлаган тақдирда, тафтиш ўтказувчи шахс тафтиш натижалари тўғриси-

даги далолатномага бу ҳақда тегишли ёзув киритади ва шу пайдан эътиборан тафтиш тугалланган деб ҳисобланади. Мазкур ҳолда тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхаси текшири-лаётган субъектга почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Текширилаётган субъектнинг мансабдор шахси ёки вакили турган жой номаълум бўлган тақдирда, тафтиш ўтказувчи шахс тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг ёки ажримнинг ва ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш ҳақидаги буйруғининг кўчирма нусхаларини текширилаётган субъектнинг юридик манзилига ва унинг мансабдор шахсининг яшаш жойи манзилига уч иш куни ичида буюртма хат билан юборади. Бундай ҳолда буюртма хат юборилган сана тафтиш ўтказиш бошланган сана деб ҳисобланади.

Текширилаётган субъект мансабдор шахсининг ёки вакилининг йўқлиги тафтишни бекор қилиш учун асос бўлмайди. Бундай ҳолда тафтиш текширилаётган субъектнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги, ишда мавжуд бўлган ҳужжатлар, ахборот ва материаллар асосида ўтказилади.

Текширилаётган субъектнинг ҳужжатлари, ахбороти ва мате-риаллари йўқотилган, йўқ қилинган ёки мавжуд бўлмаган тақдирда, тафтиш ўтказувчи шахс тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарорда ёки ажримда кўрсатилган масалаларни ўрганишни солиқ, валютага оид, бухгалтерия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўтказиши мумкин.

Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома текширилаётган субъектнинг юридик манзилига ва далолатноманинг кўчирма нусха-си текширилаётган субъект мансабдор шахсининг яшаш жойига буюртма хатлар билан юборилган кун тафтиш ўтказиш тугалланган кун деб ҳисобланади.

Тафтиш ўтказиш муддати ўттиз календарь кундан иборатдир.

Зарур бўлган ҳолларда, текширилаётган субъектнинг ҳужжат-лари ҳажми, фаолиятининг тури ва кўламлари ҳисобга олинган ҳолда, тафтиш муддати тафтиш ўтказувчи шахсининг асослан-тирилган илтимосномасига кўра терговчининг, прокурорнинг қарори ёки суднинг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

Тафтишнинг умумий муддати уни ўтказиш муддатлари узайти-рилиши инобатга олинган ҳолда, дастлабки тергов ва суд мажли-сида жиноят ишини муҳокама қилишнинг Жиноят-процессуал кодексда белгиланган муддатларидан ошмаслиги керак.

Тафтиш ўтказувчи шахслар ўтказилган тафтиш натижаларига кўра далолатнома тузади.

Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномада қуйидагилар кўрсатилади:

- 1) тафтиш ўтказилган жой, далолатнома тузилган сана;
- 2) тафтиш ўтказиш учун асослар;
- 3) тафтиш ўтказилган муддат;
- 4) тафтиш ўтказган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- 5) юридик шахснинг тўлиқ номи, текширилаётган даврда унинг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарув вазифаларини амалга оширган мансабдор шахсларининг фамилияси, исми, отасининг исми (якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми);

- 6) текширилаётган субъектнинг жойлашган ери (почта манзили), банк реквизитлари, шунингдек унинг солиқ тўловчининг идентификация рақами;

- 7) текширилаётган субъект молия-хўжалик фаолиятининг илгариги текширувлари тўғрисидаги маълумотлар;

- 8) текширилаётган давр ҳамда тафтиш ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар, ахборот ва материаллар тўғрисидаги умумий маълумотлар;

- 9) қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларининг (улар мавжуд бўлган тақдирда) батафсил тавсифи қонун ҳужжатларининг бузилган нормаларига ҳавола қилинган ҳолда;

- 10) ўтказилган тафтиш натижаларига доир, шу жумладан қонун ҳужжатларининг бузилишлари мавжуд эмаслиги тўғрисидаги хулосалар.

Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатнома камида уч нусхада тузилади.

Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг барча нусхалари тафтиш ўтказувчи шахслар томонидан имзоланади. Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхаси текширилаётган субъектнинг мансабдор шахсига ёки вакилига топширилади, у далолатноманинг барча нусхаларига олганлиги тўғрисида олиш санасини кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт. Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг қолган нусхалари тафтиш материалларига қўшиб қўйилади.

Текширилаётган субъект мансабдор шахсининг ёки вакилининг тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномадаги имзоси унинг тафтиш натижаларидан рози эканлигини билдирмайди.

Тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатномага тафтишни тайинлаш тўғрисидаги қарорнинг ёки ажримнинг ва ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш ҳақидаги буйруғининг кўчирма нусхалари, тафтиш доирасида содир этилган ҳаракатлар тўғрисидаги баённомалар, инвентаризация далолатномалари, тафтиш ўтказиш чоғида олинган материаллар, шунингдек тафтиш доирасида содир этилган ҳаракатларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар қўшиб қўйилиши керак.

Тафтиш тугалланган кундан эътиборан кейинги иш кунидан кечиктирмай тафтиш материаллари тафтиш ўтказиш ваколатига эга бўлган органда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши ва тафтишни тайинлаган суриштирувчига, терговчига, прокурорга ёки судга тақдим этилиши керак.

Тафтиш ўтказган орган тафтиш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг тасдиқланган кўчирма нусхасини қонуний чоралар кўрилиши учун тегишли ваколатли органга ҳам юборади.

Тадбиркорлик субъектларини тафтиш қилиш юридик хизмат вакиллари ва (ёки) жалб этилган адвокатлар албатта иштирок этган ҳолда (тадбиркорлик субъекти мазкур ҳуқуқдан воз кечган ҳоллар бундан мустасно) ўтказилади.

Юридик хизмат вакилининг иштирокидан ва (ёки) адвокатнинг юридик ёрдамидан воз кечиш тафтишнинг кейинги босқичларида тадбиркорлик субъекти томонидан уларни жалб этиш учун тўсиқ бўлмайди.

Тафтиш ўтказувчи шахс тадбиркорлик субъектининг ваколатли вакилига унинг тафтиш ўтказишда иштирок этишга юридик хизмат вакилини ва (ёки) адвокатни жалб этишга ёхуд уларнинг иштирокидан воз кечишга бўлган ҳуқуқини тафтиш ўтказиш бошлангунига қадар ёзма шаклда тушунтиради ва бу ҳақда баённома тузилади.

Агар тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахси ёки вакили томонидан юридик хизмат вакилини ва (ёки) адвокатни жалб этиш нияти билдирилса, тафтиш ўтказишнинг бошланиши юридик хизмат вакили ва (ёки) адвокат етиб келгунига қадар, бироқ кўпи билан йигирма тўрт соатга тўхтатиб турилади.

Юридик хизмат вакилининг ва (ёки) адвокатнинг йигирма тўрт соат ичида етиб келиш имконияти бўлмаган тақдирда, тафтиш уларнинг иштирокисиз бошланади.

Тафтиш ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи қуйидаги ҳужжатларнинг мавжуд бўлиши тадбиркорлик субъектини тафтишдан ўтказишнинг мажбурий шартидир:

- тафтиш тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажрим;
- ваколатли органнинг тафтиш ўтказиш тўғрисидаги буйруғи;
- тафтиш ўтказувчи шахснинг хизмат гувоҳномаси;
- тафтишга рухсат бериш тўғрисидаги махсус гувоҳнома.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишда қуйидагиларга риоя этилиши лозим:

- холислар иштироки шартлилиги;
- ўлчовлар ўтказиш, фотосуратга ва видеоёзувга туширилиши;
- режалар, схемалар ва чизмалар тузилиши,
- излардан қолиплар ва нусхалар олинishi мумкинлиги;
- топилган ва олинган нарсалар холисларга ва бошқа иштирокчиларга кўрсатилиши лозимлиги.

– жинойт иши кўзғатилишидан олдин ўтказиш мумкинлиги, тергов-тезкор гуруҳ иштирокида ўтказилиши.

Кўздан кечириш жинойт излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида амалга оширилади. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш жинойт иши кўзғатилгунига қадар ўтказилиши мумкин бўлган тергов ҳаракатларига киради. Суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечиради.

Суриштирув ёки дастлабки тергов босқичида кўздан кечириш холислар иштирокида ўтказилади. Агар суд мажлисини ўтказиш вақтида кўздан кечиришга зарурат туғилса, суд бу ҳақда ажрим чиқаради ва кўздан кечиришни тарафлар иштирокида ўтказади.

Зарур ҳолларда суриштирувчи, терговчи ёки суд кўздан кечириш чоғида ўлчов ўтказади, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга туширади, режалар, схемалар, чизмалар тузади, излардан қолиплар ва нусхалар олади. Бу ишларни бажаришга ёрдам бериш учун кўздан кечиришга мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Кўздан кечириш чоғида топилган ва олиб қўйилган барча нарсалар холисларга, тарафларга ва кўздан кечиришнинг бошқа иштирокчиларига кўрсатилиши лозим. Бунда кўздан кечиришда иштирок этаётган шахслар суриштирувчи, терговчи ва суднинг эътиборини ўз-

ларининг фикрича иш ҳолатларини ойдинлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлган барча ҳолларга қаратишга ҳақлидирлар (ЖПК 136-м.).

Нарсаларни олиб қўйиш ва тинтув ўтказиш чоғида топилган нарса ва ҳужжатлар шу тергов ҳаракатларини ўтказиш учун белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирилади (ЖПК 135-м.).

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш учун айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлигидан далолат берувчи маълумотлар бўлиши керак. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан асосий мақсад ҳодисанинг келиб чиқиш ҳолатини бевосита кўриш билан мавжуд из, ашёвий далилларни топишдан иборат.

Ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечириш ҳодисанинг механизмини ўрганишга, жиноятчи фаолиятининг изларини аниқлаш, сақлаш ва кейинчалик ўрганиш учун қайд этишга ҳамда содир этилган ҳодиса ҳолатларини аниқлаш мақсадида турли объектлар, предметлар, ҳужжатлар ва бошқа иш учун аҳамиятли бўлган далилларнинг қайд этилишига қаратилган тергов ҳаракати ҳисобланади. «Ҳодиса жойини кўздан кечириш» тушунчаси ўз ичига жиноятнинг излари, ашёвий далилларни топиш ва тўғрилигини исботлаш, жиноят мотиви ва механизмини аниқлаш, кўздан кечириш маълумотларини «иссиқ излар» бўйича қидирув ўтказиш учун фойдаланишга қаратилган комплекс тергов ва қидирув тадбирларини қамраб олади.

Ҳодиса содир этилган жойни кўздан кечириш - иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлашга қаратилган ва кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракати бўлиб ҳисобланади. У ўз ичига содир этилган ҳодисанинг характери, жиноятчи(лар) шахси, жиноят мотивларини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган ҳодиса жойининг ҳолатини ўрганиши, ҳар хил излар ва бошқа ашёвий далилларни топиш, қайд этиш ва қўлга киритиш каби ҳаракатларни қамраб олади.

Тадқиқ этилаётган ҳодисада жиноят таркиби бор ёки йўқлигини мумкин қадар аниқлашга имкон берадиган ҳақиқий маълумотларни топиш ва мустаҳкамлаш, шунингдек тадқиқ этилаётган ҳодиса ҳолатлари ва унинг иштирокчилари ҳақида тахминлар қилиш ва уларни текшириш учун ҳодисанинг ҳолатини тўлалигича ҳамда унинг айрим объектларини бевосита тадқиқ этишдан иборатдир. Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш айнан ана шу жойда жиноят содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади (ЖПК 137-м.).

Кўздан кечириш натижаларининг исботловчи аҳамияти кўп жиҳатдан унинг ўз вақтида ўтказилганлиги даражасига боғлиқдир. Ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг асосий принципларидан унинг ўз вақтида ва атрофлича, батафсил ўтказилишини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозимки, улар мумкин қадар кўпроқ ахборот тўплашни таъмин этади. Ўз вақтида, тўла ва тўғри кўздан кечириш ёрдамида қуйидагиларни аниқлаш мумкин:

- содир этилган ҳодисанинг мазмуни;
- содир этилиш жойи ва вақти;
- ҳодисада қатнашган шахслар сони;
- жиноятнинг мотив ва мақсади;
- жиноятнинг содир этиш тури;
- жиноят содир этилишига таъсир этган шарт-шароитлар;
- ҳодиса жойида жиноятчиларнинг хатти-ҳаракатлари, келиш ва кетиш йўллари;
- жинойий ҳаракат нимага қаратилганлиги;
- ўлган шахснинг жисмоний ва руҳий ҳолати;
- жабрланувчининг ўлиmidан олдинги ҳаракатлари;

Юқорида кўрсатилган масалалар фақат суриштирувчи (терговчи) томонидан кўздан кечириш якунида кўздан кечириш олдида қўйилган туб саволларга жавоб олингандан кейингина ечилиши мумкин.

Содир этилган жиноят ҳақида хабар олгач, башарти унинг очилиши ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни талаб қилса, суриштирувчи (терговчи) зудлик билан ҳодиса содир бўлган жойга бориши ва уни кўздан кечиришни амалга ошириши керак. Бу ҳол тергов ҳаракатининг айнан кечиктириб бўлмаслиги сабабли, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни кейинга қолдириш мумкин бўлмаган ҳолларда жиноят иши кўзғатилмасдан олдин ўтказишга йўл қўйилади. Бундай вазиятларда кўздан кечиришдан кейин кўпи билан ўн сутка ичида, алоҳида ҳолларда эса прокурорнинг рухсати билан бир ой давомида жиноят ишини кўзғатиш ёки унинг кўзғатилишини рад этиш ҳақида қарор чиқарилиши керак.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ишдан манфаатдор бўлмаган фуқароларни жалб қилган ҳолда, албатта, холисларнинг иштирокида амалга оширилади. Агар кўздан кечириш ҳудудида давлат сирини ўз ичига олган маълумотлар аниқланиши мумкин бўлса, бундай холислар сифатида ўз машғулоти тури ёки хизмат фаолияти бўйича бундай маълумотлардан фойдаланишга рухсати бўлган шахслар таклиф қилинади.

Кўздан кечириш бошланишидан олдин холисларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш керак. Кўздан кечириш ўтказилганда суриштирувчи (терговчи) холисларнинг эътиборини ишни тергов қилишда аҳамиятли бўлган барча ҳолатларга қаратади. Ўз навбатида холислар ҳам суриштирувчининг эътиборини ўзларининг фикрига кўра иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган у ёки бу фактларга қаратишга ҳақлидир. Зарурат туғилганда келгуси тергов қилиш ёки суд муҳокамаси борасида холислар кўздан кечириш натижасида уларга маълум бўлган ҳолатлар юзасидан гувоҳлар сифатида сўроқ қилинишлари мумкин.

Зарур ҳолларда кўздан кечириш чоғида ўлчов ўтказилади, фотосуратга, кинотасвирга, видеоёзувга олинади, режалар, схемалар, чизмалар тузилади, излардан қолиплар ва нусхалар олинади. Бу ишларни бажаришда ёрдам бериш учун кўздан кечиришга мутахассислар жалб қилиниши мумкин.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш чоғида мутахассис кўздан кечиришда пайдо бўладиган у ёки бу масалаларда суриштирувчи (терговчи)га маслаҳат беради, шунингдек изларни топиш ва қайд этишда, улардан қолиплар ва нусхалар олишда, ҳодиса содир бўлган жойни фотосуратга туширишда, режа ва чизмалар тузишда техник ёрдам кўрсатади. Кўздан кечиришнинг қуйидаги турларини амалга оширишда малакали мутахассисларни таклиф этишга алоҳида эътибор бериш лозим: махфий жойларни аниқлаш мақсадида нарсаларни кўздан кечириш, махфий ёзувларни аниқлаш мақсадида ҳужжатларни кўздан кечириш ва ҳоказо. Айрим ҳолларда кўздан кечиришда қатнашаётган мутахассислар жиноий мақсадларни амалга оширишга мўлжалланган махфий мосламаларни аниқлашга ёрдам берадилар.

Катта ҳудуд ва биноларни кўздан кечириш бир нечта суриштирувчи ёки терговчилар томонидан амалга оширилиши мумкин, бунда улар ҳар бирининг ҳаракати камида икки нафар холис иштирокида ўтказилиши керак.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади. Катта ҳажмдаги нарсалар олинмайди ва муҳрланмайди, лекин суриштирувчи ёки терговчи уларни сақлаш чораларини кўриши лозим (ЖПКнинг 137-м.).

Кўп ҳолларда ҳодиса жойини кўздан кечириш натижалари асосида жиноятнинг ясамалиги ёки жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги ёхуд жиноят излари бўйича муваффақиятли қидирув иш-

лари олиб бориш борасида хулосалар чиқарилади. Биз ҳодиса жойини кўздан кечиришда фойдаланадиган билиш ёки текшириш ўтказишнинг услублари, ушбу тергов ҳаракатининг ташкилий, назарий ва амалий муаммоларига тўхталмаймиз. Биз бу ерда кўздан кечириш натижалари бўйича тусмолларни шакллантириш ва бўлиб ўтган воқеа ҳолатини тиклаш, кўздан кечириш билан бир вақтда амалга ошириш лозим бўлган бошқа тергов ва тезкор-қидирув чора-тадбирлари, уларнинг ўтказиш натижасида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида тўхталиб ўтиш лозим.

Катта майдонларни ва биноларни кўздан кечириш бир неча суриштирувчи ёки терговчи томонидан амалга оширилиши мумкин, бунда уларнинг ҳар бири камида икки нафар холис иштирокида кўздан кечириши лозим.

Мурдани кўздан кечириш айрим ўзига хос жиҳатларга эга. Мурданинг ташқи кўринишини суриштирувчи ёки терговчи у топилган жойда холислар ва суд-тиббиёт соҳасидаги мутахассис шифокор иштирокида кўздан кечирилади. Бундай мутахассис шифокор иштирок этишига имконият бўлмаган тақдирда, бошқа шифокор иштирок этади. Зарур ҳолларда мурдани кўздан кечириш учун бошқа мутахассислар, шунингдек экспертлар жалб қилинади. Мурдани кўздан кечириш билан бир пайтда унинг ёнидан топилган шахсий буюмлар, нарсалар, кийим ва пойабзал кўздан кечирилади. Зарур ҳолларда мурдани кўздан кечиришда нафақат шифокор, балки бошқа мутахассислар - сураткаш, криминалист, кимёгар ва шу кабилар иштирок этиши мумкин.

Теварак-атроф ва бинолар қуйидаги қоидаларга риоя қилган ҳолда кўздан кечирилади: фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечириш зарурати бўлса, суриштирувчи ёки терговчи бу ҳақда қарор, суд эса ажрим чиқаради. Турар жойи кўздан кечириладиган шахс ёки тегишли корхона, муассаса, ташкилотнинг вакили чиқарилган қарор ёки ажрим билан таништирилиб, бу ҳақда имзо чектирилади.

Кўздан кечириш корхонада, муассасада, ташкилотда ўтказилса – маъмурият вакилининг, ҳарбий қисмда, штабда ва муассасада ўтказилса – қўмондонлик вакилининг, зарур ҳолларда эса, моддий жавобгар шахснинг қатнашиши шарт (ЖПК 139-м.). Давлат сирларига эга бўлган нарсалар ва ҳужжатларни фақат махсус рухсатга

эга бўлган суриштирувчи, терговчи худди шундай рухсатга эга бўлган холислар иштирокида кўздан кечиради.

Суриштирувчи, терговчи нарса ва ҳужжатларни улар топилган жойда, башарти кўздан кечириш кўп вақт ёки қўшимча техник воситалар талаб қилса, кейинчалик суриштирув, дастлабки тергов ўтказилаётган жойда кўздан кечирадилар. Кўздан кечириш нарса ёки ҳужжатларнинг йўқолишига ёхуд шикастланишига олиб келмаса, техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин (ЖПК 140-м.).

Кўздан кечириш ўтказишга асос бўлади:

- жиноят ҳақидаги ариза ва хабарлар, кўрсатувлар;
- нарса ва ҳужжатларнинг тақдим этилиши;
- тинтув ва олиб қўйиш ўтказишда нарса ва ҳужжатлар олинishi;
- хатланган почта ва телеграф жўнатмаларининг ушланганлиги.

Кўздан кечириш аксарият жиноят ишлари бўйича дастлабки ва кечиктириб бўлмайдиган муҳим процессуал ҳаракатдир. Шу сабабли ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракати жиноят иши кўзғатилишидан олдин ўтказилишига йўл қўйилади.

Кўздан кечиришнинг тўлиқ ва ҳар томонлама ўтказилиши ҳодиса жойи ҳолатини тўлиқ текшириш, бирорта ҳам ашёвий далилларнинг назардан четда қолмаслиги ва баённомада қайд этилишини тақозо қилади.

Ўз навбатида ҳодиса жойини кўздан кечиришнинг тўла ва ҳар томонлама ўтказилиши қуйидагилар билан таъминланади:

- кўздан кечиришнинг тўғри ташкил этилиши, кўздан кечириш иштирокчилари ўртасида иш фаолиятини тўғри тақсимланиши ҳамда барча ҳаракатларнинг тузилган режага асосан ўтказилиши;
- кўздан кечириш ҳаракатига фақат терговчи бошчилик қилиши;
- криминалистик воситалар ва услубларнинг тўғри қўлланилиши;
- терговчи ва бошқа жалб қилинган мутахассис иштирокчиларда касбий тажриба ва билимларнинг етарлилиги;

Ҳодиса жойи ҳолатини кўздан кечириш учун терговчига мураккаб вазиятларда маслаҳатлар берувчи мутахассис шахслар жалб этилади. Ниҳоят кўздан кечириш жараёни терговчидан жуда катта ақлий меҳнат, вазиятни таҳлил қила олиш ва тўғри хулоса чиқара олишни талаб этади.

Кўздан кечиришнинг мақсади иш бўйича аҳамиятли ҳақиқий маълумотларни аниқлаш ва мустаҳкамлашдир. Кўздан кечиришда ҳақиқий маълумотларни аниқлаш кўздан кечирилаётган объектлар-

да акс этган содир этилган жинойт ҳолатларини кўздан кечириш иштирокчиларининг (терговчи ва холисларнинг) бевосита идрок қилиши орқали амалга оширилади.

Кўздан кечиришда қатнашишга айбланувчи, гумон қилинувчи, жабрланувчи, гувоҳ жалб қилиниши мумкин. Кўрсатилган шахсларнинг кўздан кечиришда қатнашиши кўп ҳолларда иш учун аҳамияти бўлган янги ҳолатларни аниқлашда ёрдам беради (масалан, хонадондаги ўғрилик юзасидан кўздан кечиришда жабрланувчи ҳодиса содир бўлган жойдан топган муайян нарса хонадонда яшовчиларнинг ҳеч бирига тегишли эмаслигини кўрсатади). Кўрсатилган шахсларнинг кўздан кечиришда қатнашиши улар олдин берган кўрсатувларини кўздан кечириш борасида аниқланган маълумотлар билан солиштириб текшириш ва аниқлаш имконини беради.

Кўздан кечириш ўтказилганлиги ҳақида ЖПКнинг 141-моддасида кўрсатилган талабларга биноан баённома тузилади. Кўздан кечириш баённомаси бу тергов ҳаракатининг ўтказилганлигини ва унинг олиб борилишида барча аниқланганларни қайд қилувчи асосий, мажбурий восита ҳисобланади. Баённоманинг йўқлиги кўздан кечириш натижасини исботловчи кучдан махрум қилади, чунки баённома далилларни мустаҳкамловчи процессуал восита, далиллар манбаи ҳисобланади. Баённомада терговчининг барча ҳаракатлари баён қилинади, шунингдек кўздан кечириш давомида топилган барча нарсалар, улар қандай тартибда кўздан кечирилган бўлса, худди шу тартибда, кўздан кечириш пайтида қандай ҳолатда кузатилган бўлса, худди шу ҳолатда қайд этилади.

Кўздан кечириш баённомасида тергов ҳаракатини ўтказиш пайтида топилган нарсаларнинг барчаси батафсил тўлиқ қайд этилиши керак. Баённомага иш учун аҳамияти бўлган барча ҳолатни қайд этиш керак, бироқ бу борада объектларни ўта майдалаштириб, чегарадан чиқиб кетмаслик лозим.

Баённомада кўздан кечириш чоғида топилган ва олинган барча излар, нарсалар ва ҳужжатлар санаб ўтилади. Олинган буюмнинг эгасига тегишли маълумотнома ёки баённоманинг нусхаси берилади. Бундан ташқари, баённомада: кўздан кечириш қайси вақтда, қандай об-ҳавода ва қандай ёруғликда ўтказилганлиги; қандай илмий-техника воситалари қўлланилганлиги ва қандай натижалар олинганлиги; кўздан кечиришда кўмаклашиш учун кимлар жалб қилинганлиги ва кўмаклашиш нимада ўз аксини топганлиги; қандай нарсалар ва ҳужжатлар қандай тартибда ва қандай муҳр билан муҳрланганлиги;

кўздан кечирилганидан кейин мурда ва иш учун аҳамиятли бўлган нарсаларнинг қаерга юборилганлиги кўрсатилган бўлиши лозим.

Агар кўздан кечиришда мутахассис иштирок этган бўлса, баённомада унинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи ва лавозими кўрсатилади. Баённомада мутахассис қайси ҳаракатларни бажаргани, қайси илмий-техника воситаларидан фойдалангани ва қандай натижаларга эришгани кўрсатилиши керак.

Баённомага фотосурат расмлари, режалар, чизмалар, изларнинг қолиплари ва нусхалари илова қилиниб, бу ҳақда унда қайд этилади.

Баённома тузилганидан кейин у кўздан кечиришни ўтказишда иштирок этган шахсларга ўқиб эшиттирилади, улар эса ўтказилган ҳаракатлар бўйича ўз мулоҳазаларини унга киритишни талаб қилишга ҳақлидирлар. Бу ҳуқуқ уларга тушунтирилганлиги тўғрисида баённомада қайд этилади. Барча мулоҳазалар албатта баённомага киритилиши лозим. Баённома терговчи (суриштирувчи) ҳамда кўздан кечиришни ўтказишда иштирок этган бошқа шахслар томонидан имзоланади.

Кечиктириб бўлмас ҳолатларда кўздан кечиришни ўтказишнинг хусусиятлари баён этилади.

Ҳодиса содир бўлган жойга етиб келган суриштирувчи (терговчи):

– дастлабки равишда ҳодиса содир бўлган жойда жиноятни ўз кўзи билан кўрган ва ҳодисани биринчи бўлиб аниқлаган шахслардан бўлиб ўтган воқеа ва уни содир қилган шахслар тўғрисида маълумотларни олади. Суриштирув идоралари ходимларидан улар томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот олади, улар айбдорларни аниқлаш учун нима қилганликлари, уларнинг қидируви ва ушлаб турилиши билан боғлиқ чоралар тўғрисида ахборотлар олади;

– суриштирув идоралари ходимларига ҳодиса содир бўлган жойда бўлган гувоҳ ва ҳодисанинг бевосита гувоҳи бўлган шохидларни аниқлаш вазифаси қўйилади (зарур бўлса квартира-квартира ёки ҳовлима-ҳовли кириб чиқиш ҳаракатлари амалга оширилади);

– суриштирув идораси ходимларига шохид ва бошқа гувоҳлардан бўлиб ўтган ҳодиса тўғрисида дастлабки маълумотларни олиш мақсадларида улардан тушунтирув хатларини олишни тавсия қилади, шу мақсадларда криминалистик ҳисоблардан фойдаланиш талабини ҳам қўйиши мумкин;

– ҳодиса оқибатларини бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилганлигига ишонч ҳосил қилади, жумладан жабр-

ланганларга зарурий тиббий ёки бошқа ёрдам кўрсатилганлиги бўйича, агар бу чоралар амалга оширилмаган бўлса тегишли ёрдам чораларини амалга оширилишига раҳбарлик қилади;

– ҳодиса содир бўлган жойнинг ҳолатига жабрланганларга ёрдам беришда ва жиноят оқибатларини бартараф этиш мақсадларида воқеа жойида бўлиб ўтган ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни олади;

– исботловчи аҳамиятга эга бўлган излар ва объектлар тўғрисидаги маълумотларни олади;

– ҳодиса содир бўлган жойда иштирок этувчи шахсларнинг доирасини белгилаб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Кўздан кечириш пайтида иштирок этувчи холисларга ЖПКнинг 74-моддаси асосида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Зарурий ҳолларда терговчи холислардан дастлабки терговда уларга маълум бўлиб қолган маълумотларни ЖПКнинг 353-моддасига биноан ошкор қилмаслик тўғрисида ёзма тилхат олиши мумкин.

Кўздан кечириш пайтида холислар терговчи билан биргаликда бир жойда бўлиб, у билан биргаликда ҳаракат қилиши керак. Аммо ҳар қандай ҳолларда ҳам холислар бевосита ва шахсан ўзлари ушбу тергов ҳаракати жараёнида аниқланган, тадқиқ этилаётган ва баённомада акс эттирилган нарса ва объектлар билан ишлаш жараёнини кузатиб боришлари лозим.

Терговчининг режасига кўра кўздан кечириш пайтида мутахассис, таржимон, жиноий қилмишдан жабр кўрган шахс, жиноятни ўз кўзи билан кўрган ва биринчи бўлиб жиноятни содир этилишини аниқлаган шахслар, гувоҳлар, гумон қилинувчи, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси иштирок этишлари мумкин.

Кўздан кечириш бевосита куйидаги тартибда амалга оширилади: аввал умумий кўздан кечириш амалга оширилади, шундан сўнг ҳодиса содир бўлган жойнинг синчковлик билан бирма бир кўздан кечирилиши амалга оширилади.

Ҳодиса содир бўлган жойни умумий кўздан кечириш пайтида терговчи ҳодиса содир бўлган жойни айланиб чиқади, ҳодиса билан боғлиқ объектларни аниқлайди ва олинган маълумотларга кўра бўлиб ўтган ҳодиса тўғрисида умумий тасаввурга эга бўлади, ҳодиса содир бўлган жойнинг умумий чегараларини белгилайди ва унга туташган ҳудуд билан бўлган нисбатини аниқлайди, тегишли изларни борлигини аниқлайди ва уларни об-ҳаво ноқулайликларидан муҳофаза қилиш учун чора-тадбирларни кўриши керак бўлади. Зарур ҳолларда кинолог-мутахассиснинг фикрига кўра қидирув ҳизмат итини қўллаш тўғри-

сидаги тўхтамга келади ва бунинг натижасида жиноятни содир этган шахс, жиноятга алоқадор ва муҳим бўлган бошқа предметларни аниқлаш имконияти юзага келади. Агарда жиноятчини аниқлаш имконияти юзага келса суриштирув ходимида жиноятнинг изидан таъқиб этиш тўғрисида топшириқ беради, ходиса содир бўлган жойни қайси жойдан кўздан кечиришни бошланишини белгилайди, шунингдек йўналишли ва жойнинг умумий кўриниши билан боғлиқ фотосуратга олиш жойларини белгилаб чиқади.

Кейин терговчи ходиса содир бўлган жойни кўздан кечирилиши пайтида иштирок этувчи бошқа шахслар билан мазкур жой билан боғлиқ бўлган барча умумий масалаларни биргаликда тадқиқ этади, яъни объектларнинг жойланиши, уларнинг ўзаро бир бирига бўлган масофаси, уларнинг ташқи кўриниши, ҳолатини ўрганади ва тегишли фото, видео, план, схема, чизмалар асосида қайд этади ва кўздан кечириш баённомаси учун зарурий белгиларни қайд этади.

Ходиса содир бўлган жойни умумий кўздан кечириш пайтида статик усул қўлланилади, унинг мазмуни шундан иборатки ходиса содир бўлган жойни кўздан кечирилиши уларда бўлган объектларни жойни бузмасдан кўриқдан ўтказиш билан боғлиқ бўлади. Бу усулни қўлланилиши ходиса содир бўлган жойни ўзгармас дастлабки кўринишида қайд этилишини кафолатлайди.

Умумий кўздан кечиришдан сўнг терговчи батафсил кўздан кечиришга ўтади, ва бунинг натижасида ходиса содир бўлган жойда мавжуд бўлган барча объектларни муфассал кўздан кечириб чиқади.

Ходиса содир бўлган жойни кўздан кечиришнинг четдан марказга қараб (концентрик) усули ходиса содир бўлган жойнинг четидан унинг марказига қараб спиралсимон юриш қилиб кўздан кечиришдан иборат бўлади. Марказ асосида энг муҳим бўлган объект тушунилиши мумкин (масалан, жасад, бузиб очилган сейф, жиноятчи томонидан қолдирилган предмет) ёки фарзли нуқта бўлиши мумкин.

Четдан марказга (концентрик) усулини қуйидаги ҳолларда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади: қачонки ходиса содир бўлган жойнинг марказини аниқлаш қийин бўлса (масалан, катта тўполон уруш бўлган узун хонада ёки очик атроф-жойда); 2) қачонки ходиса содир бўлган жойга юришда четда қолган излар бузилиб қолиши мумкин (масалан, коридор ингичка бўлса, унинг охирида эса олов излари ва жасад ётган бўлса); 3) агар четда бўлган излар умуман йўқ бўлиб кетиш хавфига эга бўлса ва марказдаги изларни сақлаб қолиш ҳеч қандай шубҳа уйғотмаса. Масалан, жиноятчи томонидан хонадонда

қолдирилган излар сақланиб қолиши мумкин, лекин ташқарида бўлган пойафзал излари, транспорт воситаларининг излари, отиб ташланган нарсалар ва бошқа предметлар ҳар қандай вақтда йўқ қилиниши мумкин.

Марказдан четга (эксцентрик) усули марказдан четга қараб спиралсимон юриш асосида амалга оширилади ва ҳодиса содир бўлган жойнинг марказидан унинг четига қараб амалга оширилади. Бу усул, одатда, очик жойда амалга оширилади, агарда ҳодиса содир бўлган жойнинг чегараларини аниқлаш мумкин бўлмаса.

Бир чизик бўйлаб (фронтал) кўздан кечириш майдонларни бир чизик асосида кўздан кечиришдан иборат бўлади ва уларнинг яқинда бўлган чегараларидан узоқ чегараларига қараб амалга оширилади. Бу усул кўздан кечириладиган жойнинг катта бўлганлиги учун ва уни маълум чизикларга бўлиб чиқиш имконияти мавжуд бўлганида амалга оширилади.

Бирма бир кўздан кечириш пайтида ҳодиса содир бўлган жой муфассал равишда тадқиқ этилган бўлиши керак, нима учун? Жинойтчининг пойафзал изларини аниқлаш мақсадида, у томонидан қолдирилган предметларни аниқлаш мақсадида, жинойт қуролини аниқлаш мақсадларида, жинойтчи қийимидаги микроизларни аниқлаш мақсадларида, тўсиқларни синдириш қуролларини аниқлаш мақсадларида. Бунинг учун терговчи ва мутахассис кўздан кечириш пайтида динамик усулни қўллашлари мумкин бўлади (объектлар бунда бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтилади, ағдариб кўздан кечирилади, сурилади).

Жинойтнинг изларини аниқлаш мақсадларида терговчи ёки мутахассис терговчининг топшириғига биноан тергов жомадонида бўлган зарурий техник воситаларини қўллашлари ёки криминалистик транспорт лабораториясида бўлган техник-криминалистик воситалардан фойдаланишлари мумкин.

Барча кўздан кечириладиган объектлар холисларга кўрсатилиши керак. Агарда жинойт излари аниқланса бу ҳолатни холисларга таъкидлаб кўздан кечириш баённомасида қайд қилиш керак бўлади.

Ҳодиса содир бўлган жойда сунъий координат усулидан фойдаланиш мумкин бўлади. Унинг мазмуни шундан иборатки ҳодиса содир бўлган жойда жасадни, ашёвий далилларни ва бошқа объектларни аниқлаш жойларида терговчи (суриштирувчи) маълумотномани тузади ва унда объектни қайси тергов ҳаракатини ўтказиш даврида ва қачон, қаерда аниқланганлиги қайд этилади. Маълумот-

нома икки нусхада тузилади. Унинг бир нусхасини терговчи ва холислар томонидан имзоланган бўлиб, полиэтилен пакетига солиниб, яхшилаб ёпилади (термик усулда) ва маълум жойларга кўмиб қўйилади (масалан: жасаднинг боши, қўллари, оёқлари топилган жойга кўмилади). Иккинчи нусхаси эса терговчи ва холислар томонидан имзоланади ва улар кўздан кечириш баённомасига илова қилинади. Кейинчалик ҳодиса содир бўлган жойда қолдирилган маълумотномалар ўтказиладиган экспериментнинг натижалари ишончли бўлишини текшириш восита бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Агарда ҳодиса содир бўлган жойдан унинг чегараларидан ташқарисида, содир этилган жиноятга нисбатан тегишли объектлар аниқланадиган бўлса (жиноят қуроллари, ўғирланган нарсалар ва ҳоказо), терговчи объектлар топилган жойни кўздан кечириш тўғрисидаги тўхтамга келади. Буни ҳудудни қараб чиқиш дейилади (ҳудди сочни тарагандек) ва у ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш билан бирга ўтказилиши мумкин. Ҳудудни қараб чиқиш олдидан терговчи унинг иштирокчилари олдида тегишли вазифаларни қўйиши мумкин ва бирон объект топилганида уни қўл билан ушлаш, бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш, ҳолатини ўзгартириш мумкин эмаслиги тўғрисида огоҳлантиради. Ҳудудни текширишда иштирок этувчи шахс тегишли объектларни аниқлаб бу тўғрисида албатта терговчига хабар қилади. Терговчи аниқланган объектни жиноятга алоқадорлигини текшириб, шу заҳотиёк холислар иштирокида уни кўздан кечирилади, зарур ҳолларда кўздан кечириш пайтида мутахассис иштирок этади ва бу тўғрисида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида қайд этилади.

Ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган объектлар, терговчининг фикрига кўра ҳодисага алоқадор бўлса, ҳодиса содир бўлган жойда кўздан кечирилади. Кўздан кечириш натижалари ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида қайд этилади. Агарда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш пайтида тегишли нарса ва ҳужжатларни кўздан кечириш учун вақт етишмаса ва имконият бўлмаса, бу ҳолда терговчи олинган нарса ва ҳужжатларни дастлабки терговни ўтказиш жойда кўздан кечириши мумкин бўлади.

Объектлар ёки уларнинг қисмлари, агар уларда жиноят излари аниқланса бевосита фотосуратга олинади узвий ва детал усулларда, шундан сўнг зарурий равишда олинishi шарт. Агарда бу объектлар ёки қисмларни олиш имконияти бўлмаса улардан қолиплар ва изларнинг қолиплари олинади.

Ҳодиса содир бўлган жойдан олинган объектлар ўралади ва муҳрланади. Ишнинг натижалари ва оқибатларига манфаатдор бўлган шахслар баъзи бир ҳолларда терговчини (суриштирувчини) ҳодиса содир бўлган жойдан олинган объектларнинг алмаштирганлигида айблашади. Буни бартараф этиш мақсадларида қуйидаги ҳолда ҳаракат қилиш зарур. Қадокланадиган объектларни қадоклаш жараёнини бевосита холислар иштирокида ўтказиш керак. Ҳар бир қадокланган пакет ундаги бўлган объектлар билан тегишли ёрлик ёрдамида муҳрланган бўлиши лозим ва ёрликда терговчи (суриштирувчи) ва холисларнинг имзолари бўлиши керак. Агар пакетни очиш зарурияти туғилса у холислар иштирокида очилиши лозим. Агарда бу холисларнинг иштирок этиш имконияти бирор-бир сабабларга кўра татбиқ этилмаса, бу ҳолларда қадокловчи бирка холислар иштирокида кўздан кечирилиб, баённомада қайд этилиб, шундан сўнг пакетни очиш мумкин бўлади, очилгандан сўнг нарсани кўздан кечириш баённомасига илова қилиниши керак.

Агарда ҳодиса содир бўлган жойни тўла равишда кўздан кечириш мумкин бўлмаса ва кеч тушиб атроф қоронғу оғушида бўлиб қолса ва сунъий ёритғичлар кўздан кечириш имкониятини тўла равишда таъминлай олмаса, бу ҳолда кўздан кечириш ҳаракати тамомланиб, ЖПКнинг 141-моддасининг талабларига биноан баённома тузилиши шарт. Турли техника воситалари тараққий этган бугунги замонда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасини ёзишдан олдин, аниқроғи ҳодиса жойига тергов-тезкор гуруҳи келиши билан ҳодиса содир бўлган жой мукамал тарзда видеотасвирга олинishi муҳим аҳамиятга эгадир. Ҳодиса содир бўлган жойни тарк этишдан аввал терговчи бу жойни куриқлаш чораларини кўриши лозим. Эртаси куни табиий ёруғлик шароитларида кўздан кечириш давом эттирилиши лозим ва бунда қўшимча ёки қайта кўздан кечириш ҳаракати амалга оширилади. Қўшимча ёки қайта кўздан кечиришни ўтказиш масаласини терговчи аввалги кўздан кечиришнинг тўлиқлиги ва сифатига қараб амалга оширади.

Олиб қўйиш ва тинтувнинг жинойт-процессуал хусусиятлари:

- қарор асосида ўтказилади;
- прокурор рухсати (олиб қўйишда баъзан) талаб этилади;
- кечиктириб бўлмас ҳолатларда тинтув прокурор санкциясиз ҳам ўтказилади, бу ҳақда 24 соат ичида прокурорга хабар бериш шарт;
- икки нафар холис, хона ёки бино эгаси ёки унинг ўрнини босувчи шахс қатнашиши шарт;

Тинтув тергов ҳаракатини ўтказиш хусусиятлари. Тинтувга тайёргарлик кўриш – ташкилий таърифга эга бўлган чора-тадбирлар тизими бўлиб, тинтувнинг мақсадларига етишиш учун амалга оширилади. Мазкур тизимга қуйидаги тадбирлар киради.

1. Зарур маълумотларни тўплаш. Маълумотларни тўплаш бу муайян ҳаракатларнинг комплекси бўлиб, унинг йўналиши сифатида тинтув қилинадиган объектлар тўғрисида маълумотлар олиш, тинтув ўтказиладиган жойнинг шароитлари, қандай объектларни қидириш лозимлиги, тинтув қилинадиган шахслар нима билан шуғулланиши ва улар тўғрисидаги терговни қизиқтирадиган бошқа маълумотларни олишдан иборат бўлади.

Тинтув ўтказиладиган жойнинг шароитлари ва ҳолати тўғрисидаги маълумотларни олиш учун қуйидагиларни аниқлаш лозим: тинтув қилинадиган жойнинг аниқ манзилени аниқлаш; тинтув қилинадиган хонадоннинг жойлашиш схемасини аниқлаш; (тинтув қилинадиган жой кўп қаватли уйдаи ёки алоҳида хонадонми ёхуд хусусий мулк ҳисобланган ҳовлими ёки ҳовлида жойлашган хусусий уйми, мазкур объектда қандай иморатлар мавжуд, агарда уй ер участкасида жойлашган бўлса, унинг ичида ертўласи борми ёки омборхонаси мавжудми ёки бошқа хизмат учун мўлжалланган хонадонлар қурилганми, уларнинг сақланиш, таъмирлаш ҳолати қандай хусусиятларга эга, бу иморатларга олиб бориладиган йўллар, уларнинг ичига кириш йўллари, шу хонадонларда мебелларнинг мавжудлиги, механизмларнинг борлиги, қўшимча чиқиш жойларини мавжудлиги ва қанча ойнаклардан иборатлиги эътиборга олинади).

Тинтувни амалга оширишдан аввал қидирилиши лозим бўлган объектлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўрганилиши лозим: қидириладиган объектларнинг таърифи ва белгилари, уларнинг сони, уларнинг ташқи кўриниши, шакли, катталиги ва ўзига хос хусусиятлари. Изланиши лозим бўлган объектлар тўғрисидаги маълумотлар уларни эҳтимолий яшириб қўйиш жойларини аниқлашга ёрдам беради.

Бундай маълумотларнинг манбалари сифатида: ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, шунингдек кўздан кечириш пайтида топилган излардан тайёрланган қолиплар, жабрланувчиларнинг ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, фуқаровий даъвогарларнинг аризалари, ташкилот, корхона ва муассасалардан, мансабдор шахслар ва фуқаролардан олинган маълумотлар, экспертларнинг хулосалари, тафтиш ва ҳужжатли текширувларнинг далолатномалари, мутахассисларнинг тушунтиришлари, ўғирланган нарсалардан

қолган ва уларни тасдиқловчи техник паспорт ҳужжатлари ёки ўғирланган нарсаларнинг жабрланувчида қолиб кетган қисмлари ва ҳоказо.

Тинтув қилинадиган хонада яшовчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар яширилган объектларнинг қаерда бўлишини аниқлашга ёрдам беради ва бу борада мазкур шахсларнинг ихтисослигига ҳам катта аҳамият бериш зарур, шунингдек тинтув бўладиган жойда яшайдиган шахсларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотларни олиниши тинтувни қандай шароитларда ўтказиш кераклиги ҳақидаги тасаввур шаклланишига хизмат қилади. Шу билан бирга бу шахсларнинг қўлида ўқ отар қурол борлиги ёки улар томонидан жисмоний ёки намойишкорона қаршилик кўрсатиш (шаллақилик, бақирчақир, шовқин солиш) ҳаракатларини қилиш хавфи бор ёки йўқлигига ҳам эътибор қаратиш керак. Бундан ташқари, муайян вазиятда тинтув ўтказиш пайтида муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа маълумотлар ҳам тўплаш керак.

2. Олинган маълумотларни таҳлил қилиш ва тинтувни амалга ошириш режасини тузиш. Олинган маълумотларни терговчи чуқур таҳлил қилиши ва унда қуйидагиларни белгилаб олиши зарур: а) тинтув ўтказиш учун қулай вақт (тинтувни муваффақиятли ўтказилиши билан боғлиқ вақт ва кун белгиланади ва қидириладиган объектларни тез топиш учун қулай шароитлар тайёрланади ва ҳоказо); б) тинтувга чиқадиган гуруҳнинг таркиби тўғрисида; в) тинтувни ўтказишда талаб қилинадиган техник ва техник-криминалистик воситаларни аниқлаштириш.

Тинтувни ўтказиш учун зарур маълумотлар тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи суриштирув органлари томонидан ўз ташаббуси ёки терговчининг топшириғига биноан олиниши мумкин. Шу билан бирга тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотларни овоза бўлмаслиги учун тегишли чора-тадбирларни кўриш талаб қилинади.

3. Тинтувни бошлаш учун ташкилий ҳаракатларни бажариш, яъни жойга билдирмасдан келиш (ҳеч кимни эътиборини тортмасдан ва шубҳа уйғотмасдан), тинтув жойига туташ жойларда ташқи постларни қўйиш мақсадга мувофиқ, (чунки қидирилаётган шахслар яширин йўллар орқали тинтув жойидан қочишга ҳаракат қилишлари мумкин), тинтув иштирокчилари белгиланган жойларни эгаллашларини таъминлаш, тинтувга тўсқинлик қилувчи бошқа ҳолатларни бартараф этиш ва ҳ.к.

Олиб қўйиш ва тинтув баённомасини расмийлаштириш хусусиятлари. Баённомада нарса ва ҳужжатларнинг айнан қаерда ва қандай

шароитда топилганлиги, ихтиёрий равишда берилганлиги ёки мажбурий равишда олинганлиги кўрсатилиши лозим. Барча олинган нарса ва ҳужжатлар баённомада бирма-бир қайд қилиниб, уларнинг миқдори, ўлчови, оғирлиги, ҳар қайсисининг ўзига хос белгилари кўрсатилиши, зарурат бўлган тақдирда ўралиши ва муҳрланиши лозим.

Олиб қўйиш ёки тинтув вақтида изланаётган нарса ва ҳужжатларни йўқ қилишга ёки яширишга уриниш ҳоллари содир бўлган тақдирда, бу ҳол суриштирувчи ёки терговчи томонидан кўрилган чоралар ҳам кўрсатилиб баённомада акс эттирилиши лозим. Шунингдек, баённома қачон ва қаерда тузилганлиги; тинтув (олиб қўйиш)нинг бошланиш ва якунланиш вақти; тинтув (олиб қўйиш)ни ўтказган мансабдор шахснинг лавозими, унвони, ФИО; холисларнинг фамилиялари, исми, шарифи, турар жойи ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар; тергов ҳаракатида иштирок этган бошқа шахслар тўғрисидаги маълумотлар – уларнинг процессуал мақоми, фамилияси, исми, отасининг исми; кимнинг қарорига (унинг номланиши, санаси, ким томонидан санкция берилганлиги) ва ЖПКнинг қайси моддаларига асосан тергов ҳаракати ўтказилганлиги; тергов ҳаракатининг мақсади ва қандай қимматбаҳо нарсалар, ҳужжатлар ва предметларни топилиши кўрсатилиши ва олиб қўйилиши қайд этилиши; иштирокчиларнинг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарлиги тўғрисида тушунтирилганлиги; иштирокчиларга техник воситаларни қўлланилиши тўғрисида огоҳлантирилганлиги, ким ва қандай воситалар қўлланилганлиги кўрсатилиши керак. Булар тасдиқловчи иштирокчиларнинг имзолари қайд этилган бўлиши зарур.

Баённоманинг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилади:

– тинтув (олиб қўйиш) тўғрисидаги қарорни ўқиб эшиттирилганлиги;

– тинтув қилинадиган жойнинг эгасидан уни ихтиёрий равишда жинойт иши бўйича аҳамиятга эга бўлган предметлар, ҳужжатлар ва қимматбаҳо нарсаларни тақдим этилишини сўраганлиги;

– қидирилаётган объектларни ихтиёрий берилганлиги ёки мажбурий равишда топиб олинганлиги;

– объектлар қаерда топилиб, қандай ҳолатда бўлганлиги;

– объектларни яширилган жойи тўғрисидаги маълумотлар;

– объектларни аниқланишида қандай воситалар қўлланилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ва тергов ҳаракатининг жараёни ва натижаларини қайд этилиши;

– қандай хонадон ва ёпилган хоналар мажбурий очилганлиги, қандай сабабларга кўра уларни мажбурий очиш ҳаракатлари ўтказилганлиги, улар қандай қилиб очилганлиги, тинтув қилинаётган шахс шунда қаршилиқ кўрсатгани ёки кўрсатмагани қайд этилади;

– қидириб топилган объектлар устидан бўлган излар тўғрисидаги маълумотлар;

– топилган объектларни холисларга намойиш қилиш ҳаракатлари;

– сақланиши тақиқланган нарсларнинг борлиги ёки йўқлиги;

– топилган объектларнинг ўзига хос аломатлари, белгилари (ташқи кўриниши, реквизитлари ва ҳужжатларнинг мазмуни, предметларнинг номи, сони, вазни, ҳажми, катталиги, ҳолати, нуқсонлари, қадоқланганлик даражаси, маркировкаси, товар белгиларининг борлиги ва ҳоказо), қадоқлаш усуллари. Объектларнинг белгилари ноаниқ бўлса уларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлмайди, масалан «гавҳар кўзли тилла узук» ўрнига «сарик рангли шаффоф тошли узук» деб ёзилса тўғри бўлади, чунки кейинчалик тегишли мутахассис унинг аниқ белгиларини терговга белгилаб беради. Бу объектларни алмаштириб қўйилганлиги тўғрисида шикоятлар бўлмаслиги учун уларни тегишли равишда қадоқлаб, мустаҳкам қадоқ биркаларини ўрнатиб, уларнинг устида холислар ва терговчининг имзоси ва муҳри қўйилган бўлиши шарт;

– тергов ҳаракатининг бошланиши ёки якунланиши пайтида кимдан қандай шикоят, аризалар тушганлиги кўрсатилиши лозим;

– баённоманинг якунловчи қисмида бу ҳужжат билан иштирокчиларнинг танишганлиги ва бўлиб ўтган барча ҳаракатлар ва уларнинг натижаларини тасдиқловчи имзолар билан якунланиши лозим;

– кимдан қандай ариза ва шикоят тушганлиги ва бу шахсларнинг имзоси бўлиши шарт, шундан сўнг терговчининг имзоси қўйилади ва тинтув қилинган шахсга тинтув баённомасининг нусхаси берилганлиги тўғрисидаги имзоси бўлиши лозим.

Экспертиза мустақил тергов ҳаракати сифатида процессуал қоидалар талабларига мос равишда ўтказилиши шарт. Экспертиза жинойт иши қўзғатилмасдан олдин ҳам тайинланиши мумкин. Экспертиза тайинлаш учун аввало асос бўлиши зарур. Ушбу асос процессуал ва тергов ҳаракатлари натижасида олинган маълумотларни махсус текширув ўтказиш орқали аниқлаштириш зарурлигида ифодаланади. Бундай заруратнинг мавжудлиги экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор (ажрим)да баён этилиши орқали эксперт томонидан текшириш ўтказиш мажбурияти юзага келади. Экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да, ЖПК 180-моддасида белгилан-

ганидек, экспертиза тайинлаш учун асос бўлган ҳолатлар, юборилаётган ашёлар ва бошқа объектлар, ушбу объектларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги, объект сифатида жинойт (терговга қадар текширув) иши материаллари тақдим этилаётганда эксперт хулосаси асосланиши керак бўлган ишдаги материаллар, яъни тушунтириш хатлари, сўроқ ва кўздан кечириш баённомалари ҳамда уларнинг иловалари, фотосурат ва чизмалар, ҳал этиш учун қўйилаётган саволлар, экспертизани ўтказувчи муассаса ёки экспертнинг фамилияси кўрсатилиши керак. Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда экспертнинг фамилияси кўрсатилаётган бўлса, экспертнинг муомала лаёқатига эгаллиги, қасддан содир этилган жинойти учун судланганлик ҳолати (ЖПК 174-модда), шунингдек ЖПК 76, 78-моддаларда белгиланган ҳолатлар йўқлиги текширилиши шарт. Шунингдек, қарорда эксперт ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги ҳамда жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилганлиги ҳақидаги қайдлар ёзилиши мумкин. Экспертиза тайинлаётганда бу ҳақда қарор (ажрим) чиқараётган масъул шахс эксперт билан маслаҳатлашиши мумкин.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар:

1. Тергов ҳаракатлари деганда нимани тушунасиз?
2. Тергов ҳаракатлари тизими ва турларини санаб беринг.
3. Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари деганда нимани тушунасиз?
4. Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини санаб беринг.
5. Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларининг суриштирув фаолиятидаги аҳамияти нимадан иборат?
6. Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати сифатида ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш хусусиятларини айтиб беринг.
7. Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати сифатида сўроқ қилиш хусусиятларини айтиб беринг.
8. Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати сифатида экспертиза тайинлаш ва ўтказиш хусусиятларини айтиб беринг.
9. Кечиктириб бўлмас тергов ҳаракати сифатида тинтув ёки олиб қўйиш ўтказиш хусусиятларини айтиб беринг.
10. Бошқа тергов ҳаракатларини кечиктириб бўлмас равишда ўтказиш ўтказиш хусусиятларини айтиб беринг.

VI боб. СУРИШТИРУВНИ ТАМОМЛАШ

«Суриштирувни тамомлаш» тушунчаси. Суриштирувни тамомлаш асослари ва турлари

Суриштирувни тамомлаш деганда жиноят ҳақидаги хабарни текшириш натижасида тўпланган ҳужжатлар мазмунига кўра мазкур материалларни ҳал қилиш, яъни жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки қўзғатилган иш бўйича кечиктириб тергов ҳаракатларини ўтказиб, муддат тугаши билан ёки мавжуд асосларга кўра муддат тугамасдан жиноят ишини терговчи ёки прокурорга ўтказиш жараёни тушунилади.

Жиноят-процессуал кодекснинг 342-моддаси суриштирувни тамомлашга бағишланган бўлиб, унга кўра суриштирув органларининг фаолияти жиноят-процессуал ва тезкор қидирув функцияларини бажаришга қаратилган. Суриштирув органи биринчи турдаги фаолият бўйича жиноят иши қўзғатилганидан кейин кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини бажариб, белгиланган муддатда ишни терговчига оширади ёки ЖПКда назарда тутилган қарорлардан бирини қабул қилиши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига биноан, суриштирув органларининг фаолиятига анча аниқлик киритилди, яъни ушбу кодекснинг 345-моддасида «Барча ишлар юзасидан дастлабки тергов ўтказиш шарт» деб белгилаб қўйилди. Бу эса илгари амалда бўлган ЖПКлари билан белгилаб қўйилган суриштирув органлари томонидан жиноят ишлари юзасидан дастлабки терговни тўлиқ ўтказган ҳолда ишни айблов хулосаси билан судга юбориш, ишларни судга қадар баённома шаклида юритиш тартибларига чек қўйди. Аммо Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги Фармони талабларига кўра, 2017 йилнинг июнидан суриштирув органига ишни соддалаштирилган тартибда, яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан тергов органига ўтказмасдан ишни айблов ҳужжати билан судга юбориш имкони яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 339-моддасида суриштирувнинг вазифалари белгилаб қўйилган бўлиб, суриштирув органлари қуйидаги мақсадларда кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини амалга оширадilar:

- 1) жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик;

- 2) далилларни тўплаш ва сақлаш;
- 3) жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш ва яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш;
- 4) жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш.

Суриштирув органлари зиммасига жиноят аломатларини ва жиноят содир этган шахсларни топиш, ЖПКнинг қоидаларига мувофиқ текшириб чиқилганидан сўнг жиноят иши юзасидан далил тариқасида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш мақсадида илмий-техник воситаларни қўллаган ҳолда зарур чораларни кўриш юклатилган.

Шунингбек ушбу моддада суриштирувни олиб боришга маъсул бўлган Ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, давлат божхона хизмати органлари ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари бу мақсадда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишга ҳақлидир деб кўрсатиб ўтилган.

Суриштирувчи юқорида санаб ўтилган вазифаларни бажариб, 10 суткадан ошмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 342-моддасида белгилаб қўйилган тартибда суриштирувни тамомлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 342-моддасининг 1-қисмига кўра суриштирувни тамомлаш турлари куйидагилар:

- 1) жиноят иши юзасидан дастлабки терговни давом эттириш учун ишни терговчига ўтказиш ҳақида қарор чиқариш билан;
- 2) ишни тарафларнинг ярашуви учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан;
- 3) амнистия актига асосан жиноят ишини тугатиш ҳақида судга илтимоснома киритиш тўғрисида такдимнома билан прокураторга юбориш орқали.

Бундан ташқари, суриштирув ҳали жиноят иши қўзғатилмасдан туриб суриштирув ҳаракатлари олиб борилаётган ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақидаги қарор чиқариш ёки амнистия актини қўллаб иш қўзғатишни рад этиш учун судга юбориш билан тамомланади.

ЖПКнинг 342-моддасининг 2-қисмида суриштирувчи қандай ҳолларда суриштирув учун белгиланган 10 кунлик муддати ўтишини кутмасдан, жиноят ишини терговчига ёки прокураторга ўтказиш лозимлиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 342-моддасининг 2-қисмига кўра суриштирувчи қуйидаги ҳолларда суриштирув муддати ўтишини кутмасдан ишни дарҳол терговчи ёки прокурорга ўтказиши зарур:

1) оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;

2) гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса;

3) ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса;

4) терговчи ишнинг ўз юритувига берилишини талаб қилган бўлса.

Булардан ташқари, суриштирувни тамомлашга қуйидагилар асос бўлади:

5) жиноят иши кўзғатишни рад этиш асослари мавжудлиги;

б) суриштирув муддатининг тугаши;

Жиноят ишини томонларни ярашганлиги муносабати билан кўриб чиқиш учун судга юбориш ҳақида қарор билан ёки шахсга амнистия актини қўллаган ҳолда жиноят ишини тугатиш масаласини ҳал этиш юборилаётган ҳолларда бу ҳақда манфаатдор томонларга хабар берилиши лозим.

Суриштирувни муддатидан олдин тамомлаш асослари ва процессуал тартиби

Суриштирувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 342-моддасининг 2-қисмига мувофиқ суриштирув юритиш муддати ўтишини кутмасдан ишни дарҳол терговчига ёки прокурорга ўтказиши лозим, башарти:

1) оғир ёки ўта оғир жиноят аниқланган бўлса;

2) гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса;

3) ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса;

4) терговчи ишнинг ўз юритувига берилишини талаб қилган бўлса.

Ушбу бандларни ҳар бирини батафсил кўриб чиқамиз.

1) оғир ва ўта оғир жиноят аниқланган бўлса -

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 15-моддасининг тўртинчи ва бешинчи қисмида оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноятлар курсатилган бўлиб, унга мувофиқ:

а) оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

б) ўта оғир жиноятларга эса, қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Демак, суриштирувни олиб бориш жараёнида, тўпланган далилларга кўра содир этилган қилмиш оғир ва ўта оғир жиноят этилганлиги маълум бўлиб қолган тақдирда, суриштирувчи суриштирув давом эттиришга ҳақли эмас.

2) гумон қилинувчига нисбатан қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки муайян шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишига жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса –

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексининг 242-моддасида қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашнинг асослари кўрсатилган бўлиб, ушбу модда қуйидаги мазмунда, яъни:

Эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олиш Жиноят кодексида уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир ҳамда эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексида беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қўлланилади.

Алоҳида ҳолларда қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича қуйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда:

айбланувчи, судланувчи тергов ва суддан яширинганида;

ушлаб турилган гумон қилинувчининг шахси аниқланмаганида;

илгари қўлланилган эҳтиёт чораси айбланувчи, судланувчи томонидан бузилганида;

ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи, судланувчи Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлмаганида;

жиноят қамок ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даврида содир этилганида қўлланилиши мумкин.

Ушбу модда талабидан келиб чиқиб, жиноят содир этганлиги сабабли жиноят ишига жалб қилинган шахсга «Қамоққа олиш» тарзидаги эҳтиёт чораси танлаш зарурияти туғилганда, суриштирув тамомланиб, жиноят иши тергов органига юборилиши лозим.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодекс мазкур моддаси иккинчи қисми 2-банди талабларига мувофиқ агар суриштирувчи томонидан шахсни айдланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш учун асослар аниқланган бўлса ҳам жиноят иши тергов органи ихтиёрига ўтказилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 361-моддасига асосан шахсни жиноят ишига айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш ҳақида терговчи ва прокурор қарор чиқаради, унда 1) айбланувчи тариқасида жалб этилаётган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган куни, ойи ва йили; 2) айбловнинг мазмуни, яъни шахснинг зиммасига қўйилаётган жиноят ҳодисаси, у содир этилган жой, вақт ва бошқа муҳим ҳолатлар баёни; 3) Жиноят кодексининг ушбу жиноятни назарда тутган моддаси, қисми, банди акс эттирилиши, шунингдек Жиноят кодексининг турли моддалари, қисмлари ёки бандларида назарда тутилган бир неча жиноятни содир этишда айблаганда, бу жиноятлардан ҳар бирининг моҳияти ва юридик тавсифи алоҳида кўрсатилиши лозим. Қарорнинг хулоса қисмида мазкур шахсни ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш тўғрисида тўхтамга келинганлиги ифодаланиши керак.

3) ишни тугатиш учун асослар аниқланган бўлса –

ЖПКнинг 373-моддаси жиноят ишини тугатиш асослари санаб ўтилган, унга кўра жиноят иши ЖПКнинг 83 ва 84-моддаларида назарда тутилган асослар мавжуд бўлганда тугатилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси – Реабилитация учун асослар.

Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи қуйидаги ҳолларда айбсиз деб топилади ва реабилитация этилиши лозим:

1) иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

2) унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

3) унинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса.

84-модда. Айблилик тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят ишини тугатиш учун асослар

Қуйидаги ҳолларда шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозим, башарти:

- 1) шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса;
- 2) эълон қилинган амнистия акти содир этилган жиноят ёки шахсга дахлдор бўлса;
- 3) айбланувчи, судланувчи вафот этган бўлса;
- 4) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса;
- 5) шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ишни тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёхуд ишни тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса;
- 6) иш фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзғатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ЖПК 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;
- 7) шахс ижтимоий хавфли қилмиш содир этган пайтда жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаган бўлса;
- 8) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса.

Шахсга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш, томонларни ярашганлиги муносабати билан, ҳамда шахсга амнистия актини қўллаган ҳолда жиноят ишини тугатиш тартиблари Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 61-63 бобларида кўрсатиб ўтилган.

Жиноят иши қуйидаги ҳолларда шахснинг розилиги билан унинг айблилиги ҳақидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилиши мумкин, башарти:

- 1) ишни тергов қилиш ёки судда кўриб чиқиш пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилиқ хусусиятини йўқотган ёхуд вазият ўзгариши оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса;
- 2) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган бўлса;
- 3) содир этилган қилмишнинг хусусиятини, биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этганнинг шахсини ҳисобга олиб, материалларни вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга қараб чиқиш учун бериш мақсадга мувофиқ бўлса.

4) *Терговчи ишининг ўз юритувига берилишини талаб қилган бўлса –*

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда қандай ҳолларда терговчи жиноят ишини ўз юритувига беришни талаб қилиши белгилаб қўйилмаган. Шундай экани терговчи бирор-бир зарурият туфайли жиноят ишини унга берилишини оғзаки ёки ёзма равишда талб қилган тақдирда суриштирувчи жиноят ишини терговчига ўтказиши лозим.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳар қандай ҳолатларда ҳам суриштирувчи ишни терговчига ўтказиш ҳақида қарор чиқаради ва қарорда асослардан тегишлиларини кўрсатиб ўтиши лозим.

Суриштирувни тарафларнинг ярашуви ёки амнистия актига асосан тамомлашнинг процессуал тартиби

Ўзбекистон Республикасида давлат томонидан амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш ташкил қилади. Бу йўналишдаги ислохотларнинг асосий мазмунини инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида тан олиш, жазо чораларини либераллаштириш, давлат органлари халқ иродасини ифода этиши, судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсиниши, жамиятда шахс эркинлиги принципларидан келиб чиқади.

Жиноят-процессини либераллаштириш тарихий шарт-шароит билан узвий боғлиқ. Инсон тақдирини ва ҳақ-ҳуқуқларини белгиловчи қонунларни такомиллаштириш ва уни инсон манфаатларини ҳимоя қилишга қаратиш либераллаштиришнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Умуман жиноий жазоларни либераллаштириш борасида бир қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилди. Жумладан, жиноят қонунидаги жазо чоралари енгиллаштирилди, ўлим жазосини бекор қилинди, шунингдек 2001 йил 29 августда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» қонун қабул қилинди. Бу қонуннинг қабул қилиниши билан Жиноят кодексига янги 66¹-модда (Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш) ва Жиноят-процессуал кодексига 62-боб (Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш) киритилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабр-

даги ЎРҚ-193-сон Қонунига мувофиқ Жиноят-процессуал кодексга янги 63-боб (Ишни судга қадар юритиш босқичида амнистия актини қўллаш) киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «...жабрланувчи билан ярашув тўғрисидаги алоҳида тоифадаги ишларни юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим кадам бўлди. Бунинг замирида шарқона қадриятлар, миллий урф-одатлар, адолат ҳамда кечиримлик ва албатта қонун устуворлиги мавжуд».

Ярашув тўғрисидаги ишлар ЖПКнинг 62-боби (Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш)да назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

ЖПКнинг 583-моддасига асосан ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин.

Аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт.

Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.

ЖПКнинг 584-моддасига асосан жиноят ишини судга юбориш тартиби қайд этилган. Унга асосан суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарорнинг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилади: жиноят иши қўзғатилишининг асослари, ишда гумон қилинувчи, айбланув-

чи сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, улар айбланаётган қилмишлар ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, шунингдек ярашув тўғрисидаги аризанинг мазмуни ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчининг аризага муносабати.

Қарорнинг қарор қисмида:

- 1) ишни судга юбориш тўғрисидаги;
- 2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги, шунингдек фуқаровий даъво ни таъминлаш чоралари тўғрисидаги;
- 3) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарор кўрсатилади.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, барчаси билан ҳам ярашувга эришилган бўлмаса, ярашувга эришилмаган гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга тааллуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади, бу ҳақда қарорда кўрсатилади.

Иш қарор чиқарилганидан кейин уч сутка ичида прокурорнинг розилиги билан судга юборилади.

Суриштирув тамомланганлиги ҳақида жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар хабардор қилиниши мумкин.

Жиноят иши юзасидан суриштирув олиб бориш даврида амнистия актини қўллаш, Амнистия актини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишини қайси шахсга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масала кўйилаётган бўлса, ўша шахсининг, гумон қилинувчининг аризаси ҳамда амнистия актига асосан жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш ҳақида ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборади.

Агар бир неча шахсга нисбатан жиноят иши бўйича улардан лоақал биттаси амнистия актининг таъсир доирасига тушса, унга нисбатан жиноят ишининг қисми амнистия актини қўллаш тўғрисида судга илтимоснома киритиш учун ЖПКнинг 332-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан алоҳида иш юритишга ажратилиши мумкин.

Амнистия актини қўллаш тўғрисидаги ариза терговга қадар текширув қайси шахсга нисбатан ўтказилаётган бўлса, уша шахс ёки гумон қилинувчи томонидан, тегишинча терговга қадар ўтказилган текширувнинг ёки суриштирувнинг ва исталган босқичида берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 589-моддасида «Жиноят ишени қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишени тугатиш ҳақидаги илтимосномани судга киритиш тўғрисидаги масаланинг прокурор томонидан кўриб чиқиш тартиби» кўрсатилган бўлиб, унга кўра:

Прокурор суриштирувчининг, терговчининг тақдимномаси асослилигини текшириб унга рози бўлган тақдирда, амнистия актига асосан жиноят ишени қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишени тугатиш ҳақидаги илтимосномани терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёхуд жиноят иши билан бирга судга юборади. Прокурор илтимосномани терговга қадар ўтказилган текширув материаллари ёки жиноят иши унга келиб тушган кундан эътиборан беш суткадан кечиктирмай судга юбориши лозим.

Жиноят ишени қўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишени тугатиш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш учун асослар бўлмаган тақдирда, прокурор терговга қадар ўтказилган текширув материалларини ёки жиноят ишени суриштирувчига ёхуд терговчига қайтариш ҳақида асослангилан қарор чиқаради. Прокурорнинг қарори устидан юқори турувчи прокурорга шикоят берилиши мумкин.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар:

1. Суриштирувни тамомлаш деганда нимани тушунасиз?
2. Суриштирувни тамомлаш асосларини санаб беринг
3. Суриштирувни тамомлашнинг қандай турларини биласиз?
4. Суриштирувни муддатидан олдин тамомлаш асосларини санаб беринг.
5. Суриштирувни тамомлашнинг процессуал тартиби қандай?
6. Суриштирувни тарафларнинг ярашуви асосида тамомлаш шартлари нималардан иборат?
7. Суриштирувни тарафларнинг ярашуви асосида тамомлаш тартиби қандай?
8. Суриштирувни амнистия актига асосан тамомлашнинг шартларини айтиб беринг.
9. Суриштирувни амнистия актига асосан тамомлашнинг процессуал тартибини тушунтиринг.

VII боб. СУРИШТИРУВЧИ ТОМОНИДАН ТЕРГОВЧИ ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ

Суриштирувчи томонидан терговчининг топшириқларини ижро этиш вазифасининг мазмуни ва аҳамияти

Содир бўлган жиноятларни очиш ва тергов ҳаракатларини ўтказишда, терговчи суриштирув органларига топшириқлар, кўрсатмалар бериши ва уларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Терговчи ўз иш юритувида бўлган жиноят ишлари, шунингдек текширувидаги жиноят ҳақидаги ариза ва бошқа хабарлар бўйича суриштирув органига тергов ҳаракатларини ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисида топшириқлар беришга ҳақли. Суриштирувчи томонидан бу каби топшириқларни бажариш мажбурияти Жиноят-процессуал кодекси 39-моддаси талабларидан келиб чиқади.

Суриштирувчи томонидан терговчининг топшириқларини ижро этиш мажбурияти жиноят-процессининг вазифаларини самарали ижро этишга шароит яратишга йўналтирилган бўлиб, судга қадар иш юритувида жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини амалга оширувчи кучларни бир мақсад сари бирлаштиришга ва улар фаолиятини мувофиқлаштиришга хизмат қилади.

Суриштирувчи томонидан терговчининг топшириқларини ижро этиш деганда, терговчи томонидан ёзма ёки оғзаки шаклда, жиноят-процессуал қонунга асосан ўз юритувидаги жиноят ишидан келиб чиққан ҳолда бериладиган, дастлабки терговнинг вазифалари ижросига қаратилган, жиноятни тез ва тўла очиш, айбдорларни фош этиш мақсадида муайян тергов ҳаракатини бажариш, тезкор-қидирув тадбирини ўтказиш ёки тергов ҳаракатини бажаришга кўмаклашиш ҳақидаги топшириқни белгиланган муддатда адо этиш, амалга ошириш ва унинг натижалари ҳақида терговчига хабар қилиш тушунилади.

Терговчининг ўз иш юритувида бўлган жиноят ишлари бўйича суриштирув органларига берадиган топшириқлари, кўрсатмалари ва талабларини процессуал жиҳатдан қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- 1) тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақидаги;
- 2) тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақидаги;
- 3) тергов ҳаракатини ўтказишга кўмаклашиш ҳақидаги.

Терговчининг топшириқ, кўрсатма ва талаблари ёзма ва оғзаки шаклларда бўлиши мумкин. Шу ўринда топшириқ, кўрсатма ва талабнинг мазмунини ёритиб ўтиш, уларни бир биридан ажратган ҳолда таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида келтирилишича, *топшириқ* деганда, кимсанинг зиммасига юклатилган иш, вазифа маъноси тушунилади. *Кўрсатма* деганда, қандай ҳаракат қилиш, ишлаш лозимлигини кўрсатувчи йўл-йўриқ; қўлланма маъноси тушунилади. *Талаб* деганда эса қатъият билан қилинган сўров, илтимос ёки бажарилиши шарт ва тақозо этиладиган нарса маъноси тушунилади.

Шунга кўра терговчининг топшириғи, терговчининг кўрсатмаси ва терговчининг талаби мазмуни ҳам бир биридан фарқ қилади.

Терговчининг топшириғи деганда, суриштирувчи зиммасига юкланадиган, асосан натижага эришиш, аниқ мақсадга қаратилган умумий мазмундаги чора-тадбирларни амалга ошириш акс этган ёзма ҳужжат ёки оғзаки муносабат (қарор) тушунилади. Масалан, жинойтни очиш ёки қидирувдаги шахсни топиш учун кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақидаги топшириқлар.

Терговчининг кўрсатмаси деганда, муайян тергов ҳаракати ёки тезкор-қидирув тадбирини аниқ кўрсатилган йўл-йўриқ асосида бажариш зарурлиги акс этган ҳужжат ёки оғзаки қарор тушунилади. Масалан, аниқ манзилда тинтув, кўздан кечириш, аниқ шахсларни гувоҳ тариқасида сўроқ қилиш тергов ҳаракатларини муайян изчилликда амалга ошириш ҳақидаги кўрсатмалар.

Терговчининг талаби деганда, муайян ҳаракат ёки шартни бажариш қатъий сўралган ҳужжат ёки оғзаки қарор тушунилади. Масалан, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришга кўмаклашиш ёки мавжуд маълумотларни тақдим этиш ҳақидаги талаб, шунингдек йўл қўйилган ёки аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш ҳақидаги талаб.

Терговчи тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида суриштирув органларига топшириқ беришига ушбу тергов ҳаракатини терговчининг шахсан ўзи ўтказиш имконияти етарли бўлмаган ҳолларда зарурат сезилади.

Ички ишлар органлари амалий фаолиятида бу каби топшириқлар кўздан кечириш, тинтув, олиб қуйиш, мол-мулкни хатлаш, экспертиза учун намуналар олиш ва бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш учун топшириқлар беради. Бундай ҳолларда терговчи ЖПКда талаб қилинадиган ҳолларда қарор чиқариши шарт.

Тезкор қидирув тадбирларини амалга ошириш бўйича терговчи суриштирув органига жинойт содир этган шахсни топиш, айбланувчининг яширинган жойини аниқлаш, уни ушлаш чораларини кўриш

ҳамда жабрланувчиларни, гувоҳларни, ашёвий далиллар ва бошқа суриштирув ишларини бажариш учун топшириқлар беради.

Айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш баъзида катта куч ва кўп вақт талаб қилади. Бу каби вазиятларда терговчи ёрдам олиш мақсадида суриштирувчилардан ушбу тергов ҳаракатларини ўтказишда кўмаклашишни талаб қилиши мумкин.

Умуман олганда суриштирувчи томонидан терговчининг топшириқларини ижро этиш вазифаси жиноят-процессда муайян аҳамият касб этади. Жумладан, жиноятчиликка қарши кураш, айниқса фош этилмаган жиноятларни очиш, жиноят содир этган шахсни аниқлаш комплекс фаолият эканлиги, бир вақтда бир неча органлар томонидан амалга оширилиши, ушбу органлар ўзаро мувофиқлашган ва ҳамкорликда ишни ташкил этиши зарурлиги, шунингдек фаолиятнинг самарадорлигини таъминлаш учун ҳам мазкур вазифа суриштирувчининг зиммасига жиноят-процессуал қонунчиликда мажбурият сифатида белгиланган.

Суриштирувчи томонидан терговчининг топшириқларини ижро этиш вазифасининг процессуал аҳамияти қуйидагиларда кўзга ташланади:

1) жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш ва самарали ташкил этиш;

2) жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдорларни фош этиш самарадорлигини таъминлаш;

3) жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритишда терговчи ва суриштирувчиларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш;

4) жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар имкониятларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;

5) терговчининг жиноятларни тергов қилишдаги раҳбарлиги ва масъулиятли ўринга эгаллигини таъминлаш;

6) жиноят-процессининг вазифаларини тезкор-қидирув органларининг куч, восита ва усулларида фойдаланган ҳолда амалга ошириш имкониятини яратиш;

7) терговчи ва суриштирув органлари зиммасидаги умумий вазифани бажаришда изчиллик, ташкилийлик, тезкорлик, самарали бошқарувни таъминлаш ва бошқалар.

Шу билан бирга қайд этиш жоизки, суриштирувчи томонидан терговчининг топшириқларини ижро этиш вазифаси жиноят-процессининг айблов, тергов, жиноятларнинг олдини олиш ва бошқа функциялари муваффақиятли амалга оширилишига хизмат қилади.

Суриштирувчи томонидан терговчининг тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш мажбурийлиги, шартлари, тартиби ва муддатлари

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 343-моддасида терговчининг суриштирув органларига тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишни топшириши, топшириқни бажариш тартиби ва муддатлари кўрсатилган.

Терговчининг топшириғи суриштирув органи бошлиғига ёзма равишда берилади. Бунда суриштирув органи бошлиғи терговчининг топшириғини ижро этиш учун суриштирув ходимиغا топширади ва уни назорат қилиб боради.

Оғзаки бериладиган топшириқлар амалиётда суриштирувчи тергов-тезкор гуруҳ таркибида бўлганда, жиноят иши бўйича тузилган режа асосида берилади ва унинг ижроси тергов-тезкор гуруҳи раҳбари томонидан назорат қилинади.

Суриштирувчи томонидан терговчининг тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш мажбурийлиги амалдаги қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган. Жумладан, Жиноят-процессуал кодекси 36, 39, 343, 347-моддалари талабларига кўра суриштирувчи терговчи томонидан ўз иш юритувидаги жиноят иши юзасидан берган топшириқ, кўрсатма ва талабларини бажариши мажбурийлиги қайд этилган. Топшириқни ижро этиш мажбурийлиги мазмунан терговчи томонидан қонун доирасида берилган ҳар бир топшириқ белгиланган муддатларда ҳеч қандай истисносиз бажарилиши зарурлиги, суриштирувчи топшириқни бажаришмаслиги мумкин эмаслиги, шу билан бирга топшириқ бажарилганда ҳам ижро натижалари билан бирга, қўшимча тўплаган материалларини ҳам тақдим этиши шарт.

Агарда топшириқ ўз вақтида бажарилмайдиган бўлса ёки ижрога тўсқинлик қилувчи ҳолатлар вужудга келса, ёхуд муддат камлик қилса, суриштирувчи бу ҳақда дарҳол терговчини хабардор қилиши ва унинг кўрсатмасига асосан ҳаракатланиши шарт.

Суриштирувчи томонидан терговчининг тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш шартлари деганда терговчи томонидан белгиланадиган топшириқда акс этган ҳаракат ёки тадбирни ўтказишда эътибор

қаратиш зарур бўлган ҳолатлар, ҳаракатни бажариш усуллари, ижро натижаларини тақдим этиш оид тавсиялар, умуман олганда ҳаракатланиш йўриқлари тушунилади. Топшириқни ижро этиш шартлари суриштирувчига тергов ҳаракати ёки тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда муайян йўналиш сифатида хизмат қилади.

Суриштирувчи томонидан терговчининг тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш тартиби ва муддатлари деганда, терговчининг топшириғида бажариш талаб этилаётган ҳаракатлар ёки тадбирларни ўтказиш тартибига оид амалдаги қонунда акс этмаган, терговчи ўзи белгилайдиган топшириқ ижросини осонлаштириш ёки самарали бўлишига хизмат қиладиган қўшимча қоидалар тушунилади.

Суриштирув органларига берилган топшириқни бажариш муддати қонунда кўрсатилмаган, аммо амалиётда терговчининг ўз топшириқларини, яъни амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар, тезкор-қидирув тадбирларининг сони, амалга ошириш жараёни учун кетадиган вақт ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда маъхлум бир муддатни белгилайди, мисол учун 10, 15, 20 суткалик ёки бир ой. Муҳими суриштирувчи топшириқдаги кўрсатилган муддатда уни бажариш чорасини кўриши шарт.

Кўрсатилган муддатда топшириқни бажаришнинг имкони бўлмаса суриштирувчи, топшириқ берган терговчидан муддатни узайтиришни сўраши мумкин. Бундан ташқари, суриштирувчи терговчидан топшириқ буйича қўшимча маълумотлар сўраш, терговчида мавжуд маълумотлар билан танишиш ҳуқуқига эга.

Суриштирув органи жиноят иши бўйича берган топшириқлари, кўрсатмалари бажарилганлиги ҳақида терговчига ёзма равишда жавоб бериши зарур.

Терговчининг топшириғи бўйича ўтказилган тергов ҳаракатлари натижасида тўпланган маълумотлар терговчи томонидан баҳоланади ва далил сифатида эътироф этилиб ишга қўшилади.

Терговчининг жиноят ишлари бўйича берилган топшириқларини тўла, қонунга асосланган ва ўз вақтида бажарилишида тергов ва суриштирув органлари раҳбарларининг ҳамкорлиги, ўзаро муносабатлари муҳим ўрин тутди.

Терговчининг топшириқларини бажариш натижаларини процессуал расмийлаштириш тартиби

Терговчининг топшириқлари, кўрсатмалари суриштирув органининг бошлиғи номига ёзилади ва котибиятда рўйхатдан ўтказилиб суриштирувчига берилади. Жиноят ишлари буйича терговчининг суриштирув органларига юборадиган топшириқлари, кўрсатмалари Жиноят-процессуал кодекснинг ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан қабул қилинган буйруқлар талабларига тўла мос ҳолда бўлиши керак ва унинг ижроси ҳам қонунга асосланган бўлиши лозим. Бу жиноятни очиш, жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва унинг айбини фош этишда, далилларни тўплаш ва ҳақиқатни аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тергов амалиётда очилмаган жиноятлар буйича терговчи томонидан суриштирув органларига бериладиган топшириқлар ва кўрсатмалар кўпинча бир хил шаклда, ўхшаш мазмунда бўлади, ушбу топшириқ ва кўрсатмаларнинг ижроси ҳам қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Терговчининг топшириқларини бажариш натижалари жиноят-процессуал қонун талаблари асосида расмийлаштирилиши топшириқларни бажаришнинг зарурий шартидир. Топшириқларни бажариш натижаларини расмийлаштириш топшириқда акс этган муайян тергов ҳаракатини ўтказиш, унинг жараёни ва натижаларини тегишли процессуал ҳужжатда (баённомада) қайд этиш, ўтказилган тергов ҳаракати натижасида олинган ашёлар, ҳужжатлар, намуналар Жиноят-процессуал кодексида белгиланган тартибда олиб урилиши ва муҳрланишини, олинган нарсалар баённомада батафсил акс этишини таъминлаш ва терговчига тақдим этишда ифодаланadi. Терговчининг топшириқларини бажариш натижалари тергов ҳаракати баённомаси, қарор, режалар, схемалар, чизмалар, маълумотномалар, аудио-видео ёзувлар, фотосуратларда қайд этилиши мумкин. Расмийлаштиришда энг кўп қўлланиладиган баённома, маълумотнома, қарорни расмийлаштириш ҳақида кенгроқ ёритиш орқали терговчининг топшириқларини бажариш натижаларини расмийлаштириш хусусиятларини баён этиш мақсадга мувофиқ.

Қарор – судга қадар иш юритуви жараёнида чиқариладиган муайян ҳаракатни бажариш ҳақида вазифа юкланган, ҳаракатни бажариш асослангандир расмийлаштирилган процессуал ҳужжат. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини ўрганиш жиноят иши бўйича дастлабки тергов ва суриштирув давомида юзага келадиган масалалар юзасидан

(жиноят ишини кўзғатиш, ишни ўз юритувига олиш, ишни терговга тегишлилиги бўйича юбориш, шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш, эҳтиёт чорасини танлаш, экспертиза тайинлаш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш ва бошқалар тўғрисида) олтмишдан ортиқ турли қарорлар чиқарилиши мумкинлигини кўрсатмоқда.

Қарор уч қисмдан иборат бўлади: кириш, тавсиф-асослантириш ва хулоса.

Кириш қисмида ҳужжат номи, у тузилган жой ва сана, уни ким (эгаллаб турган лавозими, махсус унвони, фамилияси ва исми-шарифи) ва қайси иш бўйича тузганлиги кўрсатилади.

Тавсиф-асослантириш қисми қарорда марказий ўрин тутди. Айнан унда нима аниқланганлигига доир аниқ ҳолатлар келтирилади; ушбу ҳолатлардан қандай хулоса келиб чиқаётганлиги кўрсатилади; бирга олинганда чиқарилган қарорнинг асосланганлиги ҳақида фикр юритиш имконини берадиган мотивлар келтирилади; шахс ушбу қарорни чиқараётганда асосланган қонунга ҳавола қилинади.

Хулоса қисмида чиқарилган қарор баён этилади. Ушбу қарорнинг кириш ва тавсифловчи қисмдан мантиқан келиб чиқиши керак. Хулоса қисмида бошқа кўрсатувлар ҳам берилиши мумкин, масалан, ишнинг бундан кейинги йўналиши (жиноят иши кўзғатиш ҳақида қарор чиқарилганда), қарорнинг нусхасини ижро этиш учун юбориш ҳақида (эҳтиёт чорасини танлаш ҳақидаги қарорда – қамоққа олиш учун), қарорнинг нусхасини прокурорга юбориш ҳақида ва б.

Қарорни уни чиқарган шахс имзолайди. У тергов юритилаётган тилда тузилади ва у тааллуқли бўлган барча фуқаролар ҳамда мансабдор шахслар учун мажбурийдир. Баъзи қарорлар прокурор рухсати (санкция)дан сўнг ёки тасдиқлаганидан кейин ёхуд розилиги олингандан сўнггина юридик кучга эга бўлади.

Баённома – терговчи ёки суриштирувчи тергов ҳаракатларининг тартиби ва натижаларини қайд этадиган процессуал ҳужжат. Баённомани терговчи ёки суриштирувчи бажарадиган ҳар бир процессуал ҳаракатни амалга ошириш жараёни ва натижаларини ифодалайдиган процессуал ҳужжат деб таърифлаш ҳам мумкин. Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида тергов ҳаракатларини ўтказиш билан алоқадор қирқдан ортиқ баённомаларни тузилиши ҳақида қоидалар белгиланган. Тергов ҳаракатларининг хусусиятларидан келиб чиқиб баённомаларнинг учта асосий тури фарқланади:

1) гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳни сўрок қилиш ва юзлаштириш баённомалари;

2) кўздан кечириш, гувоҳлантириш, тинтув, олиб қўйиш, ушлаб туриш, эксперимент ўтказиш вақтида ҳамда таниб олиш учун кўрсатиш чоғида аниқланган далиллар тасдиқланадиган баённомалар – далилларнинг мустақил манбаи бўлади;

3) баъзи баённомалар жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг бажарилганлигини қайд этиш учун тузилади. Уларга айбланувчининг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарор билан таништирилганлиги ҳақидаги; корхона, муассаса, ташкилотларнинг мансабдор шахсларига жиноят туфайли уларга моддий зарар етказилган бўлса, улар фуқаролик даъвоси кўзғатиш ҳуқуқига эга эканликлари тушунтирилганлиги ҳақидаги; ярашув институти ёки амнистия акти мазмуни, шартлари ва ҳуқуқий оқибатлари тушунтирилганлиги ҳақидаги; дастлабки тергов тамомланганлиги ҳақидаги; айбланувчига ёки унинг ҳимоячисига иш материаллари таништирилганлиги ҳақидаги баённомалар киради.

Баённомаларда тергов ҳаракати бажарилган жой ва сана; ушбу ҳаракат бошланган ва тамомланган вақт; баённомани тузган шахснинг лавозими, махсус унвони, фамилияси ва исми-шарифи; тергов ҳаракатида иштирок этган ҳар бир шахснинг фамилияси ва исми-шарифи, зарур ҳолларда эса – уларнинг манзили; тергов ҳаракатининг мазмуни ва уни амалга ошириш чоғида аниқланган иш учун муҳим бўлган ҳолатлар кўрсатилади.

Агар тергов давомида фотосуратга, кинога олиш, овоз ёки видеоёзув усулларида фойдаланилган ёки излардан кўчирмалар олинган бўлса, баённомада тегишли тергов ҳаракатини амалга ошириш давомида қўлланилган техника воситалари, улардан фойдаланиш шароитлари, ушбу воситалар қайси объектларга нисбатан қўлланилганлиги кўрсатилади. Баённомада, шунингдек, тергов ҳаракатини амалга оширишда иштирок этган шахслар техника воситаларини қўллашдан аввал бу тўғрида хабардор қилинганликлари таъкидланиши керак.

Баённомада у тергов ҳаракатида иштирок этган барча шахсларга ўқиб эшиттирилганлиги ёки ҳар бир иштирокчига унинг мазмуни билан шахсан танишиш имкони берилганлиги; уларга баённомага киритилиши лозим бўлган фикр-мулоҳазалар билдириш ҳуқуқи тушунтириб берилганлиги кўрсатилади. Ушбу ҳужжатни унинг хусусиятидан келиб чиқиб, терговчи ва тергов ҳаракатида иштирок этган бошқа

шахслар (сўроқ қилинган шахс, таржимон, холис ва ҳ.к.) имзолайдилар. Унга тергов давомида бажарилган фотонегативлар ва суратлар, диапозитивлар, фонограммалар, видеоёзув кассета ёки дисклари, режа, чизма, қайднома, из нусхалари ва қолиплари илова қилинади.

Баённома тергов ҳаракати (масалан, сўроқ қилиш) вақтида ёки бевосита у тугаганидан кейин (масалан, тергов тамомланганлиги тўғрисидаги ва айбланувчи ва унинг ҳимоячисига иш материаллари тақдим этилганлиги ҳақидаги баённома) тузилади.

Тергов ҳаракати қатнашчиси тергов ҳаракати баённомасини имзолашдан бош тортган тақдирда баённомада бу қайд этилади ва буни тергов ҳаракатини бажарган шахс ўз имзоси билан тасдиқлайди. Шахсининг имзолашдан воз кечишининг сабаблари ҳақидаги тушунтиришлари ҳам баённомага ёзиб қўйилади. Агар мазкур шахслар жисмоний камчиликлари туфайли баённомани имзолай олмасалар (сўроқ қилиш баённомаси бундан мустасно), бу тўғрида ёзиб қўйилди ҳамда терговчи ва холисларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Баённома қўлда ёки компьютерда ёзилади. Тергов ҳаракатлари тўла қайд этилишини таъминлаш учун стенография қўлланилиши мумкин.

Назорат учун саволлар ва топшириқлар:

1. Суриштирувчи томонидан терговчининг топшириқларини ижро этиши деганда нимани тушунасиз?
2. Суриштирувчи томонидан терговчининг топшириқларини ижро этиш вазифасининг мазмунини тушунтиринг.
3. Суриштирувчи томонидан терговчининг топшириқларини ижро этишининг аҳамияти нималардан иборат?
4. Суриштирувчи томонидан терговчининг тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш мажбурийлиги деганда нимани тушунасиз?
5. Суриштирувчи томонидан терговчининг тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш, шартларига нималар киради?
6. Суриштирувчи томонидан терговчининг тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини ижро этиш тартиби қандай?
7. Суриштирувчи томонидан терговчининг тергов ва қидирув ҳаракатларини бажариш тўғрисидаги топшириқларини қандай муддатда ижро этиши шарт?
8. Суриштирувчи томонидан терговчининг топшириқларини бажариш натижалари қандай расмийлаштирилади?

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
<i>I боб.</i> ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ СУРИШТИРУВ ОРГАНИ СИФАТИДА МАҚОМИ	5
<i>II боб.</i> ЖИНОЯТ ҲАҚИДАГИ АРИЗА ВА ХАБАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ, КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ	28
<i>III боб.</i> ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ. СУРИШТИРУВЧИНИНГ ТЕРГОВ-ТЕЗКОР ГУРУҲИ ТАРКИБИДАГИ ФАОЛИЯТИ	42
<i>IV боб.</i> ЖИНОЯТ ИШИНИ ҚЎЗҒАТИШ ВА СУРИШТИРУВНИНГ БОШЛАНИШИ	62
<i>V боб.</i> СУРИШТИРУВ ЖАРАЁНИДА КЕЧИКТИРИБ БЎЛМАС ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШ	83
<i>VI боб.</i> СУРИШТИРУВНИ ТАМОМЛАШ	118
<i>VII боб.</i> СУРИШТИРУВЧИ ТОМОНИДАН ТЕРГОВЧИ ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ	128

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА СУРИШТИРУВ

Маърузалар курси

Муҳаррир С.С.Қосимов
Техник муҳаррир Д. Р. Джалилов

Босишга рухсат этилди 01. 06. 2017. Нашриёт ҳисоб табағи 7,8.
Адади 50 нусха. Буюртма № . Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.